

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ  
ҚУРИЛИШНИ БОШҚАРИШ ФАКУЛТЕТИ**

**“Қурилиш иқтисодиёти ва кўчмас мулкни баҳолаш” кафедраси  
5А230201“Қурилиш иқтисодиёти” мутахассислиги  
Мелиқулов Ғайрат Абдуғаффоровичнинг магистрлик**

# **ДИССЕРТАЦИЯСИ**

**Диссертация мавзуси:**

**ҚУРИЛИШ КОРХОНАЛАРИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ХЎЖАЛИК  
ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

**“Қурилиш иқтисодиёти ва кўчмас  
мулкни баҳолаш” кафедраси мудири**

**Доц. В.У.Ёдгоров \_\_\_\_\_**

**Илмий раҳбар: \_\_\_\_\_**

**Доц. М.С. Саидов \_\_\_\_\_**

**ТОШКЕНТ-2015**

## МУНДАРИЖА

|  |           |
|--|-----------|
| <b>I-БОБ. ҚУРИЛИШ КОРХОНАЛАРИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИНИ ЎРГАНИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.....</b>                    | <b>12</b> |
| 1.1. Қурилиш корхоналарида ишлаб чиқариш фаолиятини ташкил қилишнинг назарий асослари.....                                   | 12        |
| 1.2. Қурилиш корхонаси хўжалик фаолити самарадорлигига таъсир этувчи ишлаб чиқариш харажатлари ва уларнинг хусусиятлари..... | 25        |
| 1.3.Қурилиш корхоналарида ишлаб чиқариш харажатларни камайтириш хусусиятларир.....   | 35        |
| <b>II-БОБ. ҚУРИЛИШ КОРХОНАСИНИНГ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИ ТАҲЛИЛИ.....</b>  | <b>43</b> |
| 2.1. Қурилиш корхонасининг асосий техник иқтисодий кўрсаткичлари таҳлили.....  | 43        |
| 2.2. Қурилиш корхоналарида ишлаб чиқариш харажатлари таҳлили.....  | 48        |
| 2.3. Қурилиш корхонасида қисқа муддатли ва узоқ муддатли даврларда ишлаб чиқариш харажатларининг ўзгариши таҳлили.....       | 61        |
| <b>III- БОБ. ҚУРИЛИШ КОРХОНАЛАРИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ.....</b>                      | <b>72</b> |
| 3.1. Қурилиш корхоналарида ишлаб чиқариш харажатларини бошқаришни такомиллаштириш.....                                       | 72        |
| 3.2. Қурилиш корхоналарда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва таҳлил қилиш йўллари.....                                  | 82        |
| <b>ХУЛОСА .....</b>  | <b>95</b> |
| <b>Фойдаланилган адабиётлар.....</b>   |           |

## КИРИШ

**Мавзунинг долзарблиги.** Мамалакатимиз мустақиллика эришгандан сўнг иқтисодиётда жуда катта ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Биз бозор иқтисодиёти йўлини танлаган эканмиз халқ хўжалигида таркибий ўзгаришларни амалга ошириб келяпмиз. Бу асосан хом ашё базасидан саноатлашган халқ хўжалигига ўтишда намоён бўлмоқда. Бугунги кундаги бозор иқтисодиёти шароити ишлаб чиқариш корхоналаридан сифатли, арзон, харидоргир, умуман олганда рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни талаб қилаяпти.

Олдимизга қўйилган асосий вазифа талабаларда мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш корхона фаолиятини техника-иқтисодий самарадорлигини ошириш, корхона мақсадига эришишни амалий усулларини ўргатишдан иборат.

Корхонада аниқ ва тўғри ишлаб чиқишни ташқил этиш корхона иқтисодий кўрсаткичларини юқори бўлишини таъминлайди. Натижада инвесторлар тармоққа инвестиция киритадилар ва киритилган маблағга қараб фаолият юритадилар.

Ўзбекистон иқтисодиётининг юқори суръатлар билан барқарор ривожланиши истиқлолнинг дастлабки кунларидан Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан амалга ошириб келинаётган пухта ўйланган кенг қўламли ислохотлар самарасидир. Барча тармоқларни мувозанатли ривожлантириш, ишлаб чиқаришни модернизатсия қилиш, техник ва технологик янгилаш, маҳаллийлаштириш дастурининг амалга оширилиши, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватланиши мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган, ички ва ташқи бозорларда харидоргир импорт ўрнини босадиган ҳамда экспортбоп маҳсулотлар ҳажмини мунтазам ошириш имконини бермоқда. Илм-фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги ҳамкорликнинг мустаҳкамланиши ҳаёт

синовидан ўтган, зикр этилган ижобий жараённи рағбатлантирувчи ва жадаллаштирувчи механизмга айланди.

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигага эришгач, мамлакат ҳаётида ишлаб чиқариш кучларини янада ривожлантириш, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, аҳолининг турмуш тарзини яхшилашга қаратилган улкан ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар рўй берди ва рўй бермоқда. Бунга иқтисодиётга киритилган янги инвестициялар ва мавжуд моддий-техника асосини модернизация қилишдан ташқари бошқарувнинг демократик тамойилларини кучайтириш, корхона, фирма ва уларга тенглаштирилган ишлаб чиқариш тузилмаларининг хўжалик фаолияти билан боғлиқ мустақиллик доирасини кенгайтириш, сиёсатнинг иқтисодиётдан устунлигига барҳам бериш, инсон фаолиятининг барча соҳа ва тармоқларида ташаббускорлик, изланиш ва ҳоказоларнинг ривожланиши ҳам кенг имкониятлар яратмоқда.

Мустақиллик ҳамда барча хўжалик юритиш тизимининг бозор муносабатларига ўтиши иқтисодиётнинг асосий бўғини ҳисобланувчи корхона мақомининг сезиларли равишда ўзгаришига сабаб бўлди. Корхоналар эндиликда давлатга тегишли бўлган пайтлардагидан фарқли ўлароқ маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича фаолиятларини директива кўрсаткичлари асосида эмас, балки Ўзбекистон Республикаси “Корхоналар тўғрисида”ги қонуни ва бозор талабларига асосан мустақил равишда юритмоқда. Улар ўзларига керак бўлган ишчи ва ходимлар сонини мустақил белгиламоқда, ишлаб чиқариш техникаси ва технологияси, тежамкорлик режимиغا риоя қилиш масалалари билан шуғулланмоқда, замонавий маркетинг ва менеджментни йўлга қўймоқдалар ҳамда жорий ишлаб чиқаришни режалаштирмоқдалар ва ривожланишнинг зарурий прогнозларини амалга оширмоқдалар.

Юртимизда қабул қилинган 2011-2015-йилларда саноатни устувор даражада ривожлантириш дастури ва ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга доир тармоқ дастурларининг изчил

амалга оширилиши натижасида саноат таркибида юқори қўшимча қийматга эга бўлган, рақобатдош махсулотлар тайёрлаётган қайта ишлаш тармоқларининг ўрни тобора ортиб бормоқда. Бугунги кунда мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган саноат махсулотларининг 78 фоиздан ортиғи айнан ана шу тармоқлар хиссасига тўғри келмоқда.<sup>1</sup>

Ҳеч шубҳасиз, бу борада саноат кооперацияси асосида тайёр махсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш кўламини кенгайтириш бўйича бажарган ишларимиз муҳим рол ўйнади.

Сўнгги 3-йилда мамлакатимизда маҳаллийлаштирилган махсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми қарийб икки баробар ошди. Фақат ўтган йилнинг ўзида 455 та корхонада маҳаллийлаштириш дастури асосида 1 минг 140 та лойиха амалга оширилди. Бунинг натижасида ишлаб чиқариш ҳажми 1,2 баробар кўпайди ва импорт ўрнини босиш бўйича якуний самара 5 миллиард 300 миллион АҚШ долларини ташкил этди.

Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида яқка тартибда уй-жойлар қуриш бўйича мақсадли давлат дастурининг амалга оширилиши алоҳида эътиборга лойиқдир. Ушбу дастур доирасида 2014 йилда 11 мингта янги турар жойлар барпо этилди. Шунингдек ўтган йилда ижтимоий соҳа объектлари, жумладан, “таълим соҳасида ўқув муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш борасидаги ишлар изчил давом эттирилди. Ўтган йили ҳаммаси бўлиб 540 дан зиёд объект, шу жумладан, 380 та мактаб, 160 дан ортиқ касб-ҳунар коллежи ва академик лицей тубдан янгиланди. Мазкур мақсадлар учун қарийб 550 миллиард сўм сарфланди. Ушбу маблағларнинг 120 миллиард сўмдан ортиғи таълим муассасаларини ўқув, лаборатория ва ишлаб чиқариш ускуналари, компьютер ва мультимедиа воситалари билан таъминлаш учун ажратилди”.

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устивор йўналишларига бағишланган вазирлар маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи 19.01. 2015.

Қишлоқ жойларида замонавий ва қулай уй-жойлар қурилиши билан бирга инсон онги ва маънавий салоҳиятини шакллантиришга хизмат қилувчи болалар боғчалари, умумтаълим мактаблари, мусиқа ва санъат мактаблари, спорт иншоотлари, тиббиёт муассасалари, турли маиший хизматлар кўрсатувчи ижтимоий объектлар қурилиши, бир сўз билан айтганда, қишлоқ аҳолисининг қулай ва муносиб ҳаёт кечириши учун зарур бўлган барча шароитларни ўз ичига олган замонавий ва обод қишлоқларни барпо этиш ишлари давом этмоқда. Жумладан, мамлакатимизда 2009-2013 йиллар мобойнида Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича яқка тартибдаги уй-жой қурилиши давлат дастурини амалга ошириш натижасида 159 та қишлоқ туманларида 1248 та комплекс тарзда қурилган янги уй-жой массивлари вужудга келтирилиб, уларда жами майдони 4,6 млн квадрат метрдан ортиқ бўлган 33,5 мингтадан кўпроқ замонавий яқка тартибдаги шинам уй-жойлар барпо этилди. 1677 км сув таъминоти тармоқлари, 1039 км электр тармоқлари, 1346 км газ таъминоти тармоқлари ва 981 км автомобиль йўллари, шунингдек мингдан зиёд ижтимоий ва бозор инфраструктураси объектлари фойдаланишга топширилди.<sup>2</sup>

**Магистирлистик диссертацияси ўрганилганлик даражаси.** Қурилиш корхоналарида ишлаб чиқаришни ривожлантириш ваҳўжалик фаолиятини ривожлантириш борасида илмий ишлар олиб борган олимлардан қуйидаги олимларни таъкидлаб ўтишимиз мумкин.

Р.Х.Алимов, Ш.Ш.Шодмонов, Р.Х.Алимов, Т.Т.Жўраев, Д.Д.Москвина, Е.Ф.Борисов, М.В.Новиков И.В.Сергеев, Э.Г.Непомняхий, Я.М.Эрней, М.И.Маматов, З.Сариков, Р.ГерикеВ. В.Гуломов, Я.А.Фомин, И.Т.Балабанов, Э.А.Либерман, Г.Б.Поляк, Э.А.Замаховский, Л.М.Куликов, Э.Х.Махмудов, А.С.Булатова, М.Яхшиева, И.А.Каримов, И.Т.Абдукаримов, В.Я.Горфинкеля, В.А.Швандара, Э.Х.Махмудов, И.Т.Абдукаримов, В.Г.Грузинов, Ш.И. Гизотуллин, Б.А.Аникина, П.Джеймс, М.Х.Мескон,

---

<sup>2</sup> И.Каримов, замонавий уй жой қурилиши қишлоқ жойларда комплекс ривожлантириш ва киёфасини ўзгартириш ҳамда аҳоли ҳаётини сифатини яхшилаш амалий мавзусидаги халқаро конференцияси. 2013йил 14-13 апрел

И.Б.Гурков, М.Альберт, Э.А.Смирнов, Э.А.Абдуллаев, Ў.Р.Абдурахмонов, Ш.Н.Зайнуddинов, В.Н.Василев, О.Виханский, А.Наумов, В.В.Глухов, М.Г.Лапуста, Л.Г.Шаршукова, О.И.Волков, И.Муракаев, И.Саифназаров, М.Х.Мескон, С.Ф.Моргун, А.А.Ортиков, П.М.Турсунхўжаев, И.В.Хохлов, С.С.Ғуломов, М.С.Ашуров, Г.И.Шепеленко.

Умуман, юқорида номларизикр этилган хорижлик ва Ўзбекистонлик олимлар ҳамда мутахассисларнинг илмий тадқиқотлари корхоналарда ишлаб чиқаришни ва хўжалик фаолиятини услубий асослари, ҳамда унинг механимларга тааллуқли кўпгина оимлар ва ходисаларни аниқлашга салмоқли хисса кўшишган бўлиб, қурилишда ишлаб чиқариш ва умумлаштириш учун муҳим назарий-услубий асос ҳисобланади. Иқтисодиётни эркинлаштириш боскичида мамлакатимизда қурилиш саноатини ривожлантириш ва ишлаб чиқаришни ҳамда хўжалик фаолиятини ривожланиши саноат тармоқлари билан ўзаро алоқаларининг кучайишида ўз аксини топмоқда. Бу борада куйидаг иолимларни фикрини келтиришимиз мумкин.

Э.Х.Махмудов корхоналарни ташкил қилиш ва тугатиш бозор муносабатлари шароитларида одатий ва қонуний ҳолдир. Корхонани ташкил қилиш ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва бирон-бир маҳсулотга бўлган талабнинг ортиши натижасида юзага келса, корхоналарни тугатиш эса талабнинг мавжуд эмаслиги ҳамда банкротликка боғлиқ бўлади деб тақидлаганлар.<sup>3</sup>

Э.А.Ақромов корхоналарни ташкил қилгандан сўнг уларни келажакда самарали фаолият юритишини ҳам таъминлаш зарур. Шу сабабли бирон-бир корхонани қилиш асосланган бўлиши ва илмий тамойилларга таяниши лозим деб клиф киритган.<sup>4</sup>

И.Т.Абдукаримов ишлаб чиқариш самарадорлиги ҳар бир корхона фаолиятининг энг асосий вазифаси ҳисобланади. У хўжалик юритишнинг

---

<sup>3</sup>Махмудов Э.Х., Исаков М.Ю. Бизнеспланирование. (Учебное пособие). – Т.: Издательство Литературного фонда Союза писателей Узбекистана, 2004.

<sup>4</sup>Ақромов Э.А. Корхоналарнинг молиявий ҳолати таҳлили. – Т.: Молия, 2003. – 223 б.

сифат ва миқдор кўрсаткичларини, шунингдек, буюмлашган ва жонли меҳнат харажатлари ҳамда олинган натижалар ўрсидаги муносабатни ифодалашини такидлаганлар.<sup>5</sup>

И.Б.Гурков “инновационное развитие и конкурентоспособность” китобида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш – корхона раҳбариятининг доимий вазифасидир. Бу вазифани ечиш амалиётда кўйидаги омиллар билан боғлиқ бўлади:

-бозор талабларига жавоб берувчи юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришда энг кам харажатлар билан ишлаб чиқаришнинг максимал ҳажмини таъминловчи, оптимал ишлаб чиқариш жараёнини танлаш;

-истеъмолчилар талабини қондиришга йўналтирилган маҳсулотни сотиш ва юқори даромад (фойда) олиш;

-айланма восиларни тежаш имкониятини яратувчи оптимал ишлаб чиқариш заҳираларини яратиш деб кўрсатган.<sup>6</sup>

Я.А.Фомин асосий ишлаб чиқариш фондлари ишлаб чиқаришда банд бўлган барча мутахассис ва ходимлар сони билан биргаликда, корхонанинг ишлаб чиқариш аппарати деб такидлаган.<sup>7</sup>

О.И.Волков Корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати – бу, ишлаб чиқаришнинг барча заҳираларидан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқариш мумкин бўлган маҳсулотнинг максимал ҳажмидир деб фикир берганлар.<sup>8</sup>

И.В.Сергеев ишлаб чиқариш микёси асосан икки омилга боғлиқ бўлади: меҳнат унумдорлиги ва ишловчиларнинг сони. Уларга нисбан ишлаб чиқариш ҳажми тўғри муносибликда ўзгаради. Ресурслар чекланганидан жамият ўз эҳтиёжини қондириш учун меҳнат унумдорлигини ошириш йўлидан боради. Меҳнат унумдорлиги меҳнат натижасини, меҳнат самарадорлигини англайди. Меҳнат унумдорлиги вақт

---

<sup>5</sup>Абдукаримов И.Т. ва бошқалар Корхона иқтисодий салоҳияти таҳлили. Т.: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриётуви, 2003.

<sup>6</sup>Гурков И.Б. Инновационно-развитие и конкурентоспособность: Очерки развития 333 российских предприятий. – М.: ТЕИС, 2003.

<sup>7</sup>Фомин Я.А. Диагностика кризисного состояния предприятия: Учеб. пособие для вузов. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2003. 439 с.

<sup>8</sup>О.И. Волков, Экономика предприятия, Учебник. М., “ИНФРА-М”, 2000.

бирлигида яратилган махсулот ва хизматлар миқдори ёки махсулот ва хизматлар бирлигини яратиш учун сарфланган иш вақтидир дейди.<sup>9</sup>

Р.Х. Алимов ишлаб чиқаришнинг натурал шакли ишлаб чиқарувчи кучлар билан ишлаб чиқариш муносабатларининг шундай даражасига хосдирки, бунда ишлаб чиқаришнинг асосий мақсади нихоятда чегараланган ҳамда ҳажми катта бўлмаган ва таркиби жихатидан деярли бир хил бўлган эҳтиёжларни кондиришга бўйсундирилган.<sup>10</sup>

Корхонанинг ишлаб чиқариш структураси доимий бир хил бўлмайди. У ишлаб чиқарилаётган махсулот ҳажми ва тури, техника, технология ва ишлаб чиқаришни ташкил қилишни такомиллаштирилиши натижасида такомиллашиб боради дейди Э.Юнусалиев “корхоналарда ишлаб чиқаришни ташкил қилиш” китобида.

Иқтисодиётнинг инсон ва жамият ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятига ўз вақтида А.Смит юқори баҳо бериб, у инсонни “*homo economicus*” - “иқтисодий одам” деб атаган. Ҳақиқатдан ҳам, ҳар бир одам иқтисодиётнинг моҳиятини, ҳаёт неъматлари нималар эвазига берилишини англамагунча, маблағларни ишлаб топиш ва улардан самарали фойдаланишни ўрганмагунча, оила миқёси ва ундан юқори даражадаги иқтисодиёт учун маъқул келувчи сифат ва миқдор параметрларига эга бўлади.

Умуман, юқорида номлари зикр этилган хорижлик ва Ўзбекистонлик олимлар ҳамда мутахассисларнинг илмий дқиқотлари корхоналарда ишлаб чиқаришни ва хўжалик фаолиятини услубий асослари, ҳамда унинг механизмларга таълуқли кўпгина омиллар ва ҳодисаларни аниқлашга салмоқли ҳисса қўшишган бўлиб, қурилишда ишлаб чиқариш ва умумлаштириш учун муҳим назарий-услубий асос ҳисобланади.

**Магистирлик диссертацияси ишининг мақсади.** Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида қурилиш корхоналарининг ишлаб чиқариш

---

<sup>9</sup>СергеевИ.ВЭкономикапредприятия. 2-еизд. пераб. идоп. УчебноепособиеМ.: ФиС 2004.

<sup>10</sup>Шодмонов Ш., Алимов Р., Жўраев Т. Иқтисодиёт назарияси. -Т.: Молия. 2002.

ва хўжалик фаолияти такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот мақсадидан келиб чиқиб қуйидагилар магистрлик **диссертация иши вазифаси** этиб белгиланди.

-қурлиш корхонасининг ишлаб чиқариш ҳолатини ва хўжалик фаолиятининг назарий жиҳатларини ўрганиш;

- қурлиш корхонасининг ишлаб чиқариш ҳолатига таъсир этувчи омилларини аниқлаш;

-қурлиш корхонасининг молиявий – иқтисодий ҳолатини таҳлил қилиш ва улар бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

- қурлиш корхонасининг ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолияти такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

**Магистирлик диссертация ишининг предмети ва объекти.** Тадқиқотнинг предмети бўлиб, қурилиш корхоналарини ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолиятини ривожлантириш, хусусан бу соҳани ишлаб чиқариш муаммоларини бартараф этиш ва уларни янги техник тамилотлар билан таъминлаш, айланма капиталларни ривожлантириш ҳисобланади. Ишнинг объекти бўлиб мамлакатимиздаги қурилиш корхоналари ҳисобланади.

**Тадқиқот методи** бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари ва фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура қурилиш кўмитаси қарор ва меъёрий ҳужжатлари, ватанимиз ҳамда хорижий олимларнинг илмий ишлари, шунингдек, қурилиш иқтисодиёти ва ишлаб чиқаришга оид чоп этилган иқтисодий адабиётлар ташқил этади.

**Магистирлик диссертация ишининг назарий ва услубий асослари бўлиб,** диссертацияга келтирилган назарий маълумотлар ва тавсиялардан республикада қурилиш корхоналарида ишлаб чиқаришни ва хўжалик фаолиятини ривожлантиришда қўлланма сифатида фойдаланиш мумкин. Қўйилган муаммолар, келтирилган таклифлар ва хулосалар

иқтисодиётни, қурилиш саноати бўйича бакалавр босқичидаги юқори курс талабаларига қўлланма сифатида фойдаланишга тавсия этилади.

**Диссертасиянинг илмий янгилиги.** Диссертасиянинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, илмий ўрганилганлик даражаси, диссертасиянинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети, диссертасиянинг илмий янгиликлари ва илмий аҳамияти кўрсатилган.

-қурилиш корхонасида ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва унинг иқтисодий аҳамиятини ошириш бўйичи таклифлар берилган;

-қурилиш корхонасининг ишлаб чиқариш ҳолатига таъсир этувчи омиллар аниқланди;

-қурилиш корхонасининг молиявий – иқтисодий ҳолатини таҳлил қилинди ҳамда улар бўйича таклифлар ишлаб чиқилди;

- қурилиш корхонасида айланма капиталдан самарали фойдаланиш йўллари кўрсатиб берилди;

- қурилиш корхонасининг ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолияти такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди;

**Тадқиқот ишининг таркиби тузилиши.** Тадқиқот ишининг таркибий тузилиши кириш, учта боб, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар руйхати ва иловаларда ташкил топган.

# **I-БОБ. ҚУРИЛИШ КОРХОНАЛАРИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИНИ ЎРГАНИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ**

## **1.1. Қурилиш корхоналарида ишлаб чиқариш фаолиятини ташкил қилишнинг назарий асослари**

Қурилиш ишлаб чиқариши – бу асосий хусусий фондларни яратиш ва янгилаш йўли билан кенгайтирилган ишлаб чиқаришни таъминлайдиган қурилиш ва монтаж ишлари ҳамда жараёнларининг ўзаро боғланган комплекси. У янги бинолар ва иншоотларни тиклаш (қуриш) ҳамда мавжуд бўлган бинолар ва иншоотларни кенгайтириш, реконструкция қилиш, техник қайта жиҳозлаш ва таъмирлаш билан боғлиқ бўлган жараёнларни қамраб олади.

Қурилиш ишлаб чиқаришини ташкиллаштириш – объект қурилишини ва ишларнинг алоҳида турларини сифатли бажариш ҳамда самарадорликни таъминлаш учун барча турдаги ресурслар билан таъминлаш, ишларнинг бажарилиш кетма-кетлиги ва уларнинг белгиланган муддатларда бажарилиши, умумий тартибни ўрнатиш ва таъминлашни бажаришга қаратилган ўзаро боғланган тизимдир.

Қурилиш ишлаб чиқаришини ташкиллаштириш ШНК 3.01.01-03 “Қурилиш ишлаб чиқаришини ташкиллаштириш” талабларига мувофиқ якуний натижага эришиш – объекти зарур бўлган сифат ва белгиланган муддатда ишга туширишда ҳамма ташкилий, техник ва технологик ечимларнинг мақсадга мувофиқ йўналтирилганлигини таъминламоғи лозимдир.

Ишлаб чиқаришни ташкил этиш деб, маълум вақт мобайнида ишлаб чиқаришнинг барча элементларидан (ресурсларидан) унумлироқ фойдаланиш усуллари мажмуасига айтилади. Ҳар қандай ишлаб чиқариш жараёнини 2 томонлама қараб чиқиш мумкин: ишлаб чиқаришда меҳнат

предметларининг ўзгариши (технологик жараён); ходимларнинг меҳнат предметларини ўзгартириш бўйича ҳаракатлари (меҳнат жараёни).

Ҳар бир объект қурилиши қурилишни ташкил этиш ва ишларни ишлаб чиқиш технологиялари бўйича олдиндан ишлаб чиқилган ечимни ўз ичига олган ташкил-технологик ҳужжатлар асосида амалга оширилади, бу олдиндан ишлаб чиқилган ечим қурилишни ташкиллаштириш лойиҳаси (ҚТЛ) ва қурилиш ишларини ишлаб чиқиш лойиҳасида (ҚИЧЛ) да қабул қилинган бўлмоғи лозим.

ҚТЛ лойиҳада (ишчи лойиҳада) кўзда тутилган тўлиқ қурилиш ҳажмида ишлаб чиқилади.

*ҚТЛ таркибига қўйидагилар киради:*

- қурилишнинг календар режаси, унда асосий ва ёрдамчи бинолар ва иншоотлар қурилишининг муддатлари ва кетма-кетлиги, технологик узеллар ва ишларнинг босқичлари, капитал маблағларнинг тақсимланиши билан ишга тушириш ва шаҳарсозлик комплекслари, бинолар ва иншоотлар ҳамда қурилиш даврлари бўйича қурилиш-монтаж ишларининг ҳажмлари кўрсатилади;
- қурилиш бош режаларида доимий бинолар ва иншоотларнинг жойлашиши, вақтинчалик жумладан кўчувчан (инвентар) бинолар ва иншоотлар, жиҳозлар, конструкциялар, материаллар ва буюмларни ташиш учун доимий вақтинчалик темир ҳамда автомобил йўллари;
- катта юк кўтарувчи кранларнинг юриши учун йўللари; инженерлик тармоқлари, қурилиш майдонини электрэнергияси, сув, иссиқлик, буғ билан таъминлаш манбаларини кўрсатган ҳолда вақтинчалик хизмат кўрсатадиган инженерлик коммуникацияларининг асосий ишлаб турган тармоқларга уланиш жойлари; омборхона жойлари; асосиймонтаж кранлари ва бошқа қурилиш машиналари, механизациялашган қурилмалар; бўзилиш керак бўлган мавжуд қурилишлар, бинолар ва иншоотларнинг бўлиниш ўқларини ўрнатиш (маҳкамлаш) белгиларининг жойлашишлари кўрсатилади;

- ташкилий-технологик схемалар, улар орқали ишларнинг технологик кетма-кетлиги кўрсатилган ҳолдабинолар ва иншоотларни тиклашнинг мақбул (оптимал) кетма-кетлиги аниқланади;

- асосий қурилиш, монтаж ва маҳсус ишлар ҳажмларининг рўйхати (ведомости);

- қурилиш конструкциялари, буюмлари, материаллари ва жиҳозларга бўлган эҳтиёжлар рўйхати;

- асосий қурилиш машиналари ва транспорт воситаларига бўлган эҳтиёжлар графиги;

- асосий категориялар бўйича қурувчи кадрларга бўлган эҳтиёжлар графиги;

- тушунтириш матни.

ҚТЛ нинг тартиб ва мазмуни лойиҳаланаётган объектнинг мураккаблиги ва спецификасини (ўзига хослигини) ҳисобга олган ҳолда ўзгартирилиши мумкин.

Бинолар, иншоотлар ёки уларнинг қисмларини (узелларини) тиклашда ҚИЧЛ таркибига қуйидагилар киради:

- объект бўйича ишларни ишлаб чиқаришнинг календар режаси ёки комплексли тармоқланувчан график, уларда ишларнинг бажарилиши кетма-кетлиги ва муддатлари кўрсатилиб, унда ишлар мумкин қадар максимал ҳолда қовуштирилади;

- қурилиш бош режаси, унда қурилиш майдонининг чегаралари ва уни тўсиш турлари; амалдаги вақтинчалик хизмат қиладиган ер ости, ер усти ва ҳаво орқали ўтказилган тармоқлар ва коммуникациялар; доимий ва вақтинчалик хизмат қиладиган йўллар; транспорт воситалари ва механизмларининг ҳаракатланиш схемалари; қурилиш ва юк кўтарувчи машиналарини ўрнатиш жойлари; уларнинг кўчиш йўллари ва ишлаш (ҳаракат) зонаси; доимий, қурилаётган ва вақтинчалик бинолар ва иншоотларнинг жойлашиш ўрни; геодезик бўлувчи асослар хавфли зоналар, ишчи ярусларда (қаватларда) ишлатилаётганларнинг кўтарилиш

йўллари ва уларни кўтариб чиқариш ҳолда тушириш воситаларини кўрсатувчи белгиларнинг ўрнатилиш жойлари; шунингдек бинолар ва иншоотларга утиш йўлакларининг кўтарилиши, энергия билан таъминлаш манбалари ва воситалари ҳамда қурилиш майдонини ёритиш воситалари ва манбалари, ерга уланиш контурлари; қурилиш ахлатлари учун ажратилган жой ва идишлар, материаллар ва конструкцияларни сақлаш учун майдон ва хоналар, конструкцияларни йиғин майдончаси, қурувчиларга санитар-маданий

-маиший хизмат кўрсатиш хоналарининг жойлашиши, сув ичиш ўрнатмаларининг ва дам олиш жойлари, ҳамда ўта хавфли ишларни бажариш зоналари кўрсатилади. Ўтурувчан (чўкувчан) грунтларда сув тарқатувчи пунктлар, нам жараёнлар қўлланадиган механизациялашган ўрнатмалар ва вақтинчалик хизмат кўрсатадиган иншоотлар жойнинг рельефли бўйича пасайиб борадиган томонларга жойлаштирилиши, уларнинг атрофидаги майдончалар сувнинг тез оқиб кетишини ҳисобга олган ҳолда режалаштирилмоғи лозим;

- технологик карталар (схемалар), уларда аҳолида иш турлари сифат операцион назорат қилиш схемаси, ишларни ишлаб чиқиш методларининг баённомаси (матнни), меҳнат сарфлари ва материаллар, машиналар, жиҳозлар, мосламалар ва ишчиларни ҳимоялаш воситалари, шунингдек корхоналарни, бинолар ва иншоотларни реконструкция қилишда демонтаж ишларининг кетма-кет бажарилиши кўрсатилади;

- геодезик ишларни ишлаб чиқариш бўйича ечимлар ўз ичига геодезик қуришлар (тузишлар) ва ўлчамларни бажариш учун белгиларни жойлаштириш схемаларини олади, ҳамда бу ечимларда зарур бўлган аниқлик ва қурилиш-монтаж ишларини геодезик назорат қиладиган техник воситалар кўрсатилади;

- ҚМҚ 3.01.02-00 орқали аниқланган таркибда техника хавфсизлиги бўйича ечимлар;

- қурилиш майдони ва иш жойларини сув, иссиқлик ва энергия таъминоти ва ёруғлик билан ёритиш (жумладан авария ҳолати учун ҳам) учун вақтинчалик тармоқларни ётқизиш бўйича ечимлар, уларда зарур бўлган ҳолларда таъминот манбаларидан тармоқларни тортиб боришни ўз ичига олган ишчи чизмалар кўрсатилади;

- технологик инвентар ва монтаж ускуналарининг рўйхати ҳамда юкларни хавфсиз юклаш, илиш, осишнинг схемалари;

- қуйидагиларни ўз ичига оладиган тушунтириш матни:

- энергетика ресурсларига бўлган эҳтиёж ва уларни ҳимоялаш (қоплаш, ёпиш) бўйича ечимлар;

- материаллар, буюмлар, конструкциялар ва жиҳозларни қурилиш майдонида, бинолар ва иншоотларда сақлай олишга ва уларнинг ўғирланишини бартараф этишга йўналтирилган чора-тадбирлар.

Технологик карталар қурилиш жараёнларини илмий ташкил этишнинг асоси ҳисобланади. Улар қурилиш соҳасида тўпланган илғор тажрибаларни ҳисобга олган ҳолда амалдаги меъёрлар (ҚМҚ, Давлат стандартлари (ДС), инструкциялар) асосида ишлаб чиқилади. Бино ва иншоотларнинг типли конструктив ечимлари асосида жойдаги (маҳаллий) шароитларга боғланган (мослаштирилган) типли технологик карталари ишлаб чиқарилади.

Технологик карта тузилмаси қуйидаги бўлимлардан ташкил топади.

1. “Қўлланиш соҳаси” бино ва иншоотлар конструктив элементларининг характеристикаларини, жараёнларнинг турлари ва уларнинг таркибини, ишлаб чиқариш шароитларини ўз ичига олади.

2. “Ишларнинг бажарилишини ташкил этиш ва унинг технологияси” асосий деб ҳисобланади ва қуйидагиларни: тайёргарлик ишларининг тугалланганлик талаблари машина ва жиҳозларнинг тавсия этилаётган таркиби, конструктив элементларнинг схемасини ва комплекс механизациялаштириш ҳамда машина ва жиҳозларни жойлаштириш схемаларини, конструктив қисми элементларини ўрнатиш бўйича технологик схемаларни, материаллар ва конструкцияларни жойлаштириш

(ёпиқ ва очик омборхоналарда сақлаш) схемасини ўз таркибига киритадиган график материал, ишларни ишлаб чиқиш ва бригадалар таркиблари бўйича тавсияларни ўз таркибига киритади. 3. “Сифатга ва қабул қилишга кўйиладиган талаблар” назорат схемасини ёки ишларнинг сифатини баҳолаш ва назорат қилишни амалга ошириш бўйича кўрсатмаларни (жадвал шаклида) ўз таркибига киритади.

4. “Меҳнатнинг машина вақти сарфининг ва иш ҳақининг калкуляцияси”.

5. “Ишларни ишлаб чиқиш графиги” меҳнат сарфининг калькуляцияси маълумотларидан фойдаланган ҳолда тузилади.

6. Моддий-техника ресурслари” ёки “Моддий-техник ресурслар”.

7. “Техника хавфсизлиги” техника хавфсизлиги бўйича лойиҳавий ечимларини, ҚҚМ га ва бошқа меъёрий ҳужжатларга асосланган берилган технологик карта жараёнларига тегишли бўлган конкрет чора-тадбирлар ва қоидаларни талаб этади.

8. “Техник-иқтисодий кўрсаткичлар” тайёр яъни тугаллаган маҳсулотнинг қабул қилинган ўлчам бирлигида ишларни ишлаб чиқиш графиги ва меҳнат сарфлари маълумотлари бўйича тузилди.

Бу кўрсаткичлар қуйидагиларни: калкуляциялар йиғиндиси бўйича ишчиларнинг меҳнатининг меъёрий сарфларини, киши-соатларни, калкуляциялар йиғиндиси бўйича машина вақтининг меъёрий сарфлари, машина-соатлар; калкуляциялар йиғиндиси бўйича ишчиларнинг иш ҳақи, сўм; калкуляциялар йиғиндиси бўйича механизаторнинг иш ҳақи, сўм; график бўйича ишнинг давомийлиги, сменарлар; сменада бир нафар ишчининг ишлаб чиқариш унумдорлиги, бу якуний тайёр маҳсулот кўрсаткичининг сонли қийматини киши-сменалардаги меъёрий меҳнат сарфига бўлинганлиги билан аниқланади; механизациялашга сарфланадиган харажатлар, сўм; ишчилар иш ҳақи ва механизациялаштиришга сарфланадиган харажатларнинг йиғиндиси (сўммаси) билан аниқланиладиган ўзгарувчан сарф-харажатлар, сўм.

Технологик карталар бинолар ва иншоотларнинг маълум типлари учун ўз вақтида технологик меъёрларни ишлаб чиқиш, қурилиш жараёнларининг кетма-кетлигини, қўлланиладиган механизация воситаларини, бригадалар таркибини ва уларнинг меҳнатини ташкил этиш имконини беради.

Ишлаб чиқариш жараёнини ҳар қандай ишлаб чиқаришнинг моҳияти деб ҳисоблаш мумкин. Қурилиш майдонида амалга ошириладиган ишлаб чиқариш жараёнларини қурилиш жараёнлари деб аташади (масалан, иссиқхонани яъни теплицани монтаж қилиш, экскаватор ёрдамида котлованни қозиш ва ҳ.к.). қурилиш жараёнларини кетма-кет бажариш натижасида бинолар ва иншоотлар деб аталадиган қурилиш маҳсулоти яратилади. Қурилиш жараёнини ўрганиш орқали уларни технологик белгилари бўйича тайёрлаш, транспорт ва монтажли-ўрнатишга классификациялаш мумкин.

Тайёрлаш жараёнлари: ихтисослаштирилган корхоналарда ва қурилиш майдонлари (объект олдидаги бетон қориш қурилмалари, кўчма битум сиқувчи агрегатлар ва ш.ў.)да қурилиш материалларини, ярим фабрикатлар (қурилиш конструкциялари, қоришмалар ва ҳ.к.) ни тайёрлаш.

Транспорт жараёнлари: қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкцияларини қурилиш майдонига етказиш ва уларни бевосита иш жойларига ўзатишдан иборат.

Монтажли-ўрнатиш жараёнлари бевосита қуриладиган объектда амалга оширилади. Улар ўзининг мўлжалланишига (вазифасига) кўра қурилиш маҳсулотини яратувчи асосий жараён (ғишт териш, конструкцияларни монтаж қилиш ва ҳ.к.), тайёрлаш жараёнлари (юзаларни яъни сиртларни бўяшга тайёрлаш, монтаж олдидан конструкцияларни йиғиш) ва ёрдамчи жараёнлар (оёқ ости кўприкларини ўрнатиш, опалубкалар тайёрлаш ва ҳ.к.).

Технологиясининг спецификациясига боғлиқ равишда монтажли-ўрнатиш ишлари қуйидагиларга етакчи (асосий) ва қўшма жараёнларга бўлинади. Технологик кетма-кетлик ва қурилиш маҳсулотини тайёрлаш муддатини аниқлайдиган жараёнлар етакчи жараёнлар деб аталса, улар

билан параллел бажариладиган жараёнларини эса қўшма жараёнлар деб аташ қабул қилинган. Жараёнларни қўшиш қурилиш муддатини қисқартиришга шароит яратади.

Асосий ишлаб чиқариш жараёнида материаллар тайёр маҳсулотга айланади. Қўшимча ишлаб чиқариш жараёнида асосий ишлаб чиқариш учун хизмат кўрсатилади.

Қурилиш жараёнида 3 даврни ажратиш мумкин:

- 1) қурилишни тайёрлаш;
- 2) қурилишнинг ўзи;
- 3) қурилиш маҳсулотининг реализацияси (тайёр бўлган объектни эксплуатацияга топшириш).

Қурилиш ишлаб чиқаришининг босқичлари капитал маблағлар доиравий айланишининг 3- даврига мос келади:

- 1) асосий фондларни яратиш шакли бўлган ишлаб чиқариш;
- 2) қурилиш маҳсулотининг асосий фондлар шаклига айланиши;
- 3) пул фондларини маҳсулотга айлантириш учун кейинги циклга тайёрланиш.

Қурилиш жараёни деганда, ўзаро боғлиқ бўлган қурилиш майдонида амалга оширилиб қурилиш маҳсулотига айланишни вужудга келтирадиган асосий, ёрдамчи ва хизмат кўрсатувчи технологик операциялар мажмуига айтилади. Қурилиш жараёнининг иқтисодий моҳияти - унга бўлган харажатлар билан ифодаланади.

## 1.1-жадвал

### Қурилиш корхонасининг ишлаб чиқариш схемаси

|  |   |                           |   |                       |   |                          |   |                       |
|--|---|---------------------------|---|-----------------------|---|--------------------------|---|-----------------------|
| Қурилиш корхонаси фаолиятини ташкил этиш |   | Ресурслар билан таъминлаш |   | Ишлаб чиқариш жараёни |   | Ишлаб чиқаришни бошқариш |   | Маҳсулот реализацияси |
| Ишлаб чиқариш жараёни                    | = | Меҳнат куроллари          | + | Меҳнат предметлари    | + | Меҳнат                   | + | Тайёр маҳсулот        |

Қурилиш корхонасини бир меъёрда ишлаш коэффициентини қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$K_m = 1 - \frac{\sum_1^n Q_x}{\sum_1^n Q_p} \quad (1.1)$$

$$K_m = 1 - \frac{\sum_1^n A_{p\delta}}{Q_p} \quad (1.2)$$

бу ерда:  $K_m$  – бир меъёрда маҳсулот ишлаб чиқариш коэффициентини;  
 $Q_x$  – маълум даврда (кун, соат) режа-даражасида, ҳақиқатда ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми;

$Q_p$  – режа бўйича ишлаб чиқариладиган маҳсулот ҳажми;

$A_{p\delta}$  – режа бажарилмаган кунлардаги (суткадаги) маҳсулот ҳажми.

Умумий ишлаб чиқариш даври қуйидаги формулага биноан аниқланади:

$$T_{\text{ц}} = \Sigma t_{\text{тех.}} + \Sigma t_{\text{таб.}} + \Sigma t_{\text{н}} + \Sigma t_{\text{тр}} + \Sigma t_{\text{со}} + \Sigma t_{\text{мо}}, \quad (1.3)$$

бу ерда:  $T_{\text{ц}}$  – ишлаб чиқариш даврининг умумий узунлиги (соат, кун);

$\Sigma t_{\text{тех}}$  - технологик жараёнларнинг вақти;

$\Sigma t_{\text{таб}}$  - табиий жараёнларнинг вақти;

$\Sigma t_{\text{н}}$  - техникавий назорат вақти;

$\Sigma t_{\text{тр}}$  - транспортда ташиш вақти;

$\Sigma t_{\text{со}}$  - сменалар ва жараёнлар орасида туриб қолиш вақти;

$\Sigma t_{\text{мо}}$  - ярим тайёр маҳсулотларнинг иш сменалари орасида ва корхона омборларида туриб қолиш вақти.

Поток йўлининг узунлиги қуйидагича аниқланади:

$$C = \frac{\Phi_p}{N_p} \quad (1.4)$$

бу ерда,  $\Phi_p$ - режа давридаги поток йўлининг фойдали иш вақти фонди(соат, мин.)

$N_p$ - шу даврдаги маҳсулот ишлаб чиқариш дастури , дона.

Қурилиш тармоғи корхонаси фаолияти ўзининг кўпгина ишлаб чиқариш алоқаларининг муносабати билан фарқ қилади.

Қурилиш жараёни хўжалик ва пудрат усулида олиб борилади.

**Хўжалик усули** - бу қурилишни бевосита қурувчиларнинг ўзлари(корхона, фирма, ташкилот)нинг олиб боришларидир.

**Пудрат усули** - буюртмачилар ва шартнома асосида доимий ҳаракатдаги қурувчи ташкилотлар томонидан амалга ошириладиган қурилишдир. Унда икки томон, биринчи - пудратчи, яъни қурилиш ташкилоти ва иккинчи томон - буюртмачи (давлат ташкилоти, хусусий корхона ва ҳакозо) қатнашади.

Улар ўртасида муносабат шартнома асосида белгиланади.

Ҳар қандай қурилиш объектида кўплаб корхона ва ташкилотлар қатнашадилар. Бу жараёндаги барча қатнашчиларининг умумий мақсади бир хил, яъни – максимал фойда олиш бўлишига қарамай, қурилишнинг ишлаб чиқариш жараёнида уларнинг ҳар бирини ўзининг хусусий мақсади ва вазифалари бўлади. Шунинг учун барча инвестицион ва ишлаб чиқариш жараёнларининг барча қатнашчиларини бирлаштирадиган ва умумий мақсад учун йўналтирадиган – яъни фақат ўз манфаатларини кўзлаб қолмасдан, балки қурилишни белгиланган муддатда ва минимал харажатлар билан яқунлаш учун иқтисодий мезонларни яратиш талаб этилади. Кооперациялаш қурилиш жараёнида товар ва хизматларни етказиш соҳасида амалга оширилиб қолмасдан, шу билан бирга қурилиш объектида ягона технологик жараён ўзаро бир-бири билан боғлиқ бўлган турли бажарувчилар томонидан амалга ошириладиган элементлардан таркиб топади. Бундай шароит, бошқа бажарувчиларнинг ишни давом эттириши учун вақт, жойни, ишлатиладиган механизация воситалари, бино ва

иншоотнинг алоҳида элементларининг тайёрлик даражаси бўйича келишувни талаб қилади.

Қурилишдаги технологик циклнинг узунлиги қурилиш маҳсулоти учун махсус ҳисоблаш шаклини жорий этишни келтириб чиқаради. Ҳисоблаш ишлари тайёр маҳсулот учун – иш босқичлари, бинонинг конструктив қисмларининг бажарилиши ёки иш турлари учун олиб борилади. Бундай ёндашув фақат тўлиқ объект учун эмас, шу билан бирга ишнинг алоҳида турлари ва босқичлари учун баҳо ўрнатилишини талаб этади.

**Ишлаб чиқариш концентрацияси** – йирик корхоналарнинг ўсиши ва тармоқ миқёсида уларда ишлаб чиқариш маҳсулотининг катта қисми жамланиши тушунилади.

**Ишлаб чиқариш ихтисослашуви** - ижтимоий меҳнат тақсимоти шакли, корхоналарнинг алоҳида ишлаб чиқариш участкалари, цехлар, корхоналар тармоқларини конструктив ва технологик жиҳатдан ўхшаш бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ёки жараёнларни бажаришга кўчиришдир.

**Кооперативлаштириш** - корхоналарнинг бўш турган имкониятлари, ресурсларидан тўлиқ фойдаланиш, мураккаб маҳсулотларни тезроқ ҳамкорликда ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун шарт-шароитлар яратади. Натижада ишлаб чиқариш самарадорлиги ортади.

**Комбинатлаштириш** – хом ашё ресурсларидан тўлиқ фойдаланиш, ишлаб чиқариш чиқиндиларини қайта ишлаб истеъмолга яроқли маҳсулотни ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва хом ашё материалларни кетма-кет тартиб билан қайта ишлашни ташкил этиш демакдир.

**Корхона қуввати** асосий ишлаб чиқариш фондлари таркибидаги куч берувчи ва ишчи машиналарининг миқдорига, салмоғига, уларнинг унумдорлик даражасига боғлиқ бўлади.

Корхона қуввати деб, дастгоҳ ва ишлаб чиқариш майдонларидан, илғор технология, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишнинг илғор

усулларидан тўлиқ фойдаланган шароитда йилига (ёки ҳар сутка, сменада) корхонанинг энг кўп маҳсулот ишлаб чиқариш ёки хом ашёни қайта ишлаш имкониятига айтилади.

**Қурилиш корхонасининг ишлаб чиқариш қуввати** – бор техник ускунанинг берилган наменклатура ва ассортиментда белгиланган ишлаб чиқаришнинг ихтисослашуви, кооперацияси ва иш тартибига мутаносиб равишда имкониятларнинг максимал ҳажмдаги тайёр маҳсулотини ишлаб чиқаришидир.

Ишлаб чиқариш қувватини ҳисоблаш учун қуйидаги маълумотлар зарур:

- ускунанинг сони, таркиби, техник ҳолати, ишлаб чиқариш майдони;  
- ускунанинг ишлаб чиқариш унумдорлигининг техник нормаси (бирлик/соат) ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг меҳнат сифими (соат/бирлик);

- ускуна иш вақтининг режавий фонди ва корхонанинг иш режими.

Корхона қуввати маҳсулот қайси бирликда ҳисобланса, шу бирликларда аниқланади. Корхона қуввати базис ёки режа даврига нисбатан фоиз ҳисобида ҳам ифодаланади. Масалан цемент корхоналари, тонна ҳисобида, ғишт ишлаб чиқаришда дона; обои ишлаб чиқаришда кв. дцм-да ва ҳ.к.

Ишлаб чиқариш қувватини ҳисоблаш учун қуйидаги маълумотлар зарур:

Бир неча турда маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарда шартли – натурал кўрсаткичлар ишлатилади. Масалан, цемент, ғишт, оҳак ва бошқа хил маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Корхона қуввати йил давомида кўпайиб, камайиб туради. Шунинг учун корхонанинг ҳақиқий маҳсулот ишлаб чиқариш имкониятларини билиш учун йиллик ўртача қувват режа даврининг бошида амал қилаётган корхоналарда қуйидаги тартибда ҳисоблаб топилади. Ўртача йиллик ишлаб чиқариш қувватини ( $K_{\text{ўй}}$ ) ҳисоблашда йил бошида бор бўлган қувватга ( $K_0$ ) ўртача киритиладиган

йиллик қувват ( $K_{\text{кк}}$ ) қўшилиб ўртача чиқариладиган йиллик қувват ( $K_{\text{чк}}$ ) миқдори айирилади.

Киритиладиган ва чиқариладиган қувватлар йил ўртасида бўлса уларни ишлаган ва ишламаган ойлари ҳисобга олинади ( $T_{\text{иш}}$ ):

$$K_{\text{йй}} = K_b + \frac{K_{\text{ку}} * T_{\text{иш}}}{12} - \frac{K_{\text{чу}} (12 - T_{\text{иш}})}{12} \quad (1.5)$$

Бунинг учун маълумотлар корхонанинг қувват балансида берилган бўлади. Агар киритиладиган ва чиқариладиган қувватларнинг вақти номаълум бўлса, уларнинг ўртача йиллик миқдори 0,35 даражасида олинади. Бу қабул қилинган ягона нормативдир. Бунинг учун қувват баланси ахборотларидан фойдаланиш зарур.

Ишлаб чиқариш қуввати баланси қуйидагиларни ифода этади:

$$K = K_b + \check{Y}_{\text{тех}} + \check{Y}_p + K_{\text{яўр}} + K_{\text{нк}} - K_{\text{чк}} \quad (1.6)$$

бу ерда,  $K_b$  - йил бошидаги қувват;

$\check{Y}_{\text{тех}}$  - ишлаб чиқаришни техникавий қайта қуриш ҳисобига қувватнинг кўпайиши;

$\check{Y}_p$  - ишлаб турган корхонани реконструкция қилиш ҳисобига киритиладиган қувват;

$K_{\text{яўр}}$  - янги корхоналарни қуриш ва эскиларини реконструкция қилиш ҳисобига киритиладиган қувват (+);

$K_{\text{нк}}$  - маҳсулот тури ва навини ўзгариши натижасида қувватнинг кўпайиши ёки пасайиши;

$K_{\text{чк}}$  - чиқариладиган қувват ҳисобига қувватнинг камайиши.

Ишлаб турган қувват ҳисобидан олиш мумкин бўлмаган маҳсулот миқдорини ишлаб чиқариш учун янги, қўшимча киритиладиган қувватларни аниқлаш зарур.

$$K_{\text{ўз}_{\text{йк}}} = \frac{Q_{\text{кк}} - \sum Q_{\text{кк}}}{K_{\text{к}_{\text{ўз}}}} * 100 \quad (1.7)$$

бу ерда,  $K_{\text{ўз}_{\text{йк}}}$  - ҳар бир йил бўйича зарур бўлган маҳсулотни ишлаб чиқариш учун киритиладиган ўртача йиллик қувват;

$Q_{\text{кк}}$  - қўшимча қувват зарур бўлган маҳсулот ҳажми;

$\Sigma Q_{\text{кк}}$  - ўртача (аввалги) киритилган қувват ҳисобига (қувватни ўзлаштириш даражасини ҳисобга олган ҳолда) шу йили олинadиган маҳсулот миқдори;

$K_{\text{кўз}}$  - ҳар бир маҳсулот тури бўйича, лойиҳадаги қувватни ўзлаштириш даражасини ҳисобга олган ҳолда, янги киритилган қувватни ўзлаштириш даражаси, (коэффициенти, %)

Ўртача ишлаб чиқариш қуввати даражасини ҳисоблашда, шунга асосан 1 январдан кейин янги қувват ҳисобидан олинadиган маҳсулот ҳажми киритилadиган қувватни ўзлаштириш муддати коэффициенти 0,35 га тенг деб қабул қилинган ( $Q_{\text{як}}$ ); у қуйидагича топилади:

$$Q_{\text{як}} = \frac{K_{\text{урк}} - K_{\text{кўз}}}{100} \quad (1.8)$$

бу ерда:  $K_{\text{урк}}$  - шу йили киритилadиган ўртача йиллик ишлаб чиқариш қуввати, йиллик зарур бўлган маҳсулот ҳажми;

( $Q_{\text{р}}$ ) - режадаги ишлаб чиқариш қувватини ( $M_{\text{с}}$ ) ундан фойдаланиш коэффициенти ( $K_{\text{ф}}$ ) кўпайтириш билан топилади:

$$Q_{\text{р}} = M_{\text{с}} \times K_{\text{ф}} \quad (1.9)$$

Агрегатлар қувватидан фойдаланиш даражаси режадаги (ёки ҳақиқий) ишлаб чиқариш ҳажмини ўртача йиллик қувват миқдорига нисбати билан топилади.

$$K_{\text{ф}} = Q / M_{\text{с}} \quad (1.10)$$

Бу коэффициент 1 (бир)га яқинлашган сари ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланиш даражаси юқори бўлиб боради. Ишлаб чиқариш қувватининг миқдори корхона, цех ва ишлаб чиқариш участкаларида маҳсулот ишлаб чиқариш топшириқларини белгилаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

## **1.2. Қурилиш корхонаси хўжалик фаолити самарадорлигига таъсир этувчи ишлаб чиқариш харажатлари ва уларнинг хусусиятлари**

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида фаолият юритилаётган барча хўжалик субъектларининг асосий мақсади даромад, фойда олишга қаратилгандир. Аммо бунга бошқарув тизимида самарадорликни таъминламай туриб эришиб бўлмайди. Шунинг учун кўплаб корхона, ташкилотлар, фирма ва хўжалик субъектларининг бош мақсади бошқарув тизимида самарадорликни таъминлаш ва шу самарадорликни таъминловчи оптимал структурани танлашга катта эътибор қаратишдан иборат.

Иқтисодиётнинг модернизациялаш шароитида корхоналарнинг рақобатбардошлигини ошириш долзарб масалалардан ҳисобланади. Кўп сонли тадқиқотлар кўрсатишича, рақобатбардошликнинг муҳим мезонларидан бири фирмалар бозорга чиққанда уларнинг ўз маҳсулотларига белгилайдиган нархлари даражасидир. Корхонанинг рақобатбардошлик даражаси бозор нархи ҳамда корхонанинг сотиладиган маҳсулотга белгилайдиган нархи ўртасидаги тафовутдир. Иккала нархнинг негизи уларнинг шаклланиш услубиётини белгилайдиган сарфлардир.

Қурилиш жараёнлари ташкил этилишининг мураккаблик даражаси бўйича оддий ва комплекс (мураккаб) жараёнларга бўлинади.

*Оддий жараён* – технологик боғланган ишчи операциялар йиғиндиси (жамланмаси) бўлиб, улар айнан бир хил ижрочилар томонидан бажарилади (пойдевор блокларини монтаж қилиш, свойлар қоқиш ва ҳ.к.).

*Комплекс жараён*– технологик ва ташкилий жиҳатдан боғлиқ бўлган оддий жараёнлар йиғиндиси (жамланмаси) бўлиб, улар тайёр маҳсулот ягоналиги билан узвий боғлангандир. Масалан, комплекс жараён – бу қуйма (монолит) темирбетон пойдеворни қуриш бу эса ўз навбатида қуйида кўрсатилган оддий жараёнлардан иборат: қолиплар (опалубкалар)ни ўрнатиш, арматураларни монтаж қилиш, бетон қуйиш, бетонни парваришлаш.

Қурилиш ишлари – қурилиш жараёнларининг йиғиндиси, бу жараёнларнинг бажарилиши натижасида қурилиш маҳсулотининг маълум бир тури яратилади.

Уларни қулланиладиган материаллар (ер ишлари, ғишт териш ва ҳ.к.); тикланаётган конструктив элементлар (свайли, том ёпилмаси ва ҳ.к.); бажарилаётган жараёнлар (монтаж ишлари, транспорт ишлари ва ҳ.к.) бўйича номлаш мумкин. Қурилиш ишлари умум қурилиш ишлари (ер ишлари, свайлар қоқиш, ғишт териш, бетон қуйиш ва бошқалар) ва махсусишлар (сантехника ишлари, электромонтаж ишлари, технологик жиҳозларни монтаж қилиш ва ҳ.к.) га бўлинади. Умумқурилиш ишлари қурилиш корхоналари (ташкilotлари, фирмалари) томонидан бажарилса махсус ишлар эса ихтисослашган корхоналар (ташкilotлар, фирмалар) томонидан амалга оширилади.

***Қурилиш корхоналари ишлаб чиқариш тузилмаси.*** Қурилиш ишлаб чиқаришида корхоналар (ташкilotлар, фирмалар)га бирлашган турли жамоалар фаолият юритади. Бунда улар маълум бир ишлаб чиқариш ва иқтисодий муносабатлар орқали бирлашадилар.

Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида фаолият юритувчи саноат ишлаб чиқаришига тегишли бўлган барча хусусиятлар қурилишга ҳам тегишлидир. Бироқ у бир қатор ўзига хос жиҳатлар ва хусусиятларга ҳам эга. Ишлаб чиқариш жараёнида қурилиш маҳсулоти кўчмас мулк бўлса, меҳнат куруллари ва предметлари эса кўчувчан бўлади. Қурилиш очик ҳавода, турли иқлимий ва табиий шароитларда, ҳар хил муддатларда олиб борилади (бир неча ойлардан бошлаб то бир неча йиллар давом этади).

Қурилиш унда бажариладиган жараёнлар ташқи омиллар билан боғлиқлиги сабабли бошқа соҳалардан кескин фарқ қилади.

Қурилишда асосий, ёрдамчи ва ташқи ёрдам кўрсатувчи корхоналар, шунингдек, қурилиш корхонаси (ташкilotи, фирма) таркибига кирувчи участкалар, цехлар, хўжаликлар, бўлимлар фаолият юритади.

Корхона (қурилиш ташкилоти, фирмаси) ташкилий тузилмаси – бу менежмент тизимини яратиш ва унинг фаолиятини координациялаш, берилган дастур (безнес режа)ни бажариш бўйича бошқарув ечимларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш билан шуғунланувчи бўлимлар ва хизматлар йиғиндисидир.

Қурилиш ташкилотларининг замонавий ташкилий тузилмалари бажариладиган қурилиш-монтаж ишлари (ҚМИ) ҳажми ва қурилиш объектларининг ҳудудий жойлашганлигига боғлиқ равишда кўплаб модификацияларга эга. Улар қуйидаги белгилар бўйича туркумланади:

- шартномавий келишувлар (контракт) тавсифи бўйича бош пудратчи ва субпудратчи корхоналар;

- бажариладиган иш турлари бўйича асосий умумқурилиш ишлари (ер ишлари, бетон қуйиш, конструкцияларни монтаж қилиш ва ҳ.к.) ни бажарувчи умумқурилиш корхоналари, бир хил турдаги ёки бир жинсли ишлар комплекси (пардозлаш, том ёпиш, электромонтаж, сантехника) ни бажарувчи ихтисослашган корхоналар.

Шунингдек, қурилиш тури бўйича саноат, яшаш-фуқаро, транспорт, қишлоқ хўжалиги қурилиш бўйича ихтисослашган қурилиш ташкилотлари ҳам фаолият юритади.

Фаолият юритиш райони бўйича улар трест-майдонлар, шаҳар типдаги, ҳудудий ва федерал ташкилотлар сифатида функция юритади.

Трест-майдонлар йирик объектларда битта қурилиш майдони чегарасида қурилиш-монтаж ишларини бажариш учун яратилади. Уларнинг таркибига қурилиш участкалари киради.

Шаҳар ва ҳудудий (регионал) типдаги қурилиш ташкилотлари (корхоналари) битта шаҳар ёки регион чегарасида қурилиш ишларини олиб боради.

Федерал қурилиш ташкилотлари (корхоналари) ихтисослаштирилган бўлиб, улар мамлакатнинг турли регионларида ишларни бажаради.

Уларни ишчилар сонига кўра кичик, ўрта ва йирик ташкилотларга ажратиш мумкин. Кичик қурилиш ташкилотлари ва корхоналарида 100 га яқин, ўрта қурилиш ташкилотлари ва корхоналарида 101-500 нафар, йирикларида эса 501 ва ундан кўп ишчилар меҳнат қилади.

Трестларнинг ташкилий тузилмаси турли моделларга эга бўлади. Трестга бошқарувчи раҳбарлик қилади ва у ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятининг натижаларига жавоб беради (масъул ва жавобгар шахс). Трестнинг иш ҳажмларига боғлиқ равишда у биринчи ўринбосаридан ташқари яна 3 нафар ўринбосар ва бош инженерга эга бўлиши мумкин. Бош инженер техник сиёсатининг олиб борилишига ва қурилиш ишлаб чиқаришнинг тўғри ташкил этилишига, фан-техника тараққиёти ютуғларининг амалда тадқиқ этилишига жавоб беради. Трест бошқарувчисининг ўринбосарлари моддий-техника таъминоти, трестдаги иқтисодий ишларга ва ишчиларнинг моддий-маиший таъминоти учун жавобгардирлар.

Барча хўжалик юритувчи субъектлар олдида ўзлари ишлаб чиқарган маҳсулотлар ва хизматларига нарх белгилаш вазифаси туради. Лекин тўлов қобилятининг муаммосини ўта кескинлаштирган иқтисодий таназзул шароитида корхоналарнинг асосий мақсади уларнинг яшовчанлигини таъминлаш бўлиб қолади. Нарх сўзсиз сотувчи учун даромадни таъминлайдиган воситадир. Нарх бир қатор омиллар, жумладан, ишлаб чиқариш харажатларига боғлиқ бўлади.

Ҳозирги пайтда нархни ҳисоблашнинг қатор усуллари мавжуд: нарх таннарх асосида шаклланиши мумкин; истеъмолчи билан ҳисоб-китоб усули сифатида берилиши мумкин; сотиш бозорлари учун кураш воситаси бўлиб хизмат қилиши мумкин. Нархларни шакллантиришнинг асосий вазифаси бозор шароитида максимал фойда олишга кўмаклашишдир. Лекин ушбу вазифани ҳал этиш учун нархлар ва сотувларнинг ҳажми ўртасида мутаносибликни белгилаш керак, бу эса осон иш эмас. Бундан ташқари, рақобат туфайли нархлар борган сари таннархга яқинлашиб бораётган

кўпгина бозорларда компаниялар нафақат таннархни пасайтириш, шунингдек даромадларни нарх орқали ошириш масалалари билан ҳам шуғулланади. Шундай қилиб, нархни шакллантириш учун танланган ёндашувдан қатъий назар нархни ҳисоблашнинг бошланғич асоси харажатлар бўлади (сотувчи, шериги, рақобатчининг харажатлари ва хоказо).

Бозор ва рақобат корхоналарнинг ўз фаолиятини ишлаб чиқариш тижорат даврининг барча босқичларини доимий такомиллаштириб боришга ундайди. Бунинг замирида маҳсулот сифатини сақлаб қолган ҳолда сарфларни камайтиришга интилиш ётади. Лекин сарфларни тақсимлаш масалалари юзасидан қабул қилинадиган қарорлар ҳам техник, ҳам иқтисодий жиҳатдан асосланиши лозим. Бу, ўз навбатида, назорат ҳамда кейинги ҳаракатларни маромга солиш мақсадида аввалги харажатлар мажмуини таҳлил қилишни талаб этади.

Харажатлар ва даромадларнинг энг мақбул нисбатига эришиш харажатларни бошқаришнинг бош мақсадидир. Бунинг муҳим асоси, энг аввало, анъанавий товар ишлаб чиқаришга нисбатан ривожлантирилган қийматнинг меҳнат назарияси қоидаларидир.

Ишлаб чиқаришнинг харажатлари тўғрисидаги биринчи тасаввур антик фалсафадаёқ учрайди. Ўрта асрлар даврида (XI-XV асрлар) католик илоҳиётшунослар (анъанавий омиллар тарафдорлари) даврнинг марказий муаммоси деб «далолатли нарх» ни айтишган.

Харажатларнинг нисбатан асосланган тушунчасини қийматнинг меҳнат назариясига асос солган инглиз иқтисодчиси Уильям Пэтти (XVII аср) таърифлаган.

Кейинроқ, XIX асрда ишлаб чиқаришнинг харажатлари масаласини кўпгина иқтисодчилар, масалан С.Симонди, Ж.Прудон, Ж.Сей, Д.Миль, Р. Торренс, Т. Мальтус, С.Сениор ва бошқалар очиб беришга уринган.

Бугун нархнинг сарфлар назарияси энг кўп тарқалган бўлиб, унинг келиб чиқиши иқтисодий назариянинг асосчилари томонидан кўрсатиб

берилган. Бозор нархи ишлаб чиқарувчиларнинг у ёки бу маҳсулотни чиқаришга ўртача сарфларидан келиб чиққан ҳолда шаклланади. А.Смит нарх шакллантирилишининг омили сифатида меҳнатнинг ўзгарувчан сарфлари тушунчасини киритган. Бунда у иш кучи сарфларини назарда тутган ҳамда маҳсулот нархини рента, иш ҳақи ва фойда ҳисобидан шакллантирган. Д. Рикардо нарх шаклланишининг ўз моделини тақдим этар экан, маҳсулотнинг реал қиймати уни ишлаб чиқариш харажатларининг ўзидан иборат бўлиб, иккита маҳсулотни ишлаб чиқаришнинг нисбий харажатлари уларнинг ҳар бирига сарфланган меҳнатнинг сифатига тахминан пропорционалдир, деб кўрсатиб ўтган.

XIX аср олимларининг ишлаб чиқариш харажатлари назарияси икки хил: объектив ва субъектив шаклида ифода этилган. Биринчи шаклига кўра ишлаб чиқариш харажатлари меҳнат сарфлари (аслида ўзгарувчан капитал сарфлари), ер (рента), капитал (ўртача фойда ёки фоиз) сарфларидан иборат эди. Кейинчалик улар ишлаб чиқаришнинг омилли харажатлари деб номланган. Бу назарияда А.Смитнинг икки қоидаси ривожланган: биринчидан, даромадлар - иш ҳақи, фойда ва рентанинг йиғиндиси маҳсулотнинг қийматини ташкил этади, аслида эса қиймат меҳнат билан яратилади. Иккинчидан, доимий капитал учун сарф-харажатлар инобатга олинмаган (Смит ақидаси). Смитнинг хатоси йиллик маҳсулот қийматининг йил давомида қайта яратилган қиймат билан адаштириши эди.

Вақт ўтиши билан объектив харажатлар назарияси чегаравий ишлаб чиқариш харажатлари назариясига айланди. Чегаравий ишлаб чиқариш харажатлари энг ёмон корхоналарнинг ҳақиқатан ҳам сотиш нархига тенг бўлган жами сарфлари эди. Бу ифодада энг ёмон корхоналарнинг ишлаб чиқариш харажатлари қийматни белгилайди, деб ҳисоблаган Д. Рикардо ҳам ишлаб чиқариш харажатларига тадбиркорнинг фойдасини қўшмаган.

Бозор шароитида чегаравий харажатлар назарияси нархлар даражасини изоҳлай олмайди, чунки энг ёмон корхоналарнинг мавжудлигининг ўзи, яъни чегаравий ишлаб чиқариш харажатларининг катталиги маҳсулотга

бўлган нархларга боғлиқ бўлади. Сотилиш нархининг пасайиши энг ёмон корхоналарни касодга учратади ва муваффақиятли корхоналарни чегарага олиб келади. Нархнинг ошиши аввал иш юрита олмаган, ишлаб чиқариш харажатлари ундан ҳам юқори бўлган ёмон корхоналарни тирилтиради ва шу билан чегаравий харажатларни оширади.

Инглиз иқтисодчиси А.Маршалл ишлаб чиқариш харажатлари назариясининг объектив ва субъектив турларини бирлаштиришга уринди. Унинг фикрича, амалдаги ишлаб чиқариш харажатлари - бу маҳсулотни ишлаб чиқариш учун керак бўлган барча қурбон ва ҳаракатлар, ишчилар «қийналиши» ва капиталистлар «кутганлари»нинг йиғиндиси; ишлаб чиқаришнинг пул харажатлари - ушбу «қурбонлар» ва «кутишлар» учун тўланиши лозим бўлган пул маблағидир. Ишлаб чиқариш харажатларини Маршалл фақат «таклиф нархи» учун, ишлаб чиқарувчига зарурий фойдани таъминлайдиган нарх учун белгиловчи омил деб тан олган эди. Унинг таъкидлашича, умуман олганда нархга нафақат харажатлар (таклиф нархи орқали), шунингдек ушбу маҳсулотга талаб ёки талаб нархини белгилайдиган маҳсулотнинг энг юқори фойдалилиги ҳам таъсир этади. Айнан шу иккита кучнинг - талаб ва таклифнинг ўзаро нисбати, Маршаллнинг фикрича, ишлаб чиқариш кўлами ва маҳсулот нархларини белгилаб беради.

Ушбу ёндашув нархлар бўйича қарорларнинг жорий ва истиқболдаги талабга мослашувига асосланган. Талабга мос бўлмаган маълум нарх даражасини қабул қилиш корхонанинг хўжалик фаолиятидаги жиддий ўзгаришларга олиб келади, натижада хўжалик юритувчи субъект ўз рақобатбардошлигини йўқотиши, бозордаги улушининг қисқариши, молиявий аҳволи ёмонлашиши мумкин. Ишлаб чиқарувчи ўзининг бутун фаолиятини мўлжал сифатида бозор нархига мувофиқ қуриши лозим.

Ишлаб чиқариш фаолияти, ишлаб чиқариш омиллари: меҳнат, ер ва бошқа табиий захиралар, капиталнинг мавжудлиги ва фойдаланилиши билан таъминланади. Демак, ишлаб чиқариш соҳасидаги ресурс маҳсулот

яратиш ёки хизматни кўрсатиш учун зарур бўлган нарсаларда мужассамлашган ва мужассамлашмаган бойлик-неъматдир.

Ишлаб чиқариш жараёнларини ўрганишда ресурслар ҳатто уларнинг мавжудлиги нуқтаи назаридан эмас, уларнинг истёмоқ қилиниши (сарфланиши) ва улар қийматининг тайёр маҳсулот ёки хизматларнинг қийматига ўтказилиши нуқтаи назаридан қараб чиқилади.

Ресурслар билан ишлаб чиқариш учун зарур миқдорда таъминланиш уларни сотиб олиш, етказиб бериш, уларга хизмат кўрсатиш ва фойдаланишга тайёрлаш учун керак бўлган пул маблағларини талаб этади.

Шундай қилиб, сарфлар маҳсулотлар ва хизматларни ишлаб чиқариш учун лозим бўлган (меҳнат ва моддий) ресурслардир. Лекин бошқарув қарорини қабул қилиш ва амалга ошириш учун нафақат ресурсларга эга бўлиш ва уларнинг сарфланишининг меъёрий даражасини тўғри белгилаш, шунингдек маҳсулотни ишлаб чиқариш учун ресурсларнинг энг қулай ва оқилона нисбатини белгилаш, яъни маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотиш учун сарфларнинг таркибий тузилиши тўғрисидаги маълумотларни билиш жуда зарурдир.

Ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш сарфларининг таркибий тузилиши таннархнинг тушунчаларини белгилаб беради: «ишлаб чиқариш таннархи», «тўлиқ таннарх», «маҳсулот бирлигининг таннархи». Мамлакатимиз ва хориж адабиётларида таннарх, ишлаб чиқариш, харажатлар ва қийматнинг кўпгина ифодалари келтирилган.

В. Г. Долженкова таннархнинг қуйидаги таърифларини келтиради: «Маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннархи маҳсулот (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиладиган табиий заҳиралар, хомашё, материаллар, ёнилғи, энергия, асосий фондлар, меҳнат ресурслари ва уларни ишлаб чиқариш ва сотиш учун бошқа сарфларнинг қиймат баҳосидан иборат».

Турли муаллифлар «таннарх» ва «ишлаб чиқариш сарф-харажатлари»; «таннарх» ва «ишлаб чиқариш сарфлари»; «таннарх» ва «бухгалтерия

харажатлари»; «таннарх» ва «ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган материаллар, хом ашё, бевосита меҳнатнинг қиймат баҳоланиши» ва ҳоказо тушунчаларини чалкаштирадилар.

В.П. Кустарев қуйидагича ёзади: «Ишлаб чиқариш харажатлари маҳсулот таннархидан сифат ва миқдор жиҳатидан фарқланади. Сифат жиҳатидан фарқи шундан иборатки, харажатларда ижтимоий зарур меҳнатнинг сарфлари, таннархда эса корхонанинг индивидуал сарфлари акс этади. Таннарх хомашё, материаллар, ёнилғи, энергия, асосий фондларнинг амортизацияси юзасидан уларнинг қийматдан четлашадиган нархлари бўйича сарфларни ўз ичига олади. Миқдор жиҳатидан фарқи эса шундан иборатки, таннархга, бир томондан, маҳсулотни ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган меҳнат ижтимоий сарфларнинг бир қисми кирмайди, иккинчидан эса, қоплашнинг ҳақиқий манбаи қўшимча маҳсулот бўлган сарфлар киради».

«Сарфлар», «харажатлар», «таннарх» ва уларнинг турларини таърифлашдаги келтирилган ифодалардан кўринишича, атамаларни кўллашда ягона фикр йўқ. Турли муаллифлар айтиб бериб турган объектларни турлича белгилайди.

Ишлаб чиқариш харажатлари ишлаб чиқариш фаолияти жараёнида истеъмол қилинадиган барча ресурслар турлари, жумладан рента тўловлари, пенялар, жарималар, неустойкалар каби тўловларнинг пулдаги ифодасидир.

Маҳсулот таннархи - ишлаб чиқариш учун зарур бўлган, ўз қийматини маҳсулот қийматига тўлиқ ва бевосита, ўз жисмоний шаклини ўзгартирган ҳолда ўтказадиган, меҳнат ва моддий ресурсларни ўз ичига оладиган корхона сарфлари қисмидир.

Тўлиқ таннарх нафақат ишлаб чиқариш жараёнини амалга ошириш, шунингдек ишлаб чиқариладиган маҳсулотларни сотиш жараёни учун ҳам зарур бўладиган сарфларнинг жами миқдоридир.

Ишлаб чиқариш соҳасидаги ресурс маҳсулотни яратиш ёки хизмат кўрсатиш учун зарур бўлган нарсаларда мужассамлашган ёки мужассамлашмаган бойлик-неъматдир.

Сарфлар маҳсулотлар ва хизматларни ишлаб чиқариш учун зарур бўлган (меҳнат ва моддий), ишлаб чиқариш жараёнида ўз қийматини ишлаб чиқарилаётган маҳсулот (яратилаётган неъмат) қийматига тўлиқ ва бевосита ўтказадиган ресурслардир.

Харажатлар - ишлаб чиқариш ва сотиш учун зарур бўлган, яратилаётган неъмат қийматига ўз қийматини билвосита ўтказадиган барча пул сарфлари, жумладан, ер учун тўловлар, фоизлар, солиқлар, савдо ва мажбурий тўловлардан иборатдир.

### **1.3.Қурилиш корхоналарида ишлаб чиқариш харажатларни камайтириш хусусиятларини**

Қурилиш корхонасида тўлақонли, саводли менежментнинг асосий мезони бошқарув ҳисобининг йўлга қўйилиши бўлиб, унинг ўзаги таннархни ҳамда сарфлар шаклланишини бошқаришдир. Сарфларни шакллантириш ва таннарх – бошқарув ҳисобининг марказий негизи ва маҳаллий корхоналарнинг энг долзарб муаммосидир. Таннархни фаолият ва маҳсулот турлари, сотиш бозорлари, минтақалар ҳамда харидорлар бўйича калькуляция қилиш керак.

Сарфларни шакллантириш (харажатларни бошқариш) усуллари таннархни калькуляция қилиш жараёни билан узвий боғлиқ бўлиб, бу жараён ўзининг муҳим хусусиятларига, жумладан, соҳавий хусусиятларига эга.

Харажатлар ҳисобининг назарияси ва амалиётида биргина “”таннарх” тушунчасигина мавжуд эмас. Унинг мазмуни қуйидаги омиллар таъсирида ўзгариши мумкин: маҳсулотнинг тайёрлик даражаси ва унинг сотилишига қараб, ярим тайёр маҳсулот, омборда сақланаётган маҳсулот ва сотилган маҳсулот таннархлари; маҳсулот миқдорига қараб, маҳсулот бирлигининг,

бутун ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг таннархи; жорий харажатларни калькуляция объектнинг таннархига киритиш тўлиқлигига қараб, тўлиқ амалдаги таннарх ва чекланган таннарх; таннархни шакллантиришнинг тезкорлигига қараб амалдаги (тарихий) ёки меъёрий, режали таннарх фарқланади.

Ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобини таҳлил этиш мумкин бўлган нуқтаи назарларнинг ушбу тўлиқ бўлмаган рўйхатидан кўрамизки, таннархни шакллантириш масаласи корхонани бошқариш ва фойда солиғи бўйича солиққа тортиладиган базани шакллантириш билан бўлган муаммоларнинг катта доирасини қамраб олади. Шу муносабатда “”таннарх” тушунчасини турли нуқтаи назар асосида (меъёрий маромга солиш, шакллантириш тамойиллари, таснифлашнинг турлича усуллари) кўриб чиқиш зарур.

Амалда тижорат корхоналарида харажатларни бошқаришга ёндашувларни услубларнинг икки гуруҳи: бухгалтерия-солиқ ва бошқарув-таҳлилий услублари нуқтаи назаридан кўриб чиқиш мумкин. Услубларнинг биринчи гуруҳи бухгалтерия ҳисоби ва солиққа тортиш соҳасида амал қиладиган қонунчилик доирасида фойда солиғи бўйича солиққа тортиладиган базани ўзгартириш мақсадида сарфлар билан ишлаш имкониятини кўзда тутди. Иккинчи гуруҳ услубларини қўллаш жараёнида корхонанинг ички хизматлари бошқарув ҳисобининг прогрессив услубларидан фойдаланган ҳолда корхона ишини режалаштириш ҳисобини юритиш, назорат қилиш, таннархини камайтириш ва самарадорлигини ошириш соҳасида муайян вазифаларни ишлаб чиқади.

Маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотиш учун сарфларни режалаштириш, уларнинг ҳисобини юритиш ва таҳлил қилишга ягона ёндашувни таъминлаш учун ушбу сарфларнинг тегишли таснифи керак.

Амалиётда маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотиш учун сарфларни режалаштириш, уларнинг ҳисобини юритиш ва калькуляция қилиш мақсадида бошқариш учун: мазмуни ва мақсади; ишлаб чиқариш ҳажмига

боғлиқлиги даражаси; сарфларни маълум турдаги маҳсулот бирлигининг таннархига киритилиши усули; ишлаб чиқаришда сарфларнинг шакллантирилиши кетма-кетлиги каби белгилар бўйича тасниф ишлатилади.

Сарфларни шакллантиришни бошқариш тизимида амалий фойдаланиш учун сарфлар мазмуни ва мақсадига кўра, икки усулда гуруҳга бўлинади: иқтисодий таркиби ҳамда сарфларнинг моддаларига кўра. Гуруҳга бўлишнинг иккала усулида айтилган бир хил сарфлар ҳисобга олинади, лекин уларни ҳисобга олишнинг ўзига хос хусусиятлари туфайли айтилган бир номли моддалар ва таркибий қисмлари катталигига кўра фарқланади.

Харажатларни иқтисодий таркибига кўра гуруҳлашда у ёки бу захиралар тури қаерда ва қайси мақсадда ишлатилиши муҳим эмас, фақат сарфлар иқтисодий мазмунига кўра бир хил бўлиши муҳим ҳисобланади. Масалан, ёнилғини сотиб олиш сарфлари бу ёнилғи қаерда – бевосита ишлаб чиқаришда ёки маъмурий хоналарни иситишда қўлланилишидан қатъий назар, бир таркибий қисм жумласига киради. Харажатларни иқтисодий таркибига кўра гуруҳлаш корхонанинг маҳсулотни ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган сарфларини акс эттирганлиги учун уни ишлаб чиқариш харажатлари сметаси деб ҳам аталади.

Харажатларни иқтисодий таркибига кўра гуруҳларга бўлиш корхонада ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятини таҳлил этиш, бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш учун қўлланади.

Маҳсулот таннархини шакллантириш тамойиллари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли Қарори билан тасдиқланган «Маҳсулот (иш ва хизмат)лар таннархига киритиладиган, маҳсулот (иш ва хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ва молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида»ги Низом ҳамда ушбу Қарорга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 11 июндаги 261-сонли Қарорига 3-илованинг 2-бўлими 1-бандига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 16 июндаги 270-сонли Қарорига илованинг 3-бандига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 15 октябрдаги 444-сонли Қарорига 1-илованинг 1-бўлимига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 25 декабрдаги 567-сонли Қарорига 27-илованинг 7-бандига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 28 декабрдаги 610-сонли Қарорига 32-илованинг 5-бандига мувофиқ киритилган ўзгартиришлар билан белгиланган.

Ушбу ҳужжатлар аввал амал қилган ҳужжатларда маҳсулот таннархига киритилган харажатлар рўйхатининг ўта муайян таърифи билан ажралиб туради. Ғарб андозаларига мос келадиган таннарх моддаларини таркиблаштириш нафақат ҳужжатларни шундай турдаги умумий меъёрларга яқинлаштиради, балки, эҳтимол, мамлакатимиз корхоналари учун фойдали ҳам бўлади.

Маҳсулот (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш таннархини ташкил этадиган сарфларга қуйидагилар киради:

- ишлаб чиқариш моддий сарфлари (қайтарма чиқиндилар қиймати чиқариб ташланган ҳолда);
- ишлаб чиқариш туридаги меҳнат ҳақи сарфлари;
- ишлаб чиқаришга тааллуқли бўлган ижтимоий суғурталашга ажратмалар;
- ишлаб чиқариш мақсадидаги асосий воситалар ва номоддий активларнинг амортизацияси;
- ишлаб чиқариш мақсадидаги бошқа сарфлар.

Ишлаб чиқариш сарфларнинг ҳисобини ташкил этишга фаолият турлари, ишлаб чиқаришнинг ҳамда ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг тури, корхонанинг бошқарув тузилиши ва ўлчамлари таъсир кўрсатади.

Маҳсулот таннархини ташкил этувчи қисмлар нафақат ўз таркибига кўра, шунингдек, маҳсулот ишлаб чиқариш аҳамиятига кўра ҳам турличадир. Баъзи бирлари уни тайёрлаш ва ишлаб чиқариш билан (хом

ашё, материаллар сарфлари, ишчилар меҳнат ҳақини тўлаш ва бошқалар), бошқалари ишлаб чиқаришни бошқариш ва унга хизмат кўрсатиш билан (бошқарув аппаратининг таъминоти, ишлаб чиқариш жараёнини таъминлаш, асосий воситаларни ишга яроқли ҳолатда тутиб туриш харажатлари ва ҳоказо) бевосита боғлиқ бўлади. Учинчи тоифаси эса амалдаги қонунчилик бўйича сарф-харажатларга киритилади (Ўзбекистон Республикаси Пенсия фонди ва бошқалар).

Ушбу вазифаларга мувофиқ ҳолда ҳамда хўжалик ички ҳисоб-китоблари ва назоратини ташкил этиш мақсадида ишлаб чиқариш сарфларининг ҳисоби маҳсулотнинг турларига кўра; сарфларнинг юзага келиш жойига кўра (цехлар, участкалар ва ҳоказо); харажатларнинг турларига (сарфларнинг таркибий қисмлари ва моддаларига) кўра амалга оширилади.

“”Маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотиш сарфларининг таркиби тўғрисидаги Низом” билан маҳсулотнинг (ишлар, хизматлар) таннархини ҳосил этувчи иқтисодий унсурларнинг барча корхоналар ва ташкилотлар учун ягона номенклатураси белгиланган.

Бундан ташқари, маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш билан боғлиқ бўлган харажатлар унинг таннархини режалаштиришда сарфларнинг куйидаги моддалари бўйича гуруҳланади: материаллар (қайтарма чиқиндилар қийматини чиқариб ташлаган ҳолда), бошқа корхоналарнинг ишлаб чиқариш туридаги сотиб олинган буюмлари, ярим тайёр маҳсулотлари ва хизматлари; ишлаб чиқариш ишчиларининг иш ҳақи; ижтимоий эҳтиёжлар учун ажратмалар; умумишлаб чиқариш харажатлари; нуқсонли маҳсулот туфайли йўқотишлар; бошқа ишлаб чиқариш харажатлари; тижорат харажатлари.

## 1.2-жадвал

### Ишлаб чиқариш сарфлари йўналишлари ва уларни таснифлашнинг эҳтимолий тури

| Ҳисобнинг йўналиши                             | Таснифлашнинг эҳтимолий усули  |
|--|--|
| Маҳсулот захираларининг қийматини аниқлаш учун | <ul style="list-style-type: none"> <li>• Ҳисобот даври ва маҳсулот таннархи сарфлари</li> <li>• Маҳсулот ишлаб чиқариш сарфларининг таркибий қисмлари</li> <li>• Харажатларнинг буюртма бўйича ва жараёнлар бўйича калькуляцияси</li> </ul>  |
| Қарор қабул қилиш учун                         | <ul style="list-style-type: none"> <li>• Харажатлар динамикаси</li> <li>• Келгуси давр харажатлари ва ўтган давр харажатлари</li> <li>• Бартараф этиладиган ва бартараф этилмайдиган харажатлар</li> <li>• Қайтариб бўлмайдиган сарфлар</li> <li>• Фараз қилинган сарфлар (муқобил ишлаш усулини қабул қилиш натижасида юзага келади)</li> <li>• Чегаравий (маржинал) сарфлар ва орттириладиган (инкремент) сарфлар</li> </ul> |
| Назорат ва бошқарув учун                       | <ul style="list-style-type: none"> <li>• Бошқариб бўладиган ва бошқариб бўлмайдиган харажатлар</li> <li>• Харажатлар динамикаси</li> </ul>   |

Баъзи муаллифлар ишлаб чиқариш сарфларини умумиктисодий ва режали-ҳисоб белгиларига кўра таснифлашни таклиф этадилар.

Сарфлар таснифи сарф-харажатлар маҳсулотни ишлаб чиқаришга нисбатан турлича эканлигини акс эттириш ва уларнинг турларини белгилашга имкон беради.

Бухгалтерия маълумотларини таснифлашнинг кўпгина схемалари мавжудлигига қарамай, улардан бирини намуна сифатида ажратиб кўрсатиш мумкин эмас. Таснифлаш схемаси маълумотнинг мақсадига боғлиқдир.

Инглиз олими К. Друри сарфлар ҳисобининг қуйидаги йўналишларини ва уларнинг эҳтимолий таснифларини таклиф этади.

Ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби юритиладиган йўналиш – ишлаб чиқариш харажатларининг алоҳидаланган ва мақсадли ҳисобини талаб этувчи фаолият соҳасидир. Яъни, бухгалтерия маълумотларининг фойдаланувчилари бирор сарф-харажат ҳақида ниманидир билиб олмоқчи бўлсалар, айнан шу нарсанинг ўзи ҳисоб йўналиши бўлади. Ишлаб чиқариш

харажатлари ҳисобининг йўналишига маҳсулот таннархи калькуляцияси, сотиш бўлими таъминоти сарфлари калькуляцияси, яъни амалда бирон-бир мансабдор шахснинг ишлатилган захираларни баҳолаш заруратини юзага келтирадиган ҳолатлар мисол бўлиши мумкин.

Ҳисоб тизими сарфларни маълум тоифаларга кўра таснифлаб йиғади. Масалан, ишчи кучи харажатлари, материаллар қиймати ёки устама харажатлар (ёки харажатлар динамикасига қараб, масалан, ўзгарувчан ва доимий харажатлар). Сарфларнинг бу тоифалари ҳисоб йўналишлари бўйича тақсимланади.

Бухгалтерлар маҳсулот таннархига кирувчи сарфлар ва ҳисобот даври харажатларини таснифлайдилар. Маҳсулот таннархига қайта сотиш учун сотиб олинган ёки ишлаб чиқарилган маҳсулотларга оид сарфлар киритилади. Корхонада бу сарфлар тайёр маҳсулот ёки тугалланмаган ишлаб чиқаришнинг таннархини, унинг сотилиш пайтигача белгилашда ҳисобга олинмайдиган маҳсулот бирлигининг таннархи бўлади. Маҳсулот сотилгандан кейин фойдани ҳисоблаш учун бу сарфлар сотишдан тушган тушумлар билан қиёсланади. Ҳисобот даврининг харажатлари захираларни баҳолашда ҳисобга олинмайдиган сарфлар ҳисобланади. Шунинг учун улар содир бўлган давридаёқ харажат сифатида тан олинади. Демак, ҳисобот даврининг сарфлари ва захираларни баҳолашда ҳисобга олинмайдиган сарфлар билан умуман боғланмаслиги лозим. Корхонада барча ишлаб чиқариш харажатлари маҳсулот таннархига, ноишлаб чиқариш харажатлари эса ҳисобот даври харажатларига киритилади.

Маълумотнинг мақсади ва уни тақдим этишнинг даврийлиги мезони ҳам ажратиб кўрсатилиши керак. Аввал кўрсатилгани каби, сарфлар тўғрисидаги маълумотлар уч асосий йўналишда аниқланади. Уларнинг ичида маълумот олинishi махсус мўлжалланиши мумкин. Масалан, корхона ходимларини рағбатлантириш, янги техникани ўзлаштириш учун маблағлар ажратилиши ва ҳоказолар. Демак, маълумот мақсади ва уни тақдим

этишнинг даврийлиги мезони ҳам мустақил мезон каби ажратиб кўрсатилиши керак.

Тадбиркорларнинг ноишлаб чиқариш йўқотишларини ва зарарларини камайтиришга интилиши заҳираларни аниқлашга, хусусан, меҳнат, моддий ва хом ашё заҳираларидан оқилона фойдаланишга асосланган. Моддий сарфларни қисқартиришга алоҳида эътибор бериш лозим, чунки улар барча ишлаб чиқариш сарф-харажатларининг 50-80% қисмини ташкил этади. Моддий сарфларнинг қиймати четдан сотиб олинган хом ашё, материаллар, ёнилғи, энергиянинг барча турлари, сотиб олинadиган бутловчи буюмлар ва ярим тайёр маҳсулотлар, бошқа корхоналар (ташкilotлар) бажарган ишлаб чиқариш туридаги ишлар ва хизматлар, моддий заҳираларнинг табиий камайиш меъёрлари доирасида камомади оқибатидаги йўқотишлар қийматларидан таркиб топади. Бундан ташқари, моддий сарфлар таркибига ускуналар, жиҳозлар, лаборатория ускуналар ва асосий фондларга киритилмайдиган бошқа меҳнат воситаларининг ҳисобланган эскириши қийматлари ҳам киради.

Ишлаб чиқаришнинг ўзига хослиги сарфлар таркибини белгилайди. Бунда баъзи сарфлар катта ҳажмга эга, демакки, аҳамиятлироқ, бошқалари эса кам аҳамиятли, шунинг учун бошқаларининг таркибида йириклаштирилган ҳолда ҳисобга олиниши мумкин. Шу сабабли, ишлаб чиқариш сарфларини ҳисобга олишни ташкил этиш мезонини ажратиб кўрсатиш лозим.

Аввалроқ ўтказилган сарфлар таркиби таҳлили шуни кўрсатдики, таннархнинг даражасига энг кўп таъсир этувчи қуйидаги сарфлар мавжуд: хом ашё, материаллар, бутловчи буюмлар ва электр энергияси сарфлари. Демак, бу ҳолда «аҳамиятли сарфлар» ни ушбу сарфлар турларига кўра фарқлаш лозим.

Сарфларнинг таснифланишини шакллантиришни таъминловчи мезонлар схемаси кўпчилик корхоналар турлари учун мос келади. Лекин, корхона фаолиятининг ўзига хослиги унинг ташкилий тузилиши ва

замонавий шароитларда ишлаш мақсадлари сарфларни бошқаришни, демакки, корхона фаолиятининг натижаларига таъсир этувчи бошқа омилларни ҳам ҳисобга олишни талаб этади.

Қурилиш корхоналарида маҳсулоти ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш асосий фондлари бўлиб, улар мамлакатнинг миллий бойлигини ҳамда кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни таъминлашнинг асосини ташкил қилади.

Маҳсулотнинг кўп капитал ва меҳнат талаб қилиши, меҳнат предметлари ва қуролларининг кўчма характери, маҳсулотнинг ишлаб чиқарилган жойда стационар ўрнашган бўлиши, ишчиларнинг касбий таркиби, ишлаб чиқариш циклининг ўзоқлиги ва бошқалар қурилишнинг ўзига хос хусусиятларидир.

Моддий-техник базанинг етарли бўлиши – қурилиши корхонасининг нинг халқ хўжалиги тармоғи сифатида муваффақиятли фаолият кўрсатиши учун муҳим шартдир. Бунда моддий-техник базанинг қурилиш дастурига нисбатан илдам ривожланиши инвестиция-қурилиш вазифаларини ҳал қилишнинг асосий тамойили ва зарур шартидир.

Қурилиш корхоналарида моддий-техник базасини ривожлантиришда қурилиш ишлаб чиқаришининг жорий ва истиқболдаги эҳтиёжларини ҳисобга олиш, фан-техника тараққиёти ютуқларига таяниш лозим.

Миқдорий ва сифат кўрсаткичларини яхшилаш, захираларни топиш ва уларни сафарбар этиш. Корхонанинг капитал сарфларини ва қурилиш муддатларини камайтириш - инвестицион-қурилиш жараёнидаги барча иштироқчиларнинг муҳим вазифасидир.

## **II-БОБ. ҚУРИЛИШ КОРХОНАСИНИНГ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИ ТАҲЛИЛИ**

### **2.1. Қурилиш корхонасининг асосий техник иқтисодий кўрсаткичлари таҳлили**

“12-Трест” ОАЖ 1977 йил ташкил топган бўлиб, ҳозирги кунда қурилиш соҳасида ўз нуфузигаэга бўлган энгйирик ташкилотлардан биридир. Яқин 10 йиллик ичидаги ораликни кўриб чиқсак, «12-Трест» ОАЖ 100 га яқин йирик ва ўрта қурилиш иншоотларини барпо этди, булардан: ҳар хил турар-жой бинолари, Тошкент чинни заводи, Президент Девони ва Вазирлар Маҳкамасига тегишли бинолар, Марказий банкка қарашли бўлган давлат белгили 3 такорхона, Тошкент ҳайвонот боғи, Ўзбек-Савдо бирлашмасига тегишли Юнус-Обод Теннис мажмуаси, «Пахтакор» марказий стадионининг таъмири, кичик нон заводлари, коллеж ва лицей қурилишлари, кўптурдаги эски биноларнинг таъмиришлари; Рус Академик театри, Ўзбек Миллий академик театри, «Истиклол» санъат саройи, «Туркистон» саройи, «Чорсу-савдомаркази», Мустақиллик байрами мажмуаси, «Чорвок» оромгоҳи, «Дўстлик» меҳмонхонасидаги бир қатор ишлар шулар жумласидандир.

Сўннги йиллардаги йирик лойиҳалари Мустақиллик майдони мажмуаси, Сенатбиноси, Молия вазирлиги биноси, Сингапур менежментни ривожлантириш инсититути, “Ўзбекинвест” ЭИСК биноси.

Қурилиш биноларининг турига қараб айтиш мумкинки, «12 Трест» ОАЖ –ҳар хил турдаги оддий ва юқори даражали бинолар қуриш бўйича ихтисослашган қурилиш ташкилотидир.

Бугунгикунда 1500 дан ортиқ ишчи-хизматчилар ўз иши фаолиятини шу ташкилот билан боғлаганлар. «12 Трест» ОАЖ 9 та филиаллардан ташкил топган.


Шулардан, 50-ҚБ, 65-ҚБ, 2-КМК, Чимёон-КМК филиалларидир. Ҳар бири ўз фаолият тури билан ихтисослашган ва бу ташкилотлар асосан юқори даражали қурилиш-монтаж ва махсус-монтаж ишларини амалга оширадilar. 20-ҚБ, 52-ҚБ асосан пардозлаш ишларини, 49-ҚБ сантехника ва монтаж ишларини олиб борадилар. Бундан ташқари ёрдамчи ташкилотлар: БҚИК – бетон қоришмаси ишлаб чиқарувч икорхона, “Алюмин қурилиш” ишлаб чиқариш корхонаси, хўжалик ҳисобидаги кичик механизатсия бирлашмаси ўз фаолиятларини олиб бормоқдалар.

Ҳар бир ташкилот ўз ҳисоб рақамига ва мустақил балансига эга ва мустақил иш олиб боради.

Замон талаби асосида қурилишда «калитли топшириш» масаласи «12-Трест» ОАЖ томонидан Республикада биринчи бўлиб, 1994 йил тадбиқ этилди ва йилдан йилга у мукамал шаклга келтирилди. Ҳозирги кунда «12-Трест» ОАЖ катта-катта иншоотларни «калитини топшириш» бўйича ўзиш услубига эга. Бу иншоотларни лойиҳалаштириш, қуриш ва жиҳозлаш ишлари, яъни буюртмачига тайёр бинонинг калитини топшириш деганидир, буэса қулайва ҳартомонлама самаралидир.

Ишуслубли таҳлил қилинганда, ҳар бир иш қилинишидан олдин чуқур ўрганилган ҳолда амалга оширилади, чунки бино, иншоотларни қуришда хатоликка йўл қўйиш мумкин эмас, ҳамда ҳаражатлар ҳар томонлама тежамкорлик нуқтаи-назарида амалга оширилади. Йил давомида умумий ишнинг 70 фоизлик қисми «12 -Трест» ОАЖ бошқармаларининг ҳар бирининг ихтисослигига боғлиқ ҳолда олиб борилади, қолган ишларга пудратга ихтисослашган ташкилотлар ўз иш фаолиятига қараб, таклиф қилинади.

Буэса ишнинг сифати ва самараси гарови бўлиб хизмат қилади. «Трест 12» ОАЖ ўз филиалларида ихтисослик турига қараб, уларни доимий мониторинг асосида рақобатга чидамлива олдиндан хатоларни бартараф этиш ишларини олиб бормоқда.



2.1-расм. “12-Трест” ОАЖнинг бошқарув структураси.


## 2.1-жадвал.

## “12-трести” АЖнинг асосий техник-иқтисодий кўрсаткичлари

| №  | Кўрсаткичлар                        | Ўлчов бирлиги | 2009    | 2011         | 2012      | 2013     | 2014      |
|----|-------------------------------------|---------------|---------|--------------|-----------|----------|-----------|
|    | 1                                   | 2             | 3       | 5            | 6         | 7        | 8         |
| 1  | Сотишдан тушим                      | Минг сўм      | 9062398 | 6706276      | 128484531 | 87445268 | 133457182 |
| 2  | Ишлаб чиқариш таннари               | Минг сўм      | 6519081 | 5988218      | 114651038 | 67367971 | 109220433 |
| 3  | Ялпи фойда                          | Минг сўм      | 2543318 | 718058       | 13833443  | 20077297 | 24276749  |
| 4  | Фойдадан солиқ                      | Минг сўм      | 397943  | 98920        | 767203    | 1335169  | 1613816   |
| 5  | Ишчиларни ўртача сони               | киши          | 684     | 650          | 832       | 780      | 647       |
| 6  | Бир ишчига тўғри келадиган маҳсулот | Минг сўм      | 13249,1 | 10317,3      | 154428    | 112109   | 206270    |
| 7  | Соф фойда                           | Минг сўм      | 626168  | 4976         | 1421410   | 7767771  | 6899144   |
| 8  | Иш ҳақи фонди                       | Минг сўм      | 8684064 | 1132560<br>0 | 3594240   | 4024800  | 2648746   |
| 9  | Бир ишчига ўртача иш ҳақи           | Минг сўм      | 12696   | 17424        | 4320      | 5160     | 4093,9    |
| 10 | Дебиторлик қарзлари                 | Минг сўм      | 3978036 | 4112231      | 41537703  | 53458931 | 62298970  |
| 11 | Кредиторлик қарзлари                | Минг сўм      | 3638601 | 4359440      | 66023333  | 63794692 | 101267676 |
| 12 | Айланма маблағлар ўртача қолдиғи    | Минг сўм      | 4650247 | 5601809      | 6402788   | 3376665  | 14578238  |
| 13 | Бир кунлик тушум                    | минг сўм      | 25173,3 | 18628,5      | 3530094.6 | 239576   | 365636.1  |
| 14 | Корхонанинг рентабеллик даражаси    | %             | 227,9   | 49,5         | 953,6     | 582,1    | 392,9     |

Қуйидаги жадалда келтирилган маълумотларга кўра “12-трести” АЖнинг асосий техник-иқтисодий кўрсаткичларидан, сотишдан тушум 2009 йилда 9062398 минг сўмни, 2010 йилда 10609312 минг сўмни, 2011 йилда эса 3903036 минг сўмга камайиб, 6706276 минг сўмни ташкил қилган. Бажарилган ишларнинг ишлаб чиқариш таннари 2009 йилда 6519081 минг сўмни, 2010 йилда 7590895 минг сўмни, 2011 йилга келиб эса бу кўрсаткич 1602677 минг сўмга камайиб, 5988218 минг сўмни ташкил қилган 2014 йилга келиб эса 109220433 минг сумни ташкил қилган. Ялпи фойда 2009 йилда 2543318 минг сўмни, 2010 йилда 3018417 минг сўмни, 2011 йилга

келиб эса, 2300359минг сўмга камайиб, 718058минг сўмни ташкил қилди 2010 йилда 2604664 минг сумни ташкил қилган. Соф фойда 2009 йилда 626168 минг сўмни, 2010 йилда 911375 минг сўмни, 2011 йилда 906399 минг сўмга камайиб, 4976 минг сўмни ташкил қилди 2014 йилда 6899144 минг сумни ташкил қилган. Корхонанинг рентабеллик даражаси 2009 йилда 227,9 фоизни, 2010 йилда 260 фоизни, 2011 йилда 49,5 фоизни ташкил қилган. 2014 йилда 392,9фоизни ташкил қилган.



**2.2-расм. “12-трести” АЖнинг 2013-2014 йиллардаги асосий техник-иқтисодий кўрсаткичлари диаграммаси.**

## **2.2. Қурилиш корхоналарида ишлаб чиқариш харажатлари таҳлили**

Миллий иқтисодиётдаги ишлаб чиқариш бирликлари (корхона, фирма) ўз фаолияти натижаларидан кўпроқ фойда олишга ҳаракат қиладилар. Ҳар қандай корхона оладиган фойда нафақат ўзининг товарини анча юқори нархларда сотишга, балки товар ишлаб чиқариш ва уни сотишга қилинадиган сарф-харажатларни камайтиришга ҳам интилади.

Товарларни сотиш нархлари асосан корхона фаолиятига боғлиқ бўлмаган ташқи шароитлар билан белгиланса, ишлаб чиқариш сарф-харажатлари корхонанинг ишлаб чиқариш ва тайёр товарларни сотиш жараёнларини ташкил қилиш самарадорлиги даражасига боғлиқ. Лекин ҳар қандай товарни ишлаб чиқариш ва сотиш учун маълум сарф харажатлар талаб этилади.

Ҳозирда ишлаб чиқариш харажатларини тадқиқ қилишда икки хил нуқтаи-назардан - классик ва неоклассик ёки замонавий ёндошиш мавжуд. Классик назария ёндошувига кўра, ишлаб чиқариш харажатлари – бу маҳсулот ишлаб чиқариш учун амалга оширилган барча жонли меҳнат, пул ва моддий сарфлардир.

Умумий назарий жиҳатдан қуйидагиларни фарқлаш лозим:

- 1) ишлаб чиқаришнинг ижтимоий харажатлари ёки маҳсулот қиймати;
- 2) корхона (фирма)нинг индивидуал ишлаб чиқариш харажатлари.

**Ижтимоий ишлаб чиқариш харажатлари** – бу маҳсулот ишлаб чиқариш учун ижтимоий зарурий меҳнатнинг умумий (жонли ва моддийлашган) сарфларидир. Улар мазкур маҳсулотни ишлаб чиқариш жамият учун қанчага тушганлигини кўрсатади. Товар ишлаб чиқариш шароитида ижтимоий харажатлар пул шаклида намоён бўлади ва товар қийматига мувофиқ тушади, яъни:

$$w = c + v + m, \quad (2.1)$$

бу ерда:  $w$  – ижтимоий ишлаб чиқариш харажатлари ёки маҳсулот қиймати;  $c$  – доимий капитал;  $v$  – ўзгарувчи капитал (ишчи кучи) харажатлари;  $m$  – қўшимча қиймат.

**Корхона (фирма) маҳсулотининг ишлаб чиқариш харажатлари** – бу корхонанинг маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни сотишга қилинган барча сарфлари йиғиндисидир:


$$k = c + v. \quad (2.2)$$

Унинг таркибига хомашё ва материаллар, амортизация, иш ҳақи ва бошқа сарфлар киради.

Ишлаб чиқариш харажатлари деганда товар ва хизматларни ишлаб чиқариш ва истеъмолчиларга етказиб беришга қилинадиган барча сарфлар тушунилади. Ишлаб чиқариш сарф-харажатлари таркибига хом ашё, асосий ва ёрдамчи материаллар, ёнилғи ва энергия учун қилинган харажатлар, асосий капитал амортизацияси, иш ҳақи ва ижтимоий суғуртага ажратмалари, фоиз тўловлари ва бошқа харажатлар киради. Ишлаб чиқаришга қилинган барча сарф-харажатларнинг пулдаги ифодаси маҳсулот таннархини ташкил қилади.

Ишлаб чиқариш харажатларини иккига бўлиб ўрганиш мумкин: бевосита ишлаб чиқариш харажатлари ва муомала харажатлари (1-чизма). **Ишлаб чиқариш харажатлари** деганда маҳсулотни бевосита ишлаб чиқариш учун қилинадиган барча сарфлар (иш ҳақи, хом ашё ва материал сарфлари, амортизация ва ҳ.к.) тушунилади. Товар бирлигининг қийматида ишлаб чиқариш харажатлари фақат унинг бир қисмини ташкил қилади. Ишлаб чиқариш харажатлари товар қийматидан фойда миқдорига кам бўлади. **Муомала харажатлари** тушунчаси товарларни сотиш жараёни билан боғлиқ бўлиб, шу товарларни ишлаб чиқарувчидан олиб, истеъмолчига етказилгунча кетадиган сарфларга айтилади. Улар икки гуруҳга бўлинади: қўшимча муомала харажатлари ва соф муомала харажатлари. Товарларни ўраш, қадоқлаш, саралаш, транспортга ортиш, ташиш ва сақлаш харажатлари **қўшимча муомала харажатлари** ҳисобланади. Муомала харажатларининг бу турлари ишлаб чиқариш харажатларининг давоми ҳисобланиб, товар қийматига киради ва унинг қийматини оширади. Харажатлар товарлар сотилгандан кейин олинган пул тушуми суммасидан қопланади.

**Соф муомала харажатлари** сотувчи маоши, маркетинг (истеъмолчилар талабини ўрганиш), реклама ва шу каби харажатлардан иборат бўлади. Соф муомала харажатлари товар қийматини оширмайди ва ишлаб чиқариш жараёнида яратилган товарни сотгандан кейин олинган фойда ҳисобидан қопланади.



**2.3-расм. Харажатларнинг намоён бўлиш соҳасига кўра туркумлиниши.**


Ишлаб чиқариш харажатларининг иккинчи йўналишдаги концепциялари маржиналистлар ва неоклассиклар томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, улар бу борадаги классик назарияларни ҳам муълум даражада ҳисобга оладилар. Бироқ, бу концепцияларнинг ўзига хос томони шундаки, улар ишлаб чиқариш харажатларини тушунтиришда ресурсларнинг чекланганлиги ва улардан муқобил фойдаланиш имкониятларидан келиб чиқадилар.

Маълумки, муайян бир ресурсни ишлаб чиқаришнинг бирон-бир йўналиши бўйича сарфланиши эндиликда бу ресурсдан бошқа йўналишларда фойдаланиш имкониятини чеклаб қўяди. Шунга кўра, тадбиркор (ёки ресурс эгаси) мазкур ресурсни энг юқори даражада наф келтирувчи йўналишга сарфлашга ҳаракат қилади.

Иқтисодий ресурсларни энг юқори наф олиш мақсадида бошқа муқобил йўналишларда ишлатилишига йўл қўймай ўзига жалб этиш учун тўлов иқтисодий ёки **зиммасига тушувчи харажат** деб аталади.

Иқтисодий харажатлар микродаражадаги иқтисодий кўрсаткичлардан бири бўлиб, корхона (фирма) миқёсида муайян турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатишнинг самарадорлик даражасини ифодалашда муҳим аҳамият касб этади.

Маржиналистик сарф-харажатлар назарияси бўйича корхона ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиладиган ресурслар ўз ресурслари ёки жалб қилинган ресурслар бўлиши мумкин. Шунга кўра харажатлар ички ёки ташқи харажатларга бўлинади (2-чизма). **Ташқи харажатлар** корхона томонидан учун зарур ресурс ва хизматларни ташқаридан тўлов асосида жалб этиши натижасида вужудга келадиган харажатлардир. Бундай харажатларга ёлланма ишчилар иш ҳақи, хом-ашё ва материаллар учун тўловлар, кредит учун фоиз тўловлари, ижарага олинган ер учун рента, транспорт хизмати ва бошқа ҳар хил хизматлар учун тўловлар киради. Ташқи харажатлар тўлов ҳужжатлари билан расмийлаштирилади, шу сабабли бухгалтерия харажатлари деб ҳам аталади.




2.4-расм. Харажатларнинг жалб этилиш манбаига кўра туркумланиши.

Корхонанинг ўзига тегишли бўлган ресурслардан фойдаланиши билан боғлиқ харажатлар **ички харажатлар** дейилади. Бундай харажатлар пул тўловлари шаклида чиқмайди. Шу сабабли ички харажатлар даражасини

баҳолаш ўз ресурслари қийматини шунга ўхшаш ресурсларнинг бозордаги нархларига таққослаш орқали амалга оширилади.

Ташқи ва ички харажатларнинг моҳиятини очиб бериш, уларнинг биридан фарқини тушунтиришда бугунги кунда бизнинг хўжалик амалиётимизда кўплаб фаолият юритаётган якка тартибдаги тадбиркорларни яққол мисол тариқасида келтириш қўл келади. Айтайлик, бирон-бир тадбиркор ўзига қарашли бўлган хонадонда кичик ишлаб чиқариш цехи ташкил қилди. Бу ерда унинг ташқи харажатлари аниқ: ишлаб чиқариш учун зарур бўлган хом ашё учун тўлов, электр энергияси, сув ва бошқа коммунал хизматлар учун тўловлар, транспорт хизматлари учун тўлов ва бошқалар. Бу ўринда ички харажатлар нимадан иборат бўлади, деган савол туғилиши табиий.

Ишлаб чиқариш ҳажмининг ўзгаришига таъсир қилиш ёки қилмаслигига қараб харажатлар доимий ва ўзгарувчи харажатларга бўлинади



**2.5-расм. Ишлаб чиқариш ҳажмининг ўзгаришига таъсирига қараб харажатларни туркумлаш.**

Ишлаб чиқариш ҳажмининг ўзгаришига (қисқариши ёки ортишига) таъсир қилмайдиган харажатлар **доимий харажатлар** дейилади.

**Ўзгарувчи харажатлар** (VC) деб ишлаб чиқариш ҳажмининг ўзгаришига таъсир қиладиган харажатларга айтилади. Унга хом ашё, материал, ёнилғи-транспорт хизмати, ишчилар иш ҳақи ва шу кабиларга қилинадиган сарфлар киради.

Ишлаб чиқаришнинг ҳар бир даражасида доимий ва ўзгарувчан харажатлар йиғиндиси **умумий ёки ялпи харажатлар** (ТС)ни ташкил қилади.

Доимий (FC), ўзгарувчи (VC) ва ялпи (ТС) харажатларнинг графикдаги ифодасини 4-чизма орқали кўришимиз мумкин.

Маҳсулот бирлигини ишлаб чиқаришга қилинадиган сарф-харажатларни ҳисоблаш учун ўртача умумий, ўртача доимий ва ўртача ўзгарувчи харажатлар тушунчаларидан фойдаланилади. **Ўртача умумий харажатлар** ялпи (умумий) харажатларнинг ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори нисбатига тенг:

$$AC = \frac{TC}{Q}; \quad (2.3)$$

бу ерда: AC – ўртача умумий харажатлар;

TC – ялпи (умумий) харажатлар;

Q – ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори.

**Ўртача доимий харажатлар** доимий харажатларнинг ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдorigа нисбати билан аниқланади:

$$AFC = \frac{TFC}{Q}; \quad (2.4)$$

бу ерда: AFC – ўртача доимий харажатлар;

TFC – доимий харажатлар суммаси.

**Ўртача ўзгарувчи харажатлар** ўзгарувчи харажатларни ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдorigа нисбати билан аниқланади:

$$AVC = \frac{TVC}{Q}; \quad (2.5)$$

бу ерда: AVC – ўртача ўзгарувчи харажатлар;

TVC – ўзгарувчи харажатлар суммаси.

Шунингдек, ўртача умумий харажатларни ўртача доимий ва ўртача ўзгарувчи харажатларнинг йиғиндиси сифатида ҳам ифодалаш мумкин:

$$AC = AFC + AVC. \quad (2.6)$$

Энг юкори даражада фойда олишга эришиш учун товар ишлаб чиқаришнинг зарур миқдорини аниқлаш зарур. Бунда иқтисодий таҳлил воситаси бўлиб сўнгги қўшилган харажат тушунчаси хизмат қилади. Аввало **сўнгги қўшилган харажат** деб, маҳсулотнинг навбатдаги бирлигини ишлаб чиқариш билан боғлиқ қўшимча харажатларга айтилади:

$$MC = \frac{\Delta TC}{\Delta Q}; \quad (2.7)$$

бу ерда: MC – сўнгги қўшилган харажат;

$\Delta TC$  – умумий харажатларнинг ўзгариши;

$\Delta Q$  - маҳсулот миқдорининг ўзгариши.

Қўшилган харажатларни ҳар бир навбатдаги қўшилган маҳсулот бирлиги учун аниқлаш мумкин. Товар ёки хизматларнинг қўшилган бирлигини ишлаб чиқаришга тўғри келадиган харажатлар **ўртача қўшилган харажатлар** дейилади.

## 2.2-жадвал.

### “12-Қурилиш трести” АЖнинг асосий фондларнинг ҳолати ва улардан фойдаланиш таҳлили

(Минг сўм)

| № | Кўрсаткичлар                             | 2009     | 2010     | 2011     | 2012      | 2013     | 2014      |
|---|--|----------|----------|----------|-----------|----------|-----------|
| 1 | 2  | 3        | 4        | 5        | 6         | 7        | 8         |
| 1 | Асосий фондларнинг ўртача йиллик қиймати | 5319380  | 7967216  | 9557378  | 9475432   | 4586853  | 9987345   |
| 2 | Сотишдаги ялпи тушим                     | 32829160 | 15367732 | 47540572 | 128484531 | 87445268 | 133457182 |
| 3 | Соф фойда                                | 1929863  | 1395821  | 2607179  | 1421410   | 7767771  | 6899144   |
| 4 | АВ фонд самарадорлиги, тийин             | 617,2    | 192,9    | 497,4    | 517,2     | 245,2    | 562,2     |
| 5 | АВ рентабеллиги, %                       | 36,3     | 17,5     | 27,3     | 35,2      | 16,2     | 37,8      |

Ушбу жадвалда “12-Қурилиш трести” асосий фондларнинг ўртача йиллик қиймати 2009 йилда 5319380 минг сўми, 2012 йилда 9475432 минг сўми, 2013 йилда 4586853 минг сўми, 2014 йилда 9987345 минг сумни ташкил қилган. Сотишдан ялпи тушум 2009 йилда 32829160 минг сўми, 2012 йилда 128484531 минг сўми, 2013 йилда 87445268 минг сўми ташкил қилган, 2014 йилда 133457182 минг сумни ташкил қилган. Соф фойда 2009 йилда 1929863 минг сўми, 2012 йилда 1421410 минг сўми, 2013 йилда 7767771 минг сўми ташкил қилган, 2014 йилда 6899144 мингсумни ташкил қилган. Асосий воситаларнинг фонд самарадорлиги 2009 йилда 505,5 тийинни, 2012 йилда 317,9 тийинни 2013 ийлда 245,2 тийинни, 2014 ийлда 562,2 тийинни ташкил қилган. Асосий воситалар рентабеллиги 2009 йилда 36,3 фоизни, 2012 йилда 16,2 пунктни ташкил қилган, 20113 йилда 16,2 фоизни, 2014 37,8 ташкил қилган.

Иқтисодий адабиётларнинг кўпчилигида молиявий мустаҳкамликка (барқарорликка) вабаланс ликвидлигига бир хил таъриф беришади ва аниқланаётган кўрсаткични ёки молиявиймустаҳкамлик ёки баланс ликвидлиги, яъни корхоналарнинг олинган қарзларни қайтариб беришқобилиятига эгалик деб тушунилади. Молиявий мустаҳкамлик ва баланс ликвидлиги – бу ўзмазмунига эга бўлган икки хил молиявий кўрсаткичлар бўлиб, корхоналар молиявий фаолиятиниҳар хил нуқтаи назардан ифодалайди.


### 2.3-жадвал.

#### “12-Қурилиш трести”АЖнингликвидлиги (тўлов қобилияти)ни баҳолаш таҳлили

|   | Кўрсаткичлар               | 2009 | 2010 | 2011 | 2012 | 2013 | 2014 |
|---|----------------------------|------|------|------|------|------|------|
| 1 | 2                          | 3    | 4    | 5    | 6    | 7    | 8    |
| 1 | Тўлаш (қоплаш) коэффиценти | 0,96 | 1,2  | 0,98 | 1,2  | 0,6  | 1,5  |
| 2 | Тез ликвидлик коэффиценти  | 0,81 | 0,39 | 0,37 | 0,53 | 0,23 | 0,78 |

|   |                                    |      |      |      |      |      |      |
|---|------------------------------------|------|------|------|------|------|------|
| 3 | Мутлоқ ликвидлик коэффициенти      | 0,4  | 0,01 | 0,3  | 0,67 | 0,34 | 0,98 |
| 4 | Ишлаб турган сармоя ҳаракатчанлиги | 0,04 | 0,11 | 0,29 | 0,09 | 0,05 | 1,1  |
| 5 | Умумий сармоя ҳаракатчанлиги       | 1,3  | 1,2  | 1,2  | 1,4  | 0,9  | 1,8  |

Ушбу жадвалда келтирилган маълумотларга кўра, “12-Қурилиш трести”нинг тўлаш (қоплаш) коэффициенти, 2009 йилда 1,3 коэффициентни, 2012 йилда 1,2 га тенг бўлган бўлса, 2013 йилда 0,6 коэффициентни ташкил этган, 2014 йилда 1,5 коэффициентни ташкил қилган. Тез ликвидлик коэффициенти ҳам 2009 йилда 0,81 коэффициентни, 2012 йилда 0,53 ни, 2013 йилда 0,23 коэффициентни ташкил этган, 2014 йилда 0,78 коэффициентни ташкил қилган. Мутлоқ ликвидлик коэффициенти 2009 йилда 0,04 коэффициентни, 2012 йилда 0,67 га тенг бўлган бўлса, 2013 йилда 0,34 коэффициентни ташкил қилган, 2014 йилда 0,98 коэффициентни ташкил қилган. Ишлаб турган сармоя ҳаракатчанлиги 2009 йилда 0,04 коэффициентни, 2012 йилда 0,09 га, 2013 йилда 0,05 коэффициентни ташкил этган, 2014 йилда 0,11 коэффициентни ташкил қилган. Умумий сармоя ҳаракатчанлиги 2009 йилда 1,3 коэффициентни, 2012 йилда 1,4 га тенг бўлган бўлса, 2013 йилда 0,9 коэффициентни ташкил қилган, 2014 йилда 1,8 коэффициентни ташкил қилган.



2.7-расм. “12-Қурилиш трести” АЖнинг ликвидлиги (тўлов қобилияти) ни баҳолаш таҳлили диаграммаси.

Асосий ва айланма маблағларнинг ҳолатини кўрсатиб, молиявий хўжаликжараёнини юритиш вазифасини бажаришда бу мулклардан фойдаланади. Мулк тўпланган молиявийҳамда давлат ташкилотлари маблағи, хусусий шахслар жамғармаси, ҳиссадор ва таъсисчиларнинг улуши, банк кредити, чет эллик сармоядорлар ва ҳақозо маблағлар эвазига сотиб олинади. Айримҳолларда таъсисчилар асосий восита ва моддий бойликларнинг ўзини бериши ҳам мумкин. Асосий ва айланма маблағлар ишлаб чиқариш фаолиятини узлуксиз юритишга ҳизмат қилади.

#### 2.4-жадвал.




#### “12-Қурилиш трести” АЖнинг айланма маблағлардан фойдаланиш самарадорлиги таҳлили

(мингсўм)

| № | Кўрсаткичлар                          | 2009     | 2011     | 2012      | 2013     | 2014      |
|---|---------------------------------------|----------|----------|-----------|----------|-----------|
| 1 | 2                                     | 3        | 5        | 6         | 7        | 8         |
| 1 | Сотишдан тушим                        | 32829160 | 47540572 | 128484531 | 87445268 | 133457192 |
| 2 | Соф фойда                             | 1929863  | 2607179  | 1421410   | 7767771  | 6899144   |
| 3 | Айланма маблағларнинг ўртачақолдиғи   | 22668882 | 77473035 | 23817776  | 16522203 | 40513251  |
| 4 | Айланма маблағларнинг айланувчанлиги: |          |          |           |          |           |
|   | - кунларда                            | 248,6    | 586,8    | 66,1      | 45,8     | 112       |
|   | - маротабаларда                       | 1,45     | 0,61     | 1,23      | 0,34     | 2,24      |
| 5 | Айланма маблағларнинг рентабеллиги, % | 8,5      | 3,4      | 0,08      | 0,4      | 0,17      |
| 6 | Биркунлик тушим                       | 91192,1  | 132057,1 | 356901,5  | 242903,5 | 370714,4  |

Ушбу жадвалд “12-Қурилиш трести” нинг айланма маблағлардан фойдаланиш самарадорлиги таҳлил қилинган. Сотишдан тушум 2009 йил 32829160 минг сўмни иборат бўлган бўлса, 2013 йилда 874445268 минг сўмни, 2014 йилда 133457192 минг сўмни ташкил қилган. Соф фойда 2009 йил 1929863 минг сўмни, 2013 йилда 7767771 минг сўмни, 2014 йилда

6899144 минг сўмни ташкил қилган. Айланма маблағларнинг ўртача қолдиғи 2009 йилда 22668882 минг сўмни, 2013 йилда 16522203 минг сўмни, 2014 йилда 40513251 минг сўмни ташкил қилган. Айланма маблағларнинг ўртача кунлардаги айланувчанлиги 2009 йилда 248,6 кунни, 2013 йилда 45,8 кунни, 2014 йилда 112 кунни ташкил қилган. Айланма маблағларнинг ўртача маротабалардаги айланувчанлиги 2013 йилда 0,4 маротабани ҳосил қилган, 2014 йилда 0,17 маротабани ташкил қилган.



**2.8-расм. 12-Қурилиш трести” АЖнинг айланма маблағлардан фойдаланиш самарадорлиги таҳлили диаграммаси.**

Молиявий барқарорлик бу – корхоналарнинг молиявий ҳолатини зарурий бир хил даражада туришини, пасаймаслигини ифодалайди. Молиявий мустаҳкамлик тўғрисида гап борар экан, яна иккита нарсага эътибор бериш лозим. Бу молиявий мустаҳкамликнинг критерияси ва молиявий мустаҳкамликни ифодаловч кўрсаткичлар тизими. А.Н.Ли. ва С.И.Шевченколларнинг фикрича, молиявий мустаҳкамликнинг критерияси аниқланиши лозим ва бу критерия сифатида корхоналарнинг банкрот бўлиши эҳтимоллигининг паст даражаси тавсия этилади. Бизнингча эса, авваламбор, молиявий мустаҳкамликнинг даражасига биноан корхоналарнинг банкрот бўлиш эҳтимоллиги аниқланилмайди.

## 2.5-жадвал.

### “12-Қурилиш трести” АЖнинг молиявий барқарорлиги таҳлили

| № | Кўрсаткичлар                                      | 2009 | 2011 | 2012 | 2013 | 2014 |
|---|---|------|------|------|------|------|
| 1 | 2   | 3    | 5    | 6    | 7    | 8    |
| 1 | Мустақиллик коэффиценти                           | 0,25 | 0,14 | 0,24 | 0,11 | 0,26 |
| 2 | Молиявий барқарорлик коэффиценти                  | 0,33 | 0,16 | 0,34 | 0,14 | 0,37 |
| 3 | Молиявий қарамлик коэффиценти                     | 4,04 | 7,31 | 4,3  | 2,1  | 4,7  |
| 4 | Ўз сармояси ҳаракатчанлиги                        | 0,11 | 0,40 | 0,12 | 0,4  | 0,15 |
| 5 | Жалб қилинган сармоянинг жамланганлик коэффиценти | 0,75 | 0,86 | 0,78 | 0,35 | 0,92 |
| 6 | Жалбқилинган ва ўз сармоялари нисбати коэффиценти | 3,04 | 6,29 | 3,6  | 1,4  | 3,7  |

Ушбу жадвалда “12-Қурилиш трести” АЖнинг молиявий барқарорлиги таҳлил қилинган. Мустақиллик коэффиценти 2009 йилда 0,25 коэффицентни, 2012 йилда 0,24 коэффицентни, 2013 йилда 0,11 коэффицентни ташкил қилган, 2014 йилда 0,26 коэффицентни ташкил қилган. Молиявий барқарорлик коэффиценти 2009 йилда 0,33 коэффицентни, 2012 йилда 0,34 коэффицентни, 2013 йилда 0,14 коэффицентни ташкил қилган, 2014 йилда 0,37 коэффицентни ташкил қилган. Молиявий қарамлик коэффиценти 2009 йил 4.04 коэффицентни 2012 йилда 4.3 коэффицентни, 2013 йилда 2.1 коэффицентни ташкил

этган, 2014 йилда 4.7 коэффициентни ташкил қилган. Ўз сармоясини харакатчанлиги 2009 йил 0,11 коэффициентни 2012 йилда 0,12 коэффициентни, 2013 йилда 0,4 коэффициентни ташкил этган, 2014 йилда 0,15 коэффициентни ташкил қилган. Жалб қилинган сармоянинг жамланганлик коэффициенти 2009 йил 0,75 коэффициентни 2012 йилда 0,78 коэффициентни, 2013 йилда 0,35 коэффициентни ташкил этган, 2014 йилда 0,92 коэффициентни ташкил қилган. Жалб қилинган ва ўз сармоялари нисбати коэффициенти 2009 йил 3,04 коэффициентни 2012 йилда 3,06 коэффициентни, 2013 йилда 1,4 коэффициентни ташкил этган, 2014 йилда 3,07 коэффициентни ташкил қилган.

### **2.3. Қурилиш корхонасида қисқа муддатли ва узоқ муддатли даврларда ишлаб чиқариш харажатларининг ўзгариши таҳлили**

Корхона фойдаланадиган кўплаб ресурслар миқдори, яъни жонли меҳнат, хом ашё, ёнилғи ва энергия сарфлари товар ҳажмининг ўзгаришига тез ва осон таъсир қилади. Бошқа ресурслар сарфи таъсирида товар ҳажми ўзгариши учун узоқ вақт талаб қилинади. Масалан, оғир саноат тармоқларининг ишлаб чиқариш қувватлари анча узоқ вақт оралиғида маҳсулот миқдори ўзгаришига таъсир қилиши мумкин. Демак, ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олишда вақт омили, яъни харажат қилингандан пировард натижа олингунча ўтган давр сезиларли таъсир кўрсатади. Шу сабабли вақт омилдан келиб чиқиб, ишлаб чиқариш харажатларини қисқа ва узоқ муддатли даврда алоҳида таҳлил қилинади.

Корхона ишлаб чиқариш ҳажмини ўстириш учун қисқа даврда фақат ўзининг ўзгарувчи харажатлари миқдорини ўзгартириши мумкин. Бу қисқа муддатли харажатлардир. Ишлаб чиқариш қувватлари эса (ишлаб чиқариш бино ва иншоотлари майдони, машина ва ускуналар миқдори) доимий бўлиб қолади, ҳамда бу давр фақат улардан фойдаланиш даражасини ўзгартириш учун етарли бўлиши мумкин.

Бошқача айтганда қисқа давр оралиғида корхонанинг ишлаб чиқариш қувватлари ўзгаришсиз қолади, ишлаб чиқариш ҳажми жонли меҳнат, хом ашё ва бошқа ресурслар миқдорини кўпайтириш орқали ўзгариши мумкин. Бунда мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш интенсивлигини ошириш мумкин.

Узоқ муддатли давр – бу корхонанинг ишлаб чиқариш қувватларини ва бутун банд бўлган ресурслари миқдорини ўзгартириш учун етарли бўлган даврдир.

Бу ерда шуни таъкидлаш лозимки, ишлаб чиқариш қувватларининг ўзгаришини тақозо қиладиган давр давомийлиги айрим тармоқ ва корхона хусусиятидан келиб чиқиб фарқланиши мумкин. Масалан, енгил саноат тармоғида кийим-кечак ишлаб чиқарадиган кичкина фирма, бир неча кўшимча тикув машинаси ўрнатиш билан ўзининг ишлаб чиқариш қувватларини қисқа вақтда (бир неча кунда) ошириш мумкин. Оғир саноат тармоқларида янги қувватларни ишга тушириш учун бир неча йил талаб қилинади.

Ишлаб чиқариш миқёсининг **ижобий самараси** шунда намоён бўладики, корхонада ишлаб чиқариш ҳажми ўсиб бориши билан, бир қатор омиллар ишлаб чиқариш ўртача харажатларининг пасайишига таъсир кўрсата бошлайди. Бу омиллар қуйидагилар: 1) меҳнатнинг ихтисослашуви; 2) бошқарув ходимларининг ихтисослашуви; 3) капиталдан самарали фойдаланиш; 4) кўшимча турдаги маҳсулотларнинг ишлаб чиқарилиши. Қуйида бу омилларнинг ҳар бирига батафсил тўхтаб ўтамиз.

**1. Меҳнатнинг ихтисослашуви.** Корхона кўламининг ўсиб бориши билан фойдаланилаётган меҳнатнинг ихтисослашув даражасини ошириш имкони кенгайиб боради. Кўшимча равишда ишчиларнинг ёлланиши топшириқнинг улар ўртасида борган сари аниқроқ тақсимланиб боришини англатади. Ишлаб чиқариш жараёнида 5-6 тадан турли операцияларни бажариш ўрнига эндиликда ҳар бир ишчи битта-ягона топшириқни бажариши мумкин бўлади. Бутун иш куни давомида у ўзининг малакасига

кўпроқ мос келадиган вазифани бажариш билан банд бўлади. Кичик корхоналарда малакали ишчилар кўпинча ўз иш вақтларининг деярли ярмини ҳеч қандай малака талаб этмайдиган ишларни бажаришга сарфлайдилар. Бу эса ишлаб чиқариш харажатларининг ошиб кетишига олиб келади. Шунингдек, ишлаб чиқариш миқёсининг ўсиши билан таъминланувчи меҳнат операцияларининг тақсимланиши имконияти ишчилар учун ўз вазифаларини бажаришларида катта тажриба орттиришга замин яратади. 5-6 та топшириқ билан банд қилинган «ўз ишининг устаси» ҳам бу вазифаларнинг ҳар бирини бажаришда у қадар малакали бўла олмайди. Ягона вазифани бажариш имконига эга бўлгач, худди шу ишчи янада унумлироқ ишлай олади. Ва ниҳоят, меҳнат ихтисослашувининг юқори даражаси ишчи томонидан бир топшириқни бажаришдан бошқа бирига ўтишдаги вақт йўқотилиши ҳолатининг олдини олади.

**2. Бошқарув ходимларининг ихтисослашуви.** Ишлаб чиқаришнинг йирик миқёслари шунингдек бошқарув бўйича мутахассислар меҳнатидан яхшироқ фойдаланиш имконини беради. Бирданига 20 нафар ишчини назорат қилишга қодир бўлган раҳбарнинг меҳнати бир неча ишчига эга бўлган кичик корхонада етарли даражада фойдаланилмайди. Бу ҳолатда маъмурий аппаратни таъминлаш харажатларини оширмаган ҳолда корхона ишлаб чиқариш ходимларининг сонини икки баравар кўпайтириш мумкин бўлади. Шу билан бирга, кичик фирмалар бошқарувчи мутахассис меҳнатидан бевосита мақсадга мувофиқ фойдалана олмайдилар. Кичик корхонада сотиш муаммолари бўйича мутахассис ўз вақтини бошқарувнинг турли соҳалари – масалан, маркетинг, меҳнат ресурсларини бошқариш, молиявий бошқариш бўйича тақсимлашга мажбур бўлиши мумкин. Операциялар миқёсининг кенгайиши маркетинг бўйича мутахассис ўзини маҳсулотларни тақсимлаш ва сотиш устидан назорат ўрнатишга тўлиқ бағишлаши мумкинлигидан дарак бериб, бошқарувнинг бошқа функцияларини бажариш учун қўшимча равишда тегишли мутахассислар жалб этилади. Пировардида бу ҳолат самарадорликнинг ошиши ҳамда

маҳсулот бирлигига бўлган ишлаб чиқариш харажатларининг пасайишига олиб келади.

**3. Капиталдан самарали фойдаланиш.** Кўп ҳолларда кичик фирмалар ишлаб чиқариш жиҳозларидан технологик нуқтаи назардан нисбатан самарали фойдаланишга қодир бўлмайдилар. Маҳсулотларнинг кўплаб турларини ишлаб чиқариш учун машиналарни фақат жуда йирик ва қиммат турувчи комплектларда сотиб олиш мумкин. Бунинг устига, мазкур машина жиҳозларидан самарали фойдаланиш ишлаб чиқаришнинг катта ҳажмларини тақозо этади. Демак, яхши жиҳозларни сотиб олиш ва самарали фойдаланишга фақат йирик ишлаб чиқарувчиларгина эришишлари мумкин.

Мисол учун, автомобилсозликда ишлаб чиқаришнинг нисбатан самарали усуллари йиғиш линияси учун робот техникаси ҳамда мураккаб жиҳозларнинг қўлланишини тақозо этади. Мазкур жиҳозларнинг самарали ишлатилиши учун, баъзи бир ҳисоб-китобларга кўра, йилига 200 мингдан то 400 мингга қадар автомобиль ишлаб чиқариш ҳажмига эришиш лозим бўлади. Фақат йирик ишлаб чиқарувчиларгина бундай жиҳозларни сотиб олишлари ва самарали фойдаланишлари мумкин. Майда ишлаб чиқарувчилар икки ўтнинг орасида бўладилар. Автомобилларни бошқа жиҳозлар ёрдамида ишлаб чиқариш самарасиз ва маҳсулот бирлигига нисбатан кўпроқ харажатлар қилинишига олиб келади. Бироқ, нисбатан самарали жиҳозни сотиб олиб, ундан ишлаб чиқаришнинг кичик ҳажми туфайли тўлиқ фойдаланмаслик ҳам самарасиз ва қимматга тушувчи йўл ҳисобланади.

**4. Қўшимча турдаги маҳсулотларнинг ишлаб чиқарилиши.** Йирик миқёсдаги ишлаб чиқаришнинг ташкилотчиси қўшимча маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун кичик фирмага қараганда кенгроқ имкониятга эга бўлади. Гўштни қадоклаш бўйича йирик фабрика ишлаб чиқариш чиқиндисидан елим, ўғитлар, доривор маҳсулотлар ва бошқа шу каби қўшимча маҳсулотларни тайёрлайдики, кичик фирма бу чиқиндиларни зарур бўлмаганлиги учун шунчаки ташлаб юбориши мумкин эди.

Ишчи ва бошқарувчилар меҳнатини ихтисослаштириш даражасини ошириш, нисбатан самарали асбоб-ускуналардан фойдаланиш имконияти, чиқиндилардан самарали фойдаланиш каби барча технологик омиллар ўз ишлаб чиқариш миқёсини кенгайтиришга лаёқатли бўлган тадбиркор томонидан маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш харажатларининг пасайтирилишига таъсир кўрсатади. Бошқача айтганда, ишлаб чиқаришга жалб этилган барча ресурслар миқдорининг 10%га оширилиши ишлаб чиқариш ҳажмининг нисбатан кўпроқ, масалан 20%га ошишига олиб келади, натижада ўртача умумий харажатлар пасаяди.

Корхоналарнинг фаолиятига баҳо беришда сотилган маҳсулотларнинг ҳажми, уларга қилинган сарф-харажатлар ва фойда тушунчаларидан кенг фойдаланилади. Корхоналарда товар ва хизматларни сотишдан олинган маблағлар уларнинг **пул тушумлари** ёки **пул даромадлари** дейилади. Корхона, пул даромадларидан сарфланган барча харажатлар чиқариб ташлангандан кейин қолган қисми **фойда** деб юритилади. Айрим адабиётларда бу иқтисодий фойда деб ҳам юритилади.

Фойданинг таркиб топиши икки босқичдан ўтади:

-биринчи босқичда фойда ишлаб чиқариш жараёнида янги қийматнинг яратилиш чоғида вужудга келади. Янгидан яратилган қиймат таркибидаги кўшимча қиймат фойданинг асосий манбаи ҳисобланади, бироқ у ҳали аниқ фойда шаклида намоён бўлмайди;

-иккинчи босқичда ишлаб чиқариш жараёнида яратилган фойда товарларни сотилгандан сўнг олинган пул даромади билан харажатларнинг фарқи кўринишида тўлиқ намоён бўлади.


Одатда ишлаб чиқариш соҳасидаги йирик корхоналар товарларни катта ҳажмда ишлаб чиқариб, уларни савдо воситачиларига улгуржи нархларда сотадилар. Шунга кўра, улар товарнинг улгуржи нархи унинг таннархидан юқори бўлган тақдирда фойда оладилар. Демак, **ишлаб чиқарувчи фойдаси** ( $\Phi_{ич}$ ) – бу маҳсулот таннархи (Т) ва улгуржи нархи ( $H_y$ ) ўртасидаги фарқдан иборат:

$$\Phi_{ич} = H_y - T . \quad (2.8)$$

Бундан кўринадики, маҳсулот бирлигидан олинадиган фойда иккита асосий омилга боғлиқ бўлади:

- маҳсулот таннархи даражаси;
- улгуржи нархлар даражаси.

Бухгалтерия фойдаси сотилган маҳсулот учун тушган умумий пул суммасидан ишлаб чиқаришнинг ташқи харажатлари чиқариб ташлаш йўли билан аниқланади. Шу сабабли бухгалтерия фойдаси иқтисодий фойдадан ички харажатлар миқдорига кўпроқдир. Бунда ички харажатлар ҳар доим ўз ичига нормал фойдани ҳам олади. Корхона умумий пул тушуми таркибидаги умумий ва бухгалтерия харажатлари ҳамда фойдасининг фарқланишини қуйидаги тасвир орқали яққолроқ тасаввур этиш мумкин (6-чизма).



**2.9-расм. Корхона умумий пул тушуми таркибидаги иқтисодий ва бухгалтерия фойдасининг фарқланиши.**

Корхона фойдасининг мутлоқ миқдори унинг массасини ташкил қилади. Фойда массасининг ишлаб чиқариш харажатларига нисбати ва унинг фоизда ифодаланиши **фойда нормаси** дейилади.

Амалиётда фойда нормасини ҳисоблашнинг икки вариантдан фойдаланилади. Булар фойданинг жорий сарфларга - корхона харажатларига ёки авансланган маблағларга (асосий ва айланма капитал) нисбатидир.

Булар қуйидагича аниқланади:

$$P' = (P/W) \times 100\% , \quad (2.9)$$

бу ерда:  $P'$  – фойда нормаси;  $P$  – фойда массаси;  $W$  – ишлаб чиқариш харажатлари;

$$P' = (P/K_{аванс}) \times 100\% \quad (2.10)$$

бу ерда:  $P'$  – фойда нормаси;  $P$  – фойда массаси;  $K_{аванс}$  (асосий капитал+айланма капитал) – корхона авансланган маблағлари ёки асосий ва айланма капиталнинг ўртача йиллик қиймати.

Фойда нормаси ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажмига тўғри мутаносиб ҳамда ишлаб чиқариш харажатлари ёки авансланган маблағлар қийматига тесқари мутаносибдир. Шу туфайли фойда нормаси корхона иш самарадорлигининг интеграл кўрсаткичи ҳисобланади.

## 2.6-жадвал.

### “12-Қурилиш трести” АЖ нинг иқтисодий салоҳияти самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлили.

| №                             | Кўрсаткичлар   | 2009     | 2010     | 2011     | 2012   | 2013  | 2014   |
|-------------------------------|--|----------|----------|----------|--------|-------|--------|
| <b>1. Ҳажм кўрсаткичлари</b>  |  |          |          |          |        |       |        |
| 1                             | Соф фойда  | 319364   | 82426    | 34598    | 128484 | 87445 | 67367  |
| 2                             | Сотувлар ялпи ҳажми (мингсўм)                        | 2525936  | 2662411  | 2604664  | 114651 | 67367 | 109220 |
| 3                             | Маҳсулот сотиш (мингсўм)                             | 11505436 | 12746583 | 11964884 | 13833  | 20077 | 24276  |
| 4                             | Иқтисодий салоҳиятнинг ўртача қиймати                | 6043332  | 4842785  | 3137928  | 1725   | 9520  | 9148   |
| <b>2. Нисбий кўрсаткичлар</b> |  |          |          |          |        |       |        |
| 5                             | Иқтисодий салоҳият рентабеллиги %, (1к/4к)*100       | 5,2      | 1,7      | 1,1      | 0,74   | 0,9   | 0,7    |
| 6                             | Иқтисодий салоҳиятнинг даромадлилиги, тийин, (2к/4к) | 0,4      | 0,5      | 0,8      | 0,06   | 0,007 | 0,01   |

|   |   |      |      |      |       |       |       |
|---|---|------|------|------|-------|-------|-------|
| 7 | Иқтисодий салоҳият<br>натижавийлиги,<br>тийин, (3к/4к)  | 1,9  | 2,6  | 3,8  | 0,008 | 0,002 | 0,002 |
| 8 | Иқтисодий салоҳият<br>самарадорлигининг<br>комплекс<br>кўрсаткичлари,<br>((5кx10)+(6кx5) +<br>(7кx1)) | 55,9 | 22,1 | 18,8 | 74,8  | 9,2   | 7,4   |

Ушбужадвалда “12-Қурилиш трести” нинг иқтисодий салоҳияти самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичларидан Соф фойда 2009 йилда 319364 сўмни ташкил қилган, 2012 йилда 128484 сўмни ташкил қилган, 2013 йилда 87445 сўмни ташкил қилган, 2014 йилда 67367 сўмни ташкил қилган. Сотувлар ялпихажми 2009 йилда 2525936 минг сўмни ташкил қилган, 2012 йилда 128484 минг сўмни тақи қилган, 2013 йида 87445 минг сумни тақи қилган, 2014 йида 109220 тақи этди. Иқтисодий салоҳиятнинг ўртача қиймати 2009 йида 6043332 минг сўмни, 2012 йида 1725 минг сўмни, 2013 йида 9520 минг сўмни, 2014 йида 9148 минг сўмни ташкил этди.

Корхона фаолият натижавийлигига баҳо беришнинг асосий кўрсаткичларидан бири рентабелликкўрсаткичи ҳисобланади.

**Рентабеллик** - корхона фойдалиқ даражасини характерлайди. Одатда унинг бир неча турлари ҳисобкитоб қилинади. Бу бевосита мулкнинг шакли бўйича даромадларнинг юзага чиқиш ўрни ёки базаси бўйича, фойданинг ўзгаришига таъсир этувчи бирликлар бўйича ёки мустақил бирликлар бўйича аниқланиши мумкин

## 2.7- жадвал.


**“12-Қурилиш трести” АЖнинг рентабеллик коэффициентлари таҳлили**

| № | Кўрсаткичлар       | 2009 | 2010 | 2011 | 2012 | 2013 | 2014 |
|---|--------------------|------|------|------|------|------|------|
| 1 | 2                  | 3    | 4    | 5    | 6    | 7    | 8    |
| 1 | Сотиш рентабеллиги | 81,8 | 76,2 | 82,7 | 76,2 | 56,1 | 68,9 |

|    |   |               |               |               |               |               |               |
|----|---|---------------|---------------|---------------|---------------|---------------|---------------|
| 2  | Сотувларнинг фойдалилиги:<br>-ялпифойда ҳисобидан<br>-соф фойда ҳисобидан     | 18,2<br>5,9   | 23,8<br>9,1   | 17,3<br>5,5   | 17,4<br>4,9   | 13,2<br>2,7   | 16,6<br>4,7   |
| 3  | Асосий фаолиятнинг рентабеллиги   | 122,2         | 131,3         | 120,9         | 118,2         | 98,2          | 116,2         |
| 4  | Активларнинг рентабеллиги   | 6,2           | 2,1           | 3,4           | 6,1           | 2,4           | 5,6           |
| 5  | Хусусий сармоя рентабеллиги   | 25,1          | 14,2          | 20,8          | 24,5          | 13,4          | 22,3          |
| 6  | Асосий сармоя рентабеллиги  | 22,8          | 11,4          | 18,9          | 20,1          | 13,7          | 18,4          |
| 7  | Доимий сармоя рентабеллиги  | 20,7          | 10,8          | 13,9          | 19,4          | 8,3           | 17,4          |
| 8  | Айланма сармоя рентабеллиги   | 8,5           | 2,7           | 3,9           | 8,1           | 1,2           | 7,6           |
| 9  | Заём сармоясини рентабеллиги  | 8,2           | 2,5           | 3,3           | 7,1           | 2             | 6,2           |
| 10 | Солиқ бўлаги  | 74,9          | 76,1          | 75,7          | 71,2          | 36,2          | 72,2          |
| 11 | Реал асосий сармоя рентабеллиги:<br>-соф фойдабўйича;<br>-соф сотувлар бўйича | 35,7<br>607,4 | 17,3<br>190,2 | 26,8<br>489,7 | 30,2<br>594,3 | 15,9<br>452,1 | 33,2<br>601,1 |
| 12 | Инвесторланган сармояс<br>амарадорлиги  | 27,7          | 14,1          | 18,4          | 26,2          | 13,2          | 27,1          |

Ушбу жадвалда “12-Қурилиш трести” рентабеллик коэффициенти таҳлил қилинган. Сотиш рентабеллиги 2009 йилда 81.8 коэффициентни, 2012 йилда 76.2 коэффициентни, 2013 йилда эса 56.1 коэффициентни, 2014 йилда 68.9 коэффициентни ташкил этди. Сотувларнинг фойдалилиги: ялпи фойда ҳисобидан 2009 йилда 18.2 коэффициентни, 2012 йилда 17.4 коэффициентни, 2013 йилда эса 13.2 коэффициентни, 2014 йилда 16.6 коэффициентни, соф фойда ҳисобидан 2009 йилда 5.9 коэффициентни, 2012 йилда 9.1 коэффициентни, 2013 йилда 2.7 коэффициентни, 2014 йилда 4.7 коэффициентни ташкил қилган. Асосий фаолиятнинг рентабеллиги 2009 йилда 122.2 коэффициентни, 2012 йилда 118.2 коэффициентни, 2013 йилда 98.2 коэффициентни, 2014 йилда 116.2 коэффициентни ташкил этди. Хусусий сармоя рентабеллиги 2009 йилда 25.1 коэффициентни, 2012 йилда 24.5 коэффициентни, 2013 йилда эса 13.4 коэффициентни, 2014 йилда 22.3 коэффициентни ташкил этди. Доимий сармоя рентабеллиги 2009 йилда 20.7

коэффициентни, 2012 йилда 19.4 коэффициентни, 2013 йилда эса 8.3 коэффициентни, 2014 йилда 17.4 коэффициентни ташкил этди.



**2.9-расм. “12-Қурилиш трести” АЖнинг рентабеллик коэффициенти таҳлили диаграммаси.**

**2.8-жадвал. “12-Қурилиш трести” АЖнинг ишлаб чиқариш рентабеллиги даражаси таҳлили**

| № | Кўрсаткичлар  | 2009     | 2010     | 2011     | 2012      | 2013     | 2014      |
|---|---|----------|----------|----------|-----------|----------|-----------|
| 1 | 2   | 3        | 4        | 5        | 6         | 7        | 8         |
| 1 | Сотувлар лпихажми (мингсўм)                           | 2525936  | 2662411  | 2604664  | 128484531 | 87445268 | 133457182 |
| 2 | Маҳсулот сотиш (мингсўм)                              | 11505436 | 12746583 | 11964884 | 13833493  | 20077297 | 24276749  |
| 3 | Моддий айланма маблағларнинг ўртача қиймати (мингсўм) | 585115   | 799879   | 1313982  | 23817776  | 16522203 | 44961500  |
| 4 | Ишлабчиқариш фондларининг ўртача қиймати (мингсўм)    | 5458217  | 4042906  | 1823946  | 2313954   | 9682246  | 9112679   |
| 6 | Маҳсулотнинг фонд сифими коэффициенти, тийин          | 5,1      | 6,2      | 10,9     | 5,5       | 0,9      | 14,6      |
| 7 | Айланма маблағларни мустақамлаш коэффициенти, тийин   | 47,4     | 31,7     | 15,2     | 53,9      | 52,9,    | 29,6      |
| 8 | Сотилган маҳсулотнинг бир сўмига фойда, тийин         | 21,9     | 20,9     | 21,7     | 9,2       | 4,3      | 5,4       |
| 9 | Корхонанинг рентабиллик даражаси, %                   | 41,8     | 54,9     | 83,0     | 37,3      | 26,2     | 25,3      |

Ушбу жадвалда “12-Қурилиш трести” АЖнинг ишлаб чиқариш рентабеллиги даражаси таҳлил қилинган. Сотувлар ялпи ҳажми 2009 йилда 2525936 мингсўмни, 2012 йилда 128484531 мингсўмни, 2013 йилдаэса 87445268 мингсўмни, 2014 йилда 133457182 минг сўмни ташкил этган. Маҳсулот сотиш 2009 йилда 11505436 минг сўмни, 2012 йилда 138334493 минг сўмни, 2013 йилда эса 20077297 минг сўмни, 2014 йилда 24276749 минг сўмни ташкил этган. Моддий айланма маблағларнинг ўртача қиймати 2009 йилда 185115 минг сўмни, 2012 йилда 23817776 минг сўмни, 2013 йилдаэса 16522203 минг сўмни, 2014 йилда 44961500 минг сўмни ташкил этган. Ишлаб чиқариш фондларининг ўртача қиймати 2009 йилда 5458217 минг сўмни, 2012 йилда 2313954 мингсўмни, 2013 йилдаэса 9682246 мингсўмни, 2014 йилда 9112679 минг сўмни ташкил этган.

## **III БОБ. ҚУРИЛИШ КОРХОНАЛАРИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ.**

### **3.1. Қурилиш корхоналарида ишлаб чиқариш харажатларини бошқаришни такомиллаштириш**

Маҳсулот ишлаб чиқариш учун маълум миқдорда харажатлар талаб қилинади. Харажатларнинг пулда ифодаланиши маҳсулот таннархини ташкил этади. Маҳсулот таннархи қурилиш корхоналарида иш самарадорлигини белгиловчи асосий кўрсаткич ҳисобланади. У харажатлардан фойдаланишнинг самарадорлик даражасини, меҳнат унумдорлигини, ишчиларга тўланадиган меҳнат ҳақини, асосий фондлардан, хом ашё материалларидан фойдаланишни кўзда тутаяди. Қурилиш корхоналари хўжалик ҳисобида ишлаш жараёнида маҳсулот таннархининг пасайиши муҳим аҳамиятга эга.

Маҳсулот таннархини таҳлил қилишда ҳисобот давридаги маҳсулот таннархи режадаги ҳамда ўтган йилги таннархи билан таққосланади.

Иқтисодиётни эркинлаштириш ва замонавий саноат ишлаб чиқариш шароитида бошқарув омили, бошқарув маданияти, бошқарув фалсафасининг аҳамияти ошиб кетди.

Бугунги куннинг рақобатчилик курашида корхоналар мавқеини кучайтириш бошқарув сифатига боғлиқ бўлиб қолди. Инновация ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг асосий омилларидан бири бошқарув усулларином такомиллаштиришда деб қараш керак.

Янги маҳсулотни яратиш ҳали инновация дегани эмас. Ташкилот янги маҳсулот яратар экан, биринчи навбатда ишлаб чиқариш харажатлари таркиби ўзгаришига эътибор бериши лозим. Бу таркибга биринчи навбатда иш ҳақи харажатлари киради (масалан, АҚШ саноатида ишлаётган ишчилар ойлик иш ҳақи маҳсулот қийматининг 2–10 фоизни ташкил этади). Ишлаб чиқариш харажатларининг асосий қисмини моддий-энергетика,

ускуналарни эксплуатация қилиш ва қўшимча харажатлар (маҳсулотларни транспортировка қилиш, сақлаш ва бошқалар) ташкил этади.

Инновация ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда ускуналарни ўрнатиш вақтини қисқартириш, ишлаб чиқаришга янги маҳсулот ёки технологияни киритиш, ички ишлаб чиқариш харажатларини бартараф қилиш, материаллар, хомашё, энергия харажатлари, шу жумладан, брак кўринишдаги харажатларни камайтириш ҳам катта аҳамиятга эга. Сир эмас, корхона менежерлари ўз бошқарув фаолиятида ишлаб чиқариш маданияти, бошқарув усуллари, ташкилотчилик фалсафаси, фирманинг бирдамлик руҳи каби кадриятларга кам эътибор беришади. Юқори самарадорликка эга бўлган ишлаб чиқариш компаниялари биринчи кўринишдан аҳамиятсиздек. Сезиб, ўлчаб бўлмайдиган, кўзга кўринмайдиган бу омиллар охир-оқибат инновация фаолиятининг аниқ кўрсаткичларига айланишини яхши биладилар. Умумий мақсад кишиларни бирлаштиради, уларнинг ҳаракатларига маъно ва хоҳиш киритади, юқорида санаб ўтилган кадриятларга асосланган ва уларни инобатга олган менежерлар мукамал бошқарув қарорларини қабул қилиш имконига эга бўладилар.

Замонавий саноат ишлаб чиқаришнинг хусусиятлари нимадан иборат, менежерларни янгича фикрлаши қайси йўналишларга қаратилиши керак?

Бу – ишлаб чиқаришнинг барча туридаги харажатларга қарши кураш, ишлаб чиқаришни ташкил этиш усуллари ва шакллари яхшилаш, ишлаб чиқариш унумдорлигини, мослашувчанлиги ва тезкорлигини, маҳсулот сифатини, истеъмолчиларга хизмат кўрсатиш даражасини ошириш йўллари доимий излаш демакдир.

Бу – тараққиётнинг технологик ривожланишларга, ишлаб чиқариш маъмуриятини кенг масштабда янгилашга қўйиладиган инвестицияларга эмас, балки шов-шувли рекламага мўлжалланмаган, биринчи кўринишида аҳамиятсиз кўринган, лекин корхонанинг инновация имкониятини оширишга хизмат қиладиган доимий, ҳар кунлик кичик бўлса-да, яхшиланишларга асосланади.

Шу билан бирга бу ерда сифат ёки харажатларни пасайтириш, истеъмолчиларга хизмат кўрсатиш даражаси ёки ишлаб чиқаришнинг мослашувчанлиги каби кўрсаткичлар бир-бири билан зиддиятга учрамаслиги керак.

Ишлаб чиқариш ва бошқариш самарадорлиги кўрсаткичлари бир вақтнинг ўзида яхшиланиши мақсадга мувофиқ.

Бунинг учун харажатларни камайтириш манбаларини доимий излаш ва топиш даркор. Шунда маҳсулот сифатини яхшилаш билан бирга ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш мумкинлиги аён бўлади, масалан, бунга материаллар ва энергияни тежаш, таъмирлашга кетадиган харажатлар, тугалланмаган ишлаб чиқаришни қисқартириш ва бошқалар ҳисобига эришиш мумкин. Шунга ҳам эътибор бериш керакки, корхонада ёки улгуржи савдо фирмасида маҳсулот захираси мавжудлиги ишлаб чиқаришнинг ёмон бошқарилишидан далолат беради, яъни, ёки маҳсулот сифати паст, ёки таъминлаш ва реализация ёмон ташкил этилган, маҳсулотда муҳандислик нуқтаи назаридан камчиликлар мавжуд бўлиши мумкин.

Бошқарув фаолиятига, муаммоларни аниқлаш ва қарор қабул қилиш жараёнига барча даражадаги ишчи ва хизматчиларни жалб этиш муҳим аҳамият касб этади. Бу нарса ишлаб чиқаришни доимий такомиллаштириш, харажатларни камайтириш йўллари излаш, маҳсулот қийматининг аксарият қисмини ташкил этувчи маблағлар қайтувчанлигини ошириш билан боғлиқ.

Бу нарсани амалга ошириш қийин, у маълум ишчи вақти ва маблағлар харажатини талаб қилади. Кўп ҳолларда бевосита ишлаб чиқаришда банд бўлган ишчилар бошқарув қарорларини қабул қилишда иштирок этолмайдилар ва иштирок этишга мойилликлари йўқ бўлади, яъни улар хатар ва жавобгарликни бўйинларига олишни хоҳламайдилар. Янгиликка интилувчан рационализатор учун табиий ҳисобланган инновация жараёнлари бошқа ишчиларга, айниқса катта ёшдагиларга тушунарсиз,

кераксиз ва қизиқарсиз туюлади. Бу бундай ишчилар бошқарувга жалб қилинмасин дегани эмас. Албатта жалб қилиш керак, фақат бу ҳолатда менежерлар кўшимча ҳаракат ва харажат қилишни тушунишлари даркор.

Бунда асосан инсон капиталига, ишчиларни ўқитиш ва малакасини оширишга, унинг фикрлаш доирасини мутахассис даражасигача кўтариш учун биринчи навбатда ақлий меҳнатни ривожлантиришга инвестиция сарфлаш лозим.

Менежерлар инновация жараёнидаги, хусусан ишлаб чиқаришни назорат қилиш бўйича ўзларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ишчи-хизматчилар билан бўлиши керак. Бу эса ишчиларда қарор қабул қилиш ва ишлаб чиқариш муаммоларини ечишга қизиқишни орттиради. Ишлаб чиқариш ва бошқарув жараёнига ишчиларни жалб этиш етук Япония саноат фирмаларининг асосий тамойилидир.

Сир эмас, Япония фирмалари туфайли бугунги кунда хўжалик ҳаётининг муҳим индикаторларидан бири ишчи ва хизматчиларнинг рационализаторлик фаолияти кўрсаткичи бўлиб қолди.

1984 йилда АҚШда саноат корхоналари битта ишчига ўртача битта рационализаторлик таклифига эга бўлган. Ўшанда «Toyota» корхоналарида битта ишчига 35 та рационализаторлик таклифи тўғри келган бўлиб, уларнинг 95 фоиз амалиётга татбиқ қилинган эди. Айнан шунинг учун бугунги кунга келиб «Toyota» ўз соҳасида жаҳон миқёсида мода ва стандартлар ўрнатувчиси бўлиб қолди. Бошқа корхоналарнинг муваффақиятсизликлари эса асосан бошқарувда янгича фикрлаш ва ташкилий маданият йўқлиги билан боғлиқ.

Янгича фикрлашнинг яна бир элементи шуки, бунда инновацияни ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш қоидаларига сўзсиз амал қилиниши, яъни ҳамма нарса бошиданок қандай тўғри режалаштирилган бўлса, ўшандай қилиниши керак. Ишлаб чиқаришга янги маҳсулот ёки технологияни киритаётганда, носозликлардан огоҳ бўлиш даркор. Ўзи янги, лекин

сифатсиз маҳсулотга кетадиган харажатларнинг 20-40%и иш бошида бирор нарса тўғри ташкил қилинмаганлиги билан боғлиқ бўлади.

Бошқарувда янгича фикрлаш ишлаб чиқариш жараёнининг барча босқичларида «сифатни ялпи назорат қилиш»дан фойдаланишни кўзда тутати. Сифат бу, энг аввало, ишлаб чиқарувчи томонидан истеъмолчининг аниқ товарга бўлган талабини қондириш имкониятидир.

Қабул қилинган стандартлар истеъмолчилар эҳтиёжларига мос тушиши ёки мос тушмаслиги мумкин. Бундан ташқари, истеъмолчи инструкциялар ёки меъёрий ҳужжатлар тили билан ўз фикрини ифодалашни қийин бўлади.

Сифатни ялпи назорат қилувчилар сирасига нафақат якуний маҳсулотни сотиб олувчи истеъмолчи, балки технологик давр ёки ишлаб чиқариш жараёнининг ҳар бир иштирокчиси ҳам киради. Бу бошқа цех ишчиси бўлиши ҳам мумкин, лекин бу нарса муҳим эмас, муҳими ишлаб чиқарувчи учун истеъмолчи – энг катта обрў, унинг сўзи эса – қонун.

Маркетинг, таъминот, реализация, муҳандислик бўлимлари ходимлари компания ичида ва ташқарисида истеъмолчиларга хизмат кўрсатаётгандек тасаввур қилиб, меҳнат фаолиятини олиб боришса, юқори сифатга эга бўлади.

Фикримизча, инновация фаолияти сифатининг икки тури мавжуд:

- яратиш сифати;
- ижро сифати, яъни маҳсулотни тайёрлаш сифати.

Ишлаб чиқаришни ташкил этишга бўлган анъанавий ёндашув доирасида компаниялар сифатнинг бу икки турини янгилик яратилишидан бошлаб, то ишлаб чиқариш жараёнининг ҳар бир босқичида назорат қилиш орқали таъминлайдилар. Бундай ёндашув истеъмолчига сифатли маҳсулотни бериши мумкин, лекин унинг ёрдамида бозор талабларига мос равишда маҳсулот сифатини яхшилаш мумкин эмас. Бундан ташқари, яроқсиз маҳсулотлар якуний маҳсулотлар қаторига тушиб қолиш эҳтимоли йўқ эмас. Японияда эҳтимолликларни тўғри тақсимлаш назариясига асосланган сифатни статистик назорат қилиш усули мавжуд. Унинг мазмуни шундаки,

агар якуний маҳсулотнинг яроқсизлик кўрсаткичи 0,001 ни ташкил этса, бутун бир партия бракка чиқарилади. Айнан бу рақам назорат қилинмайдиган брак даражасини кўрсатади.

АҚШнинг етук корхоналарида брак бўйича кенг миқёсда инспекторлар штатига эга бўлиб, йирик суммаларни сарфлаб, ҳар бир технологик операциядан сўнг 1–2 фоизли брак даражасига эришган бир пайтда, Япония фирмалари статистик назорат асосида технологик давр якуни бўйича 0,001 фоиз ли брак даражасига эришади.

Шундай қилиб, иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида корхоналарда инновация фаолиятини олиб бориш кенг камровли бўлиб, ташкилот ходимлари йирик технологик ўзгаришларни кутмасдан, уни ташқаридан кимдир олиб келади деб фикрламасдан, кундалик фаолиятларида рационализаторлик, яратувчанлик фаолияти билан шуғулланишлари ҳамда сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга ҳаракат қилишлари керак. Бунинг учун эса корхона менежерлари ташкилотда инновация муҳитини яратиши ва бу муҳит рақобатли даврда яшаб кетишнинг, ташқи муҳит ўзгаришларига кўникишнинг ягона йўли деб ҳисоблашлари керак.

Бошқарувда янгича фикрлаш доирасида ишлаб чиқаришни режалаштиришга, саноат ускуналарини жойлаштиришга, янги иш жойларини яратиш каби муаммоларни таҳлил қилиб чиқамиз.

Менежерлар анъанавий тарзда ускунани ўрнатиш вақтини камайтириш, таъмирлаш каби саволларга унчалик эътибор бермайдилар. Улар меҳнат унумдорлигини, ишлаб чиқариш меъёрлари ва ускуналарнинг технологик имкониятларини оширишга эришиш учун, ишлаб чиқариш участкаларида қайта созлашлар сонини минималлаштиришга интиладилар, чунки янги маҳсулот ишлаб чиқариш учун ускуналарни қайта созлаш корхона ёки бўлим фаолиятини маълум муддатга тўхтатиб қўяди.

Ишчиларни бошқарув тизимида жалб этишни ташкил этишда ускуналарни ячейкали жойлаштириш муҳим шарт ҳисобланади. Бу ҳолда ишлаб чиқаришни назорат қилиш шакллари қисқаради ва оддий ишчи учун

муаммоларни ечишда реал имконият пайдо бўлади. Бу шарт инobatга олинмаса, ишчиларнинг ишлаб чиқариш муаммоларини ечишга жалб қилиш самарадорлиги суст бўлади.

Ишчилар ҳал қилиши мумкин бўлган муаммолардан бириускуналарнинг профилактик таъмирлашини ташкил этишдир. Бу ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг, харажатларни эса камайтиришнинг асосий омилларидан биридир. Профилактик таъмирлашни ўз вақтида ўтказиш нафақат моддий энергетик харажатлар камайиши, балки ишчиларнинг тартибли бўлишига олиб келади. Аслида профилактик таъмирлаш ҳар куни ўтказилиб, ишчи бажараётган операцияларнинг бир қисми бўлиши керак, иш жараёнига бундай ёндашув рационализаторлик фаолияти ривожига кўмаклашади.

Ускуналарни жойлаштиришнинг янги тизими корхона аъзолари бошқа функцияларига ўзгаришлар киритишини ҳам талаб қилади. Масалан, янги маҳсулот яратаётган муҳандислар персонали, саноат фирмаларининг технологик хизматчилари фаолиятини ҳам ҳисобга олишлари даркор. Аслида ишлаб чиқаришнинг максимал эгилувчанлиги ускуналарни жойлаштиришнинг янги усули, ишлаб чиқаришда қўлланиладиган унификацияланган бўлимлар билан ўзаро уйғунлашиши керак. Бу нарсаларни иложи йўқ деб ҳисоблаб, у билан шуғулланмайдиган бошлиқлар хато қиладилар.

Бошқарувда янгича фикрлаш доирасида хомашё, материаллар ва ускуналар билан таъминлашни ташкил этувчи таъминотчиларни танлашга ҳам катта аҳамият берилади. Ишлаб чиқаришни ташкил этишга бўлган анъанавий ёндашув доирасида бошқарувчилар ўз ҳаракатларини хомашё ва материаллар ёки ярим фабрикатларнинг арзон манбаларини излашга йўналтирадилар. Улар субпудратчиларни ўзаро рақобат қилишга ундайдилар.

Самарали саноат ишлаб чиқаришга эга фирмаларнинг бу масала бўйича ёндашувлари анча нозик:

- улар хомашё ёки материалларнинг сифати ёки олиб келиш вақтига зарар етказмаган ҳолда харажатларни пасайтиришга ҳаракат қиладилар;

- улар бир нечта таъминотчилар билан узок муддатли ҳамкорлик ўрнатадилар;

- таъминотчилар учун кафолатланган бозорни, узок муддатли шартномалаштириш тизимига ўхшаш тизимни яратадилар. Унда рақобатчилик стратегик режалаштиришнинг инструментларидан бири ҳисобланади (ресурсларни тақсимлашда энг самарали субпудратчиларга кўпроқ буюртмалар улуши ажратилиши бир вақтнинг ўзида юқори сифатни, етказиб беришларнинг доимийлигини, ишлаб чиқариш эгилувчанлиги ва харажатларнинг кам даражасини таъминлайди).

Аслида бошқарувда янгича фикрлаш доирасида йирик фирмалар хомашё таъминотчилар ва субпудратчилар ўз ишлаб чиқариш бўлимларининг давоми деб ҳисоблайдилар.

Шунинг учун таъминотчилардан ҳам янгича фикрлаш талаб этилади. Бошқарувга янгича ёндашувга эга бўлган саноат фирмалари ўз таъминотчиларидан, керакли мажмуаланган деталлар омборларга тушмасдан, техник назорат ва шу каби бўлимларда тўхтамасдан бевосита ишлаб чиқариш участкалари, йиғиш жойларига ёки кейинги технологик қайта ишлаш жойларига етказилишини талаб этади. Табиийки, таъминотчи ва субпудратчиларни бундай руҳда тарбиялаш учун кўп вақт кетади.

Айрим саноат фирмалари «айни вақтда» тамойилига кўра етказиб беришни ташкил этдик дея таъминотчилардан молларни биринчи сўров бўйича амалга оширишни талаб қилишни бошлайдилар. Аслида эса бундай ёндашув Япония фирмалари томонидан ишлаб чиқилган таъминлаш тизими билан ўхшаш жойи оз. Лекин бу тўғри йўналишдаги биринчи қадам, таъминотчи ва субпудратчининг таъминлаш бўйича тижорат ва ишлаб чиқариш операциялари асосий ишлаб чиқариш жараёнлари билан уйғунлашиши омборлар анча қисқаришига олиб келади. Молларнинг «айни вақтда» тизими бўйича етказиб бериш биринчи сўров ёки бирор-бир

графикка асосан етказиб бериш дегани эмас. Бундай ёндашув субпудратчи омборларида захираларнинг ўсишига олиб келади. Бу ерда чиқиб кетишга тайёр маҳсулот тўплана бошлайди. Умуман, олганда, захиралар камаймайди, балки улар буюртмачи корхоналардан таъминотчи корхоналар омборларига сурилади. Бу эса саноат ишлаб чиқариш самарадорлиги ўсишига кўпхисса кўшмайди.

Шу билан бирга, саноат фирмаларидаги сотиб олиш ва реализация қилиш бўйича агентлар, субпудратчилар молнинг биринчи талаб бўйича етказиб берилиши, демак «айни вақтда» тизими амалиётига киритилди деб ишонадилар. Лекин бу тизимнинг ўзига хос томони шундаки, захиралар миқдори ҳам таъминотчиларда, ҳам буюртмачи корхоналарда камаяди.

Истеъмолчининг сўров ва талаблари аниқ бўлганда, тайёр маҳсулотларда бракни бартараф қилиш ўрнига доимий камчиликлардан воз кечиш, барча технологик ва ишлаб чиқариш операцияларини юқори ишончли даражада амалга ошириш, сифатни ялпи назорат қилиш ва текшириш, пайдо бўлган муаммо манбаини аниқлашга эҳтиёж туғилгандагина амалга ошириш керак бўлган жараёнларнинг ҳаммаси «айни вақтда» тизимининг узлуксиз қисми ҳисобланади.

Сифат билан бошқа муаммоларни ечиш учун ишлаб чиқаришни тўхтатишга тўғри келса «айни вақтда» тизими бошқача ташкилий маданиятни талаб қилади.

Ишлаб чиқаришни тўхтатиш ҳуқуқи бошқарувнинг энг қуйи поғонасидаги ишчиларга масалан конвейердаги йиғувчига берилади,

Ишлаб чиқариш ичида «айни вақтда» тизими хомашё ва материалларни етказиб бериш тизими билан тўлдирилади. Улар ёрдамида битта технологик ёки ишлаб чиқариш операциясидан бошқасига ўтиш вақти қисқартирилади.

Самарали ишлаб чиқаришга эга компаниялар ўз таъминотчиларига технологияни такомиллаштириш ёки ишлаб чиқаришни ташкил этишда ёрдам кўрсатади.

Бошқарувда янгича фикрлашнинг яна бир элементи ҳар куни ишлаб чиқаришда озгина бўлса ҳам янгилик ва такомиллаштириш киритиш қоидасига қаттиқ амал қилишдир.

Бу қоида кенг равишда ҳам ишлаб чиқариш дастурини режалаштириш, ҳам инновация жараёни тактикасига қўлланиши мумкин. Одатда бошлиқлар кўп маҳсулотни 3-4 ойлик эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқаришга интиладилар. Айрим деталлар ишлаб чиқарилгандан сўнг улар корхона омборларида ётиб қолади ва у ердан йиғиш ва қайта ишлашга жўнатилади. Ишлаб чиқаришни бундай ташкил этиш, яъни деталларни омборга бериш ва омборлардаги маҳсулотларни назорат қилиш учун мураккаб автоматлаштирилган тизим даркор.

Бошқарувда янгича фикрлаш мавжуд корхоналарда буюртмачи белгилаган муддатларга асосланиб ҳар куни фақатгина тайёр маҳсулот чиқариш учун керак бўлган нарсалар яратилади. Бунга ишлаб чиқаришни тез қайта созлаш ва ташкиллаш орқали эришиш мумкин. Саноат ишлаб чиқаришини ташкил этишнинг янги усулларида амалда фойдаланишнинг бевосита натижалари жуда самарали. Уларнинг ичида захиралар ва тугалланмаган ишлаб чиқаришни 50-100%, ишлаб чиқариш майдонларига бўлган эҳтиёжни 40-70%, ишлаб чиқариш кучларини 30-50% оширишга бўлган эҳтиёжларни пасайганлиги, ишлаб чиқаришни тайёрлаш вақтини 70-90%, қўшимча харажатларни 30-50% га, ишлаб чиқаришнинг умумий харажатларини 30-50% га, бракни эса – 2 дан 0,001%га камайишларини кўрсатиш мумкин.

Шундай қилиб, ҳозирги вақтда керак бўлган маҳсулотни ишлаб чиқариш ва тайёрлаш учун захираларни хоҳлаган миқдорда яратиш каби ишлаб чиқариш ҳолатига эришиш ишнинг ёмон бошқарилаётганлиги ва ташкил этилганлигидан далолат беради. Захираларнинг мавжудлиги ишлаб чиқаришдаги муаммоларни фақатгина беркитади. Шунинг учун бошқарувда янгича фикрлаш доирасида ишлаб чиқариш дастурларининг турли элементлари ўртасида технологик операцияларнинг балансланганлиги ва

айрим деталларни тайёрлашда мутаносибликка эришишга алоҳида эътибор берилади.

### **3.2. Қурилиш корхоналарда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва таҳлил қилиш йўллари**

Маҳсулот таннархи таҳлилининг вазифалари қуйидагилардан иборат: умумий харажатлар сарфига баҳо бериш, харажатлар элементлари ва моддалари бўйича қандай сарфланганлигини текшириш, бир сўмлик товар маҳсулоти учун қилинган харажатларни таҳлил этиш, унинг ўзгаришига таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлаш, харажатларнинг айрим моддаларини алоҳида-алоҳида таҳлил қилиш, таҳлил натижаларига кўра, маҳсулот таннархини пасайтириш имкониятларини белгилаш.

Таҳлилнинг дастлабки босқичида таққосланадиган ва таққосланмайдиган маҳсулот таннархи таҳлил қилиниши зарур. Таққосланадиган маҳсулот таннархи бир неча йиллар давомида ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархини олдинги йилги маҳсулот таннархи билан солиштириш имкониятини беради. Бундай маҳсулот таннархига таққосланадиган маҳсулот таннархи дейилади. Корхонада илк бор ишлаб чиқарилаётган муайян маҳсулот таннархини ҳеч қандай кўрсаткич билан таққослаб бўлмайди. Бундай маҳсулот таннархига таққосланмайдиган маҳсулот таннархи деб аталади.

Таҳлил жараёнида корхона учун энг муҳим кўрсаткичлардан бири бир сўмлик товар маҳсулоти учун қилинган харажатларни аниқлашдан иборат. Чунки бир сўмлик товар маҳсулоти учун харажатларнинг пасайиши корхона молиявий натижаларига тўғридан - тўғри таъсир кўрсатади. Бир сўмлик товар маҳсулоти учун қилинган харажат маҳсулотнинг тўлиқ таннархини товар маҳсулотига бўлиш йўли билан аниқланади. Бу кўрсаткични таҳлил қилишдан мақсад бир сўмлик товар маҳсулотига қилинган харажатлар ўзгаришига таъсир этувчи омилларни аниқлашдир.

Бир сўмлик товар маҳсулоти учун кетган харажатлар ўзгаришига: режага нисбатан маҳсулот таннархини пасайтириш, маҳсулотлар таркибий тузилишининг ўзгариши, хом ашё материалларига қўйиладиган баҳонинг ўзгариши, сотиладиган маҳсулот турлари ва ассортиментининг ҳамда баҳонинг ўзгариши каби омиллар таъсир кўрсатиши мумкин.

Таҳлил жараёнида маҳсулот таннархининг харажат элементлари, яъни моддий харажатлар, меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари, ижтимоий суғурта ажратмалари, асосий фондлар, номоддий активлар амортизацияси ва бошқа харажатлар ўтган йилги харажат элементлари билан таққосланиб, уларнинг жами харажатлардаги салмоғи ҳамда тежалган ва ортиқча сарфланган қисми аниқланиши зарур.

Ишлаб чиқариш жараёнидаги якуний кўрсаткич бўлган фойданинг жонли ва буюмлашган меҳнатга нисбати ишлаб чиқариш самарадорлигини билдиради. Самарадорликнинг якуний иқтисодий хулосаси қиймат ва натурал кўрсаткичларда ифодаланади.

Ишлаб чиқариш самарадорлиги иқтисодий кўрсаткичлар ёрдамида баҳоланди. Улар умумий ва хусусий кўрсаткичларга бўлинди, хусусий кўрсаткичларга меҳнат унумдорлигига, капитал сифими, моддий харажатлар сифими ва бошқалар киради.

Фойда корхона фаолиятининг иқтисодий ҳолатини англатади. Корхона даромадлигини унинг фаолиятдан келиб чиқиб, яъни, ишлаб чиқариш фондлари, капитал қўйилмалари, инвестиция маблағларидан фойдаланишига ва ишлаб чиқариш даражасини ташкил этишига қараб белгилаш зарур

Корхоналарнинг иқтисодий самарадорлиги соф ва баланслашган фойда шаклларида ифодаланади.

Баланслашган фойдага қўшимча ишлаб чиқаришдан келган фойда ҳам киради. Ишлаб чиқариш корхоналарида баланслашган фойда ялпи ва соф фойдага бўлинади.

Ялпи фойда даромад ва харажатлар ўртасидаги фарқда ифодаланади, ишлаб чиқарилган товарлар ёки кўрсатилган хизматларни истеъмолчиларга сотиш асосида олинади. Демак, ялпи фойданинг ўсиши ишлаб чиқариш харажатлари пасайишига ва ишлаб чиқарилган умумий маҳсулот қиймати кўпайишига ҳамда инфляция даражасига боғлиқ. Буни қуйидаги ифода асосида ҳисоблаш мумкин:

$$\mathbf{Яф - (Уқ - Ух) \times Кинф \quad (3.1)}$$

Бунда:

Яф – ялпи фойда;

Уқ – умумий ишлаб чиқарилган товарлар қиймати;

Ух – умумий харажатлар;

Кинф – инфляция коэффиценти.

Ишлаб чиқариш самарадорлиги олинган фойда (даромад) даражасига боғлиқ. Ишлаб чиқариш жараёни доимий кенгайтирилган тарзда такрорланиб туриши учун ҳар бир корхона етарли даражада даромад(фойда)га эга бўлиши керак.

Фойда – умумий даромаднинг бутун харажатлар қопланиб, солиқлар ва бошқа тўловлар тўланганидан сўнг қолган қисмидир.

Корхоналарнинг фойдаси (даромади)ни қуйидаги формула асосида ҳисоблаш мумкин:

$$\mathbf{Сф = Ям - Ичх - (Фс+Ккс+Акс+Мс) - Бкф \quad (3.2)}$$

Бунда:

Сф – фойда;

Ям– корхонанинг ялпи маҳсулоти;

Ичх – ишлаб чиқариш харажатлари;

Фс – фойда (даромад) солиғи;

Ккс – қўшилган қиймат солиғи;

Акс – акциз солиғи;

Мс – мулк солиғи;

Бкф – банк кредитларига тўланадиган фоизлар.

Эркинлаштирилган бозор иқтисодиётида корхоналар олган фойда (даромад) ўз фаолиятларини ривожлантиришлари ва ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишлари учун ишлатилиши керак, ялпи даромаднинг бир қисми турли солиқлар орқали давлат бюджетини шакллантиришга, бошқа тўловларга сарфланади.

Ишлаб чиқариш самарадорлигини аниқлашда нафақат фойда кўрсаткичидан, балки бошқа иқтисодий кўрсаткичлардан ҳам фойдаланиш, корхонанинг ишлаб чиқариш ҳолатини чуқур иқтисодий таҳлил қилиш, асосий ва айланма фондлар билан таъминланиш даражасини бир-биридан фарқлаш лозим.

Бозор иқтисодиёти шароитида товарлар қиймати, гарчи, бозорларда шаклланаётган талаб ва таклифга боғлиқ бўлса-да, фикримизча, ишлаб чиқариш фондларидан қай даражада фойдаланилаётганини доимий равишда назорат қилиб бориш зарур. Негаки, ишлаб чиқариш фондларидан қанчалик самарали фойдаланилса, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархи шунчалик арзонлашади. Бу, ўз навбатида, истеъмол товарлари арзонлашишига, ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланиш муддатларини қисқартиришга ва уларни қисқа муддатда юқори унумли ишлаб чиқариш фондлари билан алмаштиришга шароит яратади.

Корхоналарнинг иқтисодий самарадорлигини ишлаб чиқариш харажатларига нисбатан ҳам, асосий ишлаб чиқариш фондларига нисбатан ҳам аниқлаш керак. Самарадорлик ишлаб чиқариш жараёни қанчалик фойдали эканлигини билдиради. Уни қуйидаги формулага асосан ҳисоблаш мумкин:

$$\text{Ичс} = \Phi : (\text{Аф} + \text{Аф1}) \quad (3.3)$$

Бунда:

Ичс – ишлаб чиқариш самарадорлиги;

Φ – фойда;

Аф – асосий фонд;

Аф1 – айланма фонд.

Корхоналарнинг самарадорлик даражаси тўртта асосий омилга – фойданинг ўсиши; асосий фондлардан; айланма фондлардан; инвестиция ва интеллектуал харажатлардан фойдаланиш даражасига бевосита боғлиқ.

Ишлаб чиқариш жараёнининг такомиллашиши ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳажми ва фойда кўпайишига олиб келади. Бу корхона ишлаб чиқариш харажатларининг ҳар бир маҳсулот миқдорига нисбатан камайиб, маҳсулот ишлаб чиқариш сифати яхшиланиб, маҳсулотларнинг харид нархлари ўсиб боришига ва асосий, айланма фондлар доиравий ҳаракати тезлашишига боғлиқ.

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажмининг режалаштирилган маҳсулот ҳажмига нисбатан ўсиши корхона фойдаси ўсишига олиб келади. Буни ҳисоблаш учун қуйидаги формуладан фойдаланиш мумкин:

$$\Phi_y = (Ич - Ичх) \times 12/100 \quad (3.4)$$

Бунда:

$\Phi_y$  – фойданинг ўсиши;

Ич – ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми;

Ичх – режалаштирилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш ҳажми.

Корхона фойдасининг ўсишига ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ассортиментининг кўпайиши ҳам таъсир этади. Бундай маҳсулотлар ассортиментларининг юқори самарали турлари кўпайиши эса корхонанинг кўшимча фойдаси кўпайишини таъминлайди.

Янги, самарали маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳисобига корхона фойдасининг ўсишини қуйидаги формула бўйича аниқлаш мумкин:

$$\Phi_y = [ (И_{чх} - M_{хх} - C_{ю} \times M_{рх}) \times (C_{ю} - C_{ур}) ] \times 100 \quad (3.5)$$

Бунда:

$\Phi_y$  – фойда ўсиши;

$И_{чх}$  – режалаштирилган ишлаб чиқариш ҳажми;

$M_{хх}$  – ҳақиқатда ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми;

$M_{рх}$  – режалаштирилган маҳсулот ҳажми;

$C_{ю}$  – юқори самарадорлик;

$C_{ур}$  – ўртача самарадорлик.

Агар корхона ишлаб чиқариш жараёнида таркибий ўзгартиришлар ҳисобига юқори фойдали бир нечта маҳсулот турларини ишлаб чиқарса, ҳар бир янги маҳсулот тури бўйича самарадорлик ўсишини ҳисоблаш орқали умумий самарадорлик ўсишини ҳисоблаш керак. Бунда қуйидаги формуладан фойдаланиш мумкин:

$$\Phi_y = \Phi_{m1} + \Phi_{m2} + \Phi_{m3} \quad (3.6)$$

Бунда:

$\Phi_y$  – фойданинг ўсиши;

$\Phi_{m1}$  – самарали биринчи маҳсулот;

$\Phi_{m2}$  – самарали иккинчи маҳсулот;

$\Phi_{m3}$  – самарали учинчи маҳсулот.

Фойданинг ўсишига таъсир этувчи омиллардан яна бири маҳсулот қийматини пасайтириш ҳисобланади. Маҳсулот қийматини пасайтиришга ишлаб чиқариш таннархини таҳлил қилиш асосида эришиш мумкин. Бу ўринда таъкидлаш керакки, ишлаб чиқариш жараёнида айрим маҳсулотлар кўпроқ хом ашёни, айримлари эса меҳнатдан кўп фойдаланишни талаб этади. Хом ашёни кўп талаб этадиган товарлар ишлаб чиқаришда хом ашё тежамкорлиги, кўп меҳнат талаб қилувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришда меҳнат унумдорлигини ўстириш ҳисобига фойда олишни кўпайтириш мумкин.

Фойда ўсишига тежамкорлик ёки меҳнат унумдорлигини ошириш орқали ҳам эришиш мумкин. Бу қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$\Phi_c = [ (I_c - T_m) \times I_{чх} ] / (I_c - T_p) \quad (3.7)$$

Бу ерда:

$\Phi_c$  – таннархни тушириш ҳисобига олинган фойда;

$I_c$  – ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми;

$T_m$  – маҳсулот таннархи;

$I_{чх}$  – ишлаб чиқариш ҳажми;

$T_p$  – режалаштирилган маҳсулот таннархи.

Юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш, албатта, моддий, меҳнат ва пул харажатларининг ўсиши билан боғлиқ. Лекин сифатли ишлаб чиқарилган маҳсулот юқори нархларда сотилиши натижасида ҳам фойда олишни ўстириш мумкин. Бу ҳолатда фойданинг ўсиши қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$\Phi_y = [ I_{чх} \times A_{ям} ( P_d + \Delta P_d - U_c ) ] \times 100 \quad (3.8)$$

Бунда:

$\Phi_y$  – фойданинг ўсиши;

$I_{чх}$  – ишлаб чиқариш ҳажми;

$A_{ям}$  – яхшиланган маҳсулот миқдори;

$P_d$  – яхшиланган маҳсулот самарадорлиги;

$\Delta P_d$  – яхшиланган маҳсулот самарадорлигининг ўсиши;

$U_c$  – ўртача фойда меъёри.

Самарадорлик кўрсаткичи инвестициядан фойдаланиш даражасини ҳам кўрсатади. Бунда самарадорлик асосий капиталдан фойдаланиш даражасига боғлиқ. Ишлаб чиқариш жараёнида асосий инвестициялардан қанчалик тез ва унумли фойдаланилса, самарадорлик шунчалик юқори бўлади.

Шуни таъкидлаш жоизки, олинадиган фойда ёки даромад ҳисобланган фойда ёки даромад бўлиб, у икки маънога эга:

1. Фойда ёки даромад ҳали олингани йўқ, у фақат лойиҳада келтирилган, аммо уни олиш режалаштирилган.

2. У дисконт операциялари билан боғлиқ бўлиб, вақт даври билан узоқлашиб боради. Кутилаётган фойда ёки даромадга эга бўлиш маълум даврни талаб этади.

Шунинг учун дисконтланган фойда (даромад) ҳам тасодифий катталиқ ҳисобланади. Дисконтлаш ва фоизларни белгилаш фоиз ставкаларидан фойдаланиш даражасига боғлиқ. Иқтисодий таҳлилларда, одатда, дисконтлашнинг фоиз даражаларини инвестиция маблағлари ҳисобига олинган фойда ёки даромад, деб ҳисоблайдилар.

Молиявий таҳлилда, одатда, дисконт фоизлари оддий фоиз даражаларини олади. Ишлаб чиқариш корхоналари инвестиция маблағларини шунга қараб олишлари мумкин. Агарда банк кредити 50 фоизга тенг бўлса, дисконт фоизлари ҳам 50 фоизга тенг бўлиши керак.

Эркинлаштирилган бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан корхонанинг олинadиган фойдаси (даромади) инвестиция жараёнини белгилайди.

Инвестиция жараёни инвестиция лойиҳалари билан боғлиқ бўлиб, бу лойиҳаларни таҳлил қилишда улардан келадиган фойда (даромад) билан харажатни солиштириш зарур. Бу эса бир неча йилни талаб этади.

Маълумки, фойда (даромад) муайян харажатлардан сўнг олинishi мумкин. Шу боис ҳозирги даврда инвестиция лойиҳаси самарадорлигини аниқлаш учун иқтисодиёт ва молиялаштиришда бир хил пул ўлчагичдан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бундай техникавий қўллашга дисконтлаштириш дейилади. Чунки узок муддатга режалаштирилган инвестиция лойиҳаси бўйича йиллар давомида олинган фойда (даромад)га қўшиб, фойдани, даромадни умумлаштириш услубий жиҳатдан нотўғри. Шу сабабли инвестиция лойиҳаларидан келадиган фойда (даромад)ни ҳисоблаш лозим. Бунда қуйидаги формуладан фойдаланиш мумкин:

$$\Phi_{яр} = \frac{\Phi_1}{1+i} + \frac{\Phi_2}{(1+i)^2} + \dots + \frac{\Phi_n}{(1+i)^n} \quad (3.9)$$

Бу ерда:

$\Phi_{яр}$  – дисконтлаштирилган ялпи фойда;

$\Phi$  – фойда;

$1$  – инвестиция харажатлари;

$i$  – фоиз меъёри;

$n$  – йил.

Юқорида келтирилган дисконтланган ялпи фойда (даромад)ни ҳисоблашда узок муддатдаги капитал қўйилмаларни эътиборга олиш

мумкин. Бу формулада, биз, айрим фикрлар билан чекланамизки, улар ўтказилган ҳисобни тўлиқ тушунишга олиб келади. Буни жумладан, кўйидаги ҳолатларда кўриш мумкин:

- биринчидан, вақт ўтиши билан фойда, даромад ва харажатлар тўғрисида ноаниқлик кучаяди. Аммо (9–формула) дисконтлаш орқали ялпи фойдани, даромадни ҳисоблашга ноаниқлик кам таъсир этади. Узок муддатга белгиланган фойда, даромад «Фяф»нинг ялпи дисконтланган фойдадаги ҳиссаси яқин муддатдаги белгиланган фойда ёки даромад фоиз даражасига нисбатан кам бўлади. Дисконтланган фойда ёки даромад қисми ишлаб чиқаришга маълум даврда сарфланган инвестиция маблағларига нисбатан узоқлаб бориши натижасида ўсиб боради;

- иккинчидан, 10–формулага асосан, сарф этилган инвестиция маблағлари, яъни асосий капитал маълум давр (п-йил) дан сўнг ўз қийматини йўқотади. Агар бундай фикрлаш ҳақиқатга тўғри келмаса, қолган амортизация капитал элементлари қолдиқларини сотиш орқали олинган даромад қўшимча даромад «v» ҳам вақт омилини эътиборга олган ҳолда ҳисобланади. Шундай қилиб, дисконтланган ялпи фойдани ҳисоблаш омилларига қўшимча ҳолда вақт омилини ҳам

$$v = \frac{vz}{(1+i)^n} \quad (3.10)$$

кўшиш керак;

- учинчидан, хусусий фирмаларда фойдани дисконтлаш даражаси жуда мураккаб. Бозор иқтисодиёти назарияларига, асосан, унинг ҳажми шу фирмалар сарфлаётган капитал харажатлар даражасига тенг бўлиши керак. Бу, ўз навбатида, ишлаб чиқариш харажатларидаги шахсий ва жалб этилган маблағларни аниқлаш имконини беради.

Албатта, фирманинг шахсий маблағи у ишлаб чиқариш жараёнида олган фойда, (даромад) ҳисобига шаклланади. Бунга ўзини-ўзи молиялаштириш, деб қараш керак эмас, чунки бу маблағ бошқа фирма фаолиятига ёки банкка қўйилса, маълум даромад келтиради. Шунинг учун,

фикримизча, инвестиция маблағларини дисконтлаш даражаси инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш вақтига боғлиқ бўлиши керак.

- тўртинчидан, давлат томонидан инвестициялаштиришни амалга ошириш ягона ҳажмда дисконтлаштиришни таъминлайди. Демак, дисконтлашган фойдадан бир қисмини ҳисоблаш учун инвестициялашнинг биринчи йилида дисконтлаштирилган ялпи фойдадан ёки даромаддан зарур бўлган ҳажмдаги капитал қўйилмалар – «I» ни ажратиб олиш керак. У қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$\Phi_{\text{фк}} = \Phi_{\text{яф}} - I \quad (3.11)$$

Бу ерда:

$\Phi_{\text{фк}}$  – дисконтланган фойданинг бир қисми;

$\Phi_{\text{яф}}$  – дисконтланган ялпи фойда;

I – сарфланган инвестиция маблағлари.

Агар дисконтлашган ялпи фойда (даромад) инвестиция маблағларига нисбатан юқори бўлса, дисконтланган ( $\Phi_{\text{фк}}$ ) фойда (даромад)нинг бир қисми ижобий хусусиятга эга бўлади. Бу ишлаб чиқаришга сарфланган инвестиция маблағларининг фойда (даромад) келтираётганлигини билдиради. Бундай ҳолатда ишлаб чиқаришни дастлабки инвестициялаштиришга ажратилган маблағлар қопланиши билан бир қаторда фойда олишга ҳам эришилади.

Инвестиция самарадорлиги пасайишининг асосий сабабларидан яна бири – турли мулкчиликка асосланган ишлаб чиқариш жараёнида инвесторлар фаолияти давлат ёки тадбиркорлик билан шуғулланаётган тижорат банклари томонидан кафолатли ҳимояланмаганлигидадир.

Ишлаб чиқариш самарадорлигини таъминлашда инвестиция маблағларидан фойдаланиш самарадорлигига эришиш учун энг самарадор, кам харажат талаб этадиган лойиҳалардан фойдаланиш зарур. Энг кам харажатли ва самарадор инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда: ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг номенклатураси ва турларига бўлаётган талабларга; маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун зарур бўлган хом ашё

ресурслари нархларига; маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнидаги доимий харажатларга; маҳсулотнинг рақобатбардошлигини таъминлаш учун илм-фан ютуқларидан фойдаланишга эътибор бериш зарур.

Ишлаб чиқариш жараёнининг иқтисодий самарадорлигини аниқлашда, “иқтисодий фойда” ва “иқтисодий самарадорлик” тушунчаларининг маъносини фарқлаш керак.

Иқтисодий фойда ишлаб чиқариш жараёнидаги моддий ва пул харажатларининг маҳсулот таннархида камайтирилишида ва фойданинг ўсишида ифодаланади. Иқтисодий самарадорлик эса, иқтисодий хулосани, иқтисодий жиҳатдан эришилган даражани билдиради. Янги техникалардан фойдаланиш самарадорлиги маҳсулотнинг сифати ва миқдори билан, янги техника ютуқларининг ишлаб чиқаришга жорий этиш харажатларига нисбати билан ифодаланади.

Албатта, янги техника самарадорлиги капитал қўйилмалар самарадорлигига нисбатан тор доирадаги самарадорликни ифодалайди. Бу самарадорлик меҳнат унумдорлигини оширишда, маҳсулот таннархи пасайишида ифодаланади. Умуман, умумий иқтисодий самарадорликни қуйидаги формула асосида ҳисоблаш мумкин:

$$Y_{ис} = \frac{\sum (K_б - M_т) \dot{Y}_{ич} (1 - B_a)}{C_б} \quad (3.12)$$

Бунда:

$Y_{ис}$  – умумий иқтисодий самарадорлик;

$K_б$  – кўтара нарх;

$M_т$  – маҳсулот таннархи;

$\dot{Y}_{ич}$  – йиллик ишлаб чиқариш харажатлари;

$B_a$  – бюджетга белгиланган узатмалар;

$C_б$  – саноат-қурилиш объектининг нархи, унинг умумий жиҳозланиши билан бирга нархи.

Умумий иқтисодий самарадорликни таъминлаш учун ишлаб чиқаришни кенгайтиришга сарфланаётган капиталдан унумли фойдаланиш керак.

Ишлаб чиқариш жараёнига сарфланаётган капитал харажатларнинг самарадорлигини қуйидаги формула асосида аниқлаш мумкин:

$$K_c = C_{fy} / K_k \quad (3.13)$$

бу ерда:

$K_c$  – капитал қўйилмалар самарадорлиги;

$C_{fy}$  – соф фойданинг ўсиши. Бу, одатда, капитал қўйилмалар натижасида олинган соф фойда билан ундан олдин олинган соф фойда ўртасидаги айирма билан ифодаланади;

$K_k$  – капитал қўйилмалар.

Ишлаб чиқариш корхоналари ўзлаштирадиган энг юқори фойда (даромад) ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг таннархига ва уларнинг сотилиш нархи ҳажмига боғлиқ.

Корхоналар маҳсулотлари белгиланган нархлар даражасида сотилиши уларнинг энг асосий иқтисодий кўрсаткичи – фойда шаклланишини таъминлайди.

Бозор иқтисодиёти муносабатлари шароитида корхона фойдасини қуйидаги формула асосида ҳисоблаш мумкин:

$$C_f = Y_m - (\Phi_c + K_{kc} + A_c + M_c) - K_f \quad (14)$$

бу ерда:

$C_f$  – соф фойда;

$Y_m$  – ялпи маҳсулот;

$\Phi_c$  – фойда солиғи;

$K_{kc}$  – қўшилган қиймат солиғи;

$A_c$  – аксиз солиғи;

$M_c$  – мол-мулк солиғи;

$K_f$  – олинадиган қарзларга тўланадиган фоизлар.

Эркинлаштирилаётган бозор иқтисодиётига ўтиш даврида ишлаб чиқариш самарадорлигини таҳлил этишда қуйидагиларни эътиборда тутиш зарур: ишлаб чиқариш самарадорлигини белгиловчи кўрсаткичлар умумий ва хусусий кўрсаткичларга бўлинади. Умумий кўрсаткичлар ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигини кўрсатувчи кўрсаткичлар – фойда ва даромад ҳисобланади. Ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги эса хусусий кўрсаткичлар, меҳнат унумдорлиги, капитал сиғими, моддий харажатлар, маҳсулот таннархи, сиғими ва бошқа иқтисодий кўрсаткичлар орқали аниқланади; инвестиция қўйилмалари самарадорлик даражаси пасайишига, асосан, ишлаб чиқариш тармоқлари бозор иқтисодиёти талабига мослаша олмаётгани, давлат ёки банклар томонидан тадбиркорлар фаолияти ҳар томонлама кафолатли ҳимояланмаганлиги ва инвестиция-ишлаб чиқариш лойиҳалари иқтисодий жиҳатдан етарли даражада асосланмаганлиги сабаб бўлмоқда.

## **Хулоса**



## **Фойдаланилган адабиётлар**

### **I. Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси-Тошкент. Ўзбекистон 2008.
2. Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик Кодекси. Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 4 апрелдаги 353-II-сон Қонуни билан тасдиқланган. “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2002 йил, 9-сон.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида”ги Қонуни

### **II. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва Қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари**

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 6 майдаги ПФ3240 сонли "Капитал қурилишда иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида" Фармони
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 24 октябрда қабул қилинган 463 сонли "Капитал қурилишда нархларни шакллантиришнинг смета-норматив базасини такомиллаштириш ва янгилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 11 июндаги қабул қилинган "Марказлаштирилган капитал қўйилмалари ҳисобига рўёбга чиқарилаётган инвестиция лойиҳаларининг амалга оширишда шартномавий жорий нархларга ўтиш тўғрисида"ги Қарори.
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 3 июлда қабул қилинган №305 сонли "Капитал қурилишда танлов савдолари тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори.
8. “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” Давлат Дастури. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 26 январдаги ПК-1046-

сон қарорига Илова. “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2009 йил, 5-сон, 33-модда.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш юзасидан кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. 2009 йил 20 январь, ПҚ-1041-сон.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Республика лойиҳа-қидирув ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги” Қарори. 2010 йил 23 март. №50 сон

### **III. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарлари ва маърузалари**

11. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг йил якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасидан // Халқ сўзи, 2013 йил 20 январь.

12. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган вазирлар маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи 19.01. 2015.

13. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Президент Ислом Каримовнинг 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2010 йил 30 январь.

14. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир. – Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик

палатаси ва Сенатининг кўшма мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2010 йил 28 январь.

15. Ўзбекистон Конституцияси – биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустаҳкам пойдевордир. – Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // Халқ сўзи, 2009 йил 6 декабрь.

16. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. Тошкент. Маънавият. 2008 йил.

17. И.Каримов, замонавий уй жой қурилиши қишлоқ жойларда комплекс ривожлантириш ва қиёфасини ўзгартириш ҳамда аҳоли ҳаётини сифатини яхшилаш амалий мавзусидаги халқаро конференцияси. 2013йил 14-13 апрел

18. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т.: “Ўзбекистон”, 2011.

#### **IV. Асосий адабиётлар**

19. МахмудовЭ.Х., ИсаковМ.Ю. Бизнеспланирование. (Учебноепособие). – Т.: ИздательствоЛитературногофондаСоюззаписателейУзбекистана, 2004.

20. АкромовЭ.АКорхоналарнингмолиявийхолатитахлили. – Т.: Молия, 2003.-223 б.

21. Абдукаримов И.Т. ва бошқалар Корхона иқтисодий салоҳияти тахлили. Т.: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриётуйи, 2003.

22. ГурковИ.Б. Инновационноеразвитиееиконкурентоспособность: Очеркиразвития 333 российскихпредприятий. – М.: ТЕИС, 2003.

23. Фомин Я. А. Диагностика кризисногосостоянияпредприятия: Учеб.пособиедлявузов. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2003. 439 с.

24. О. И. Волков, Экономикапредприятия, Учебник. М., “ИНФРА-М”, 2000.

25. Сергеев И. В Экономика предприятия. 2-изд. пераб. идоп. Учебное пособие М.: ФиС 2004.

26. Шодмонов Ш., Алимов Р., Жўраев Т. Иқтисодиёт назарияси. -Т.: Молия. 2002.

## **V. Қўшимча адабиётлар**

27. Журавлева М.А. Совершенствование механизма формирования договорных цен в строительстве: Дис. канд. экон. наук: 08.00.05. Екатеринбург, 2006г. 235 с.

28. Коваленко Р.М. Организационно-экономические методы формирования цен на строительную продукцию с учетом возможного изменения стоимости ресурсов: Автореф.дис. канд.экон.наук:08.00.05 Нижегород.гос.архитектур.-строит.ун-т. - Н.Новгород, 2002. - 20с.

29. Айдаева С.А. Методические основы ценообразования в строительстве на современном этапе хозяйствования (На примере Республики Дагестан): Дис. канд. экон. наук : 08.00.05 : Махачкала, 2000 156 стр

30. Кузьминский А. Г. Систематика методов и моделей формирования сметных цен на строительную продукцию : Дис. д-ра экон. наук : 08.00.05 : Новосибирск, 2002г. 490 стр.

31. Дорожкин В.Р. Экономические проблемы формирования стоимости строительной продукции в условиях переходной экономики: Дис. д-ра экон. наук: 08.00.05: Воронеж, 1999г. 348 с.;

32. Хилько Е.В. Формирование регионального ценообразования в строительстве (на примере Новосибирской области): дис. канд. экон. наук: 08.00.05 Новосибирск, 2006г. 172 стр.;

33. Нефедова Л.К. Формирование методологии регионального регулирования договорных цен на строительную продукцию (На примере Кемеровского РЦЦС): Дис. канд. экон. наук: 08.00.05 Новосибирск, 2000 г. 237 стр.;

34. Овсянников А.С. Развитие методов формирования стоимостной части сметно-нормативной базы на региональном уровне: Дис. канд. экон. наук : 08.00.05 Воронеж, 2000г. 160 стр.

## **VII. Даврий нашрлар, статистик тўпламлар ва ҳисоботлар**

35. Статистический сборник. Строительства в Узбекистане. Госкомстат, 2012г.

36. Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси маълумотлари

37. Ўзбекистон Республикаси Давлат Архитектура ва қурилиш қўмитаси маълумотлари

## **VIII. Интернет манбалари**

38. [www.gov.uz](http://www.gov.uz). (Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг расмий сайти)

39. [www.gkas.uz](http://www.gkas.uz) (Ўзбекистон Республикаси Давлат Архитектура ва қурилиш қўмитаси)

40. [www.stat.uz](http://www.stat.uz) (Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси)

41. [www.mf.uz](http://www.mf.uz). (Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги)

42. [www. ser. uz](http://www.ser.uz) (Экономическое обозрение журналы сайти)